R 496
1987/12

ISSN 0134—2207



ГУЛИСТОН

12
1987

Дилфуза Анорбоева Жиззах шаҳридаги Пластмасса заводи илғорларидан.

В. Лешченко фотоси (ТАСС фотохроникаси)

Янги йил дастурхонига...

А. Ванштейн, В. Алексеев фотоси

Бу йилги ҳосилнинг асосий қисми «зангори кемалар» ёрдамида терилди.

А. Жданов фотоси





УЛУҒ ОКТЯБРЬ БЕРГАН БАХТ

Доҳиймиз В. И. Ленин Улуғ инқилоб тонгидаёқ, ҳокимиятни қўлга олиш ишчи-деҳқонлар учун дастлабки вазифа, кўлами кенг, катта ишлар эса, шундан кейин амалга оширилаверади, деб башорат қилган эди. Мамлакатимизда, хусусан, миллий ўлкаларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм қуриш тажрибаси бу буюк башоратнинг қанчалик ҳаққоний эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Мана, яқинда кўпмиллатли совет халқи Улуғ Октябрь инқилобининг шонли 70 йиллигини кенг нишонлади. Бу галги анъанавий байрам одатдагидан ўзгачароқ бўлди. Байрам олди йиғилишлари, партия ветеранлари билан бўлган учрашувлар илгаригидек ортиқча тантанавозлик билан эмас, балки қайта қуриш даврининг масъулиятини тўлароқ ҳис қилиш, жамиятимиз ҳаётида юз бераётган революцион ўзгаришларнинг туб моҳиятини кенг оммага тушунтириш руҳида ўтди.

«Босиб ўтилган йўл — унинг қаҳрамонлиги ва мушкуллиги замондошларни тўлқинлантирмай қола олмайди, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисда қилган докладида. — Бизнинг тарихимиз битта, у — муқаррар. У қандай ҳис-туйғуларни юзага келтирмасин, у бизнинг тарихимиз, у биз учун азиз. Бугун биз дунёни ларзага солган Октябрь кунларига назар ташлаймиз, у кунлардан метин маънавий таянч ҳам, ибратли сабоқлар ҳам излаймиз ва топамиз. Октябрь танлаб олган «социалистик йўлнинг тўғрилигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз».

Дарҳақиқат, Улуғ Октябрь жаҳон халқлари тарихида чинакам янги даврни — истиқбол ва юксалиш даврини бошлаб берди. Совет кишилари эса ўзларининг ижтимоий ҳаётларида ва шахсий турмушларида эришган ҳар бир муваффақиятини, ютуғини ана шу Буюк инқилобнинг самараси деб ҳақли равишда фахрланадилар.

Республикамиз ҳаётида эса яна бир тарихий муҳим воқеа: ўз моҳияти эътибори билан ўлкамизда социализм қуришнинг таркибий қисмларидан бири — хотин-қизларнинг озодликка чиқишини таъминлаган «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги ҳам оммавий равишда нишонланди.

Дарҳақиқат, ўтмишда эзилган, чор девор ичида эрки хўрланган ўзбек хотин-қизларининг озодликка чиқишлари, уларнинг ижтимоий меҳнатга жалб этилишлари катта тарихий аҳамиятга эга эди. Лекин ҳуқуқи таъқирланган хотин-қизларни озодликка чиқариш, аёлларни социалистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида фойдали меҳнатга тортиш жараёни осон ва тинч кечмади. Бу мураккаб жараён кескин синфий кураш, аёвсиз олишувлар билан амалга оширилди. Негаки, жаҳолат ботқоғига ботган жоҳил, авом ва саводсиз эркаклар хотин-қизларнинг озодликка чиқишлари йўлида ғов бўлиб турардилар. Уларнинг қаршилигини синдириш эса ҳадеганда осон бўлмади. Озодлик қурбонлари бўлган Нурхон, Турсуной ва Манзураларнинг фожиали қисмати мана шундан далолатдир. Демак, халқимизнинг социализм қуриш тарихида муҳим босқич бўлган «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллик тарихи — бу сиёсий чиниқиш, зулмат пардасини йиртиб, ёруғликка чиққан хотин-қизларнинг ўзлигини таниш, буюк инқилобнинг ҳаётбахш қудратини намойиш этиш тарихидир. Ўлкамиз хотин-қизларига истиқбол эшигини очиб берган ўша оловли йиллар халқимиз тарихига бугунги бахтимиз учун курашганларнинг жасоратли фаолияти сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Шу йил 19 сентябрда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ҳам бу тарихий ҳаракатнинг умумбашарий аҳамияти яна бир карра қайд этилди.

Бугунги кунда Совет Шарқи хотин-қизлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлидир. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари СССР Конституциясида қонуний гарантияланган. Хотин-қизлар республикамиз халқ хўжалигида ишлаётган кишиларнинг қарийб ярмини, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал таъминот соҳаларида эса кўпчиликни ташкил этадилар. Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг мастери, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари, депутат Хайринисо Норматова, Фарғона Тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шакархон Мирзабобоева, «Малик» совхозининг атоқли механизатори, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон Қирғизбоева, СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Ойимхон Шомуротова, Бернора Қориева, ЎзССР халқ артистлари Дилафрўз Жабборова, Маъмура Эргашева, истеъдодли олималар ва жамоат арбоблари Турсуной Каримова, Ҳабиба Икромова, Санъатхон Азизова ва бошқалар халқимиз фахридирлар.

«Ҳужум» ҳаракати 60 йиллиги байрами кунларида республикамиз сиёсий-маданий ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Эски шаҳарнинг марказий жойларидан бирида «Шарқнинг озод аёли» ҳайкал-монументи қад кўтарди (муқовага қаранг). Монументнинг очилиш маросимида ўзбек аёлларидан чиққан биринчи паровоз машинисти, тўнғич парашютчи аёл Б. Мирбобоева, Қаҳрамон она Н. Усмонова, Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Губина ва бошқалар сўзладилар. Улар Ўзбекистон ҳамда бутун Ўрта Осиё хотин-қизларининг озодликка чиқишлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Октябрь революциясидан кейин чор Россиясининг собиқ чекка ўлкалари халқларининг тенгсизлигига барҳам бериш борасида амалга оширган улкан ишларнинг таркибий қисми эканлигини, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси эканлигини зўр мамнуният билан қайд этдилар.

Ҳаёт, ижтимоий тараққиёт «Ҳужум» ҳаракатининг тарихан ғоятда тўғри тадбир эканлигини кўрсатди. У хотин-қизларни озодликка чиқариш жараёнида оммавий-сиёсий ишларнинг жуда кўп янги, қизиқарли ва таъсирчан шаклларини вужудга келтирдики, булар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фақат бу сиёсий-ижтимоий тадбир-усуллардан давр, қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб янги мазмунлар билан тўлдирган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳа, юксакликда, «Шарқнинг озод аёли» монументи қад ростлаб турибди. Баланд постамент устида эса ўз эрки ва бахтидан мамнун бўлган ўзбек аёлининг ҳайкали. У совет замонида, кўпмиллатли улуғ оилада камол топган ва ўзлигини оламга намоён қилаётган бахтиёр хотин-қизларимизнинг рамзий тимсоли сифатида мағрур турибди.

Ш. СИДДИҚОВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий журнали

№ 12 (454)
Декабрь
1987

Журнал 1925 йилдан чика бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

ГБ УзССР
Экз. № 41

© «Гулистон» № 12, 1987 йил.

Революцион покланиш ва тикланишга бўлган умидимиз шахсни, инсон омилини активлаштириш йўли билан социализмнинг ғоят катта социал ресурсларини юзага чиқаришдан иборатдир. Қайта қуриш натижасида социализм инсонга хизмат қилувчи ва уни улуғловчи реал инсонпарварлик тузуми сифатида ўз имкониятларини тўлатўкис амалга оширa олиши мумкин ва лозим. Бу жамият одамлар учун — уларнинг ижодий меҳнатини равнақ топтириш, фаровонлиги, соғ-саломатлиги, жисмоний ва маънавий камол топиши учун мўлжалланган жамият, инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис этаётган ва амалда худди шундай бўлган жамиятдир.

М. С. ГОРБАЧЕВ

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисдаги докладидан).

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ

КПСС XXVII съезди қарорлари ва партия Марказий Комитетининг пленумлари материалларида совет кишиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларнинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини тўлароқ қондириш муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланади. Чунки фан, техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга тобора кенгроқ жорий этилган сари одамларнинг яхшироқ дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, куч-қувватларини тиклаш йўли билан уларнинг янада фаол, самарали меҳнатга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумида таъкидланганидек, ижтимоий соҳани устун даражада ривожлантириш, совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш муҳим роль ўйнайди.

Республикамизда бу борада муайян ишлар қилинаётир. Қишлоқ жойларида ҳам меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва дам олишини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилинаётган хўжаликлар, коллективлар бор. Хусусан, Бухоро районидаги «Маданият» колхози, Вобкент районидаги Калинин номли, Ғиждувон районидаги Энгельс номли, Свердлов районидаги Охунбобоев номли, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли, Энгельс номли, Жиззах область, Арнасой районидаги Ю. Фучик номли, Пахтакор районидаги «Пахтакор» ва бошқа қатор хўжаликларнинг маданият муассасалари меҳнаткашларнинг ҳақиқий маданий дам олиш масканларига айланган. Бу жойларда кишиларнинг дам олиш ва ҳордиқ чиқаришларини ташкил этишнинг хилма-хил шакл ва усулларидан самарали фойдаланилмоқда. Меҳнат, маданият ва турмуш анъаналари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, ёшларни Совет Армияси сафига кузатиш, қарияларни пенсияга узатиш, социалистик мусобақа ғолибларини, меҳнат илғорларини шарафлаш маросимлари ҳамда ахлоқ-одоб, атеистик мавзуларга бағишланган савол-жавоб кечалари, лекция ва докладлар мунтазам ўтказиб турилади.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда клублар, кутубхоналар, маданият уйлари ва саройларининг фаолияти давр талабларига тўла жавоб берадими? Кишилар ўз ихтиёрлари ва қизиқишлари билан маданият муассасаларига бораяптиларми?

— Бу саволларга кенг маънода: «Ҳа» деб жавоб бериш қийин, — дейди Олот районидаги «Гулистон» қишлоқ Совети маданият уйи директори А. Ҳамроев. — Бунинг асосий сабабларидан бири — маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техника жиҳатидан етарли таъминланмаганлигидир.

Ҳақиқатан ҳам қатор район ва қишлоқ маданият муассасаларининг моддий-техника базаси ёмон аҳволда. Уларнинг айримлари кўримсиз, шунчаки мослаштирилган тор биноларда жойлашган бўлса, баъзилари бошқа ташкилотларнинг биноларида омонат туришибди, ҳатто қатор аҳоли пунктлари мавжудки, уларда маданий-оқартув муассасасининг ўзи йўқ. Масалан, Бухоро областидаги клуб муассасаларининг фақат 21 фоизи

типовой биноларда жойлашган. Областдаги 154 колхоз ва совхознинг атиги 84 тасигина ўз клуб ва маданият уйларига эга, холос. Қашқадарё областининг Яккабоғ районидаги 173 аҳоли пунктининг 70 тасида биронта ҳам маданий-маърифий муассаса йўқ.

Бундай ачинарли аҳволнинг юзага келиш сабаби: айрим ташкилот, муассаса, совхоз ва колхоз раҳбарларининг аҳолининг маданий дам олишини ташкил этиш масалаларига эътиборсизлиги, бу масалани иккинчи даражали иш деб тушунишларидир. Шунинг учун ҳам район, колхоз ва совхозларда маданий-оқартув муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, мавжуд ўқув-томоша залларида ўринлар сонини ошириш масалалари хўжаликни ҳар тарафлама ривожлантириш планларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинмайди. Ҳатто, совхоз ва колхозларнинг хўжалик планларига киритилган клублар, маданият саройлари ва маданият биноларининг йиллаб қурилмасдан қолиб кетаверади. Хўжалик раҳбарлари эса бунга эътибор ҳам бермайдилар.

Масалан, «Партия XXVII съезди» колхози — Ғузор районидаги йирик ва сердаромад хўжаликлардан бири. Бироқ, колхоз раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли хўжаликнинг ўтган беш йиллик планларига киритилган клуб қурилиши ҳамон битмайди. Клуб қурилишига ажратилган маблағ эса, бошқа ишларга сарфланиб юборилмоқда. Агар бунинг сабабини сўрасангиз, албатта: «Клуб қуриш учун маблағ етишмайди», деган жавобни оласиз. Бу ерда 1972 йили «Дўстлик» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилган эди. Ансамбль бир неча бор область кўрик-конкурсларининг ғолиби бўлди. Кейинчалик эса, етарли шарт-шароитнинг йўқлиги, ҳатто машғулот ўтказадиган жойнинг тайини бўлмагач, ансамбль ўз-ўзидан тарқаб кетди.

Ғиждувон районининг Армичан қишлоқ Советидаги Садриддин Айний номли колхоз 10,5 минг аҳолига эга. Колхоз ўтган йили давлатга 4 минг 40 тонна пахта, 404 тонна дон, 500 тоннадан кўпроқ сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берди. Шунга қарамасдан, бу хўжаликда атиги битта клуб бор. Ҳақли савол туғилади: ягона клуб қандай қилиб ўн ярим минг аҳолига маданий хизмат кўрсатиши мумкин? Қолаверса, кишилардан фақат ишни эмас, балки қандай маданий дам олаётганликларини ҳам сўраш пайти келмадимикан?

Маълумки, аҳоли зич яшайдиган жойларда маҳаллий имкониятлар ҳисобидан бўлсада, маданият масканлари — кутубхоналар қуриш ва уларни асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун кўрсатмалар борлигига қарамай, ҳали бу масалалар ҳақида жойларда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Шу сабабли баъзи район, совхоз ва колхоз клуб муассасалари ҳамон ярим-ёрти мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Масалан, Қумқўрғон район маданият уйида аҳвол худди шундай: маданият уйи жойлашган бино бошқа ташкилот ҳисобида туради.

— Биз бу ерда омонатмиз, — дейди район маданият уйи директори Б. Ҳакимов. — Бу бино илгари «Сурхон» корхоналари бирлашмасининг ошхонаси бўлган. Кейин тўрт томони берк жой, деб бизни, янги маданият уйини эски ошхонага кўчириб ўтказишди. Сувоқлари тушган, хоналари нам тортиб турган бундай жойларда қандай қилиб оммавий-маърифий тадбирлар уюштириш мумкин?

Очиғини айтганда, бунда айб фақат маданият ходимларидагина эмас, балки аҳолининг маданий эҳтиёжлари ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётган ўша жойлардаги тегишли партия, совет ташкилотлари ва муассасалар раҳбарларида ҳамдир.

Маълумки, маданият муассасаларида ташкил этилаётган оммавий-сиёсий, маданий-тарбиявий тадбирларнинг таъсирчанлиги уларда замонавий техника воситалари ва кўргазмали қуроллардан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқдир. Афсуски, кўпгина клуб муассасалари ва кутубхоналар тарғибот-ташвиқотнинг ана шундай техникавий кўргазмали воситалари билан етарли даражада таъминланмаган. Масалан, Бухоро областидаги ишлаб турган клуб муассасаларининг атиги 3,7 фоизи доимий кино қурилмаларга, 6 фоизи кўчма кинопроекторга, 2,2 фоизи эса, духовой оркестр комплектига эга, холос. Ёки, бошқача айтганда, республикамизнинг ўртача кўрсаткичидан уч-тўрт марта пастдир.

Бу соҳадаги нуқсон ва камчиликлардан яна бири, қатор колхоз ва совхозларда маданият уйлари, клублар ва кутубхоналар бору уларда иш фаолияти йўқ, бошқа бир жойда эса ишлаш учун жой йўқ. Масалан, район маданият бўлими, хўжалик раҳбарларининг эътиборсизликлари, ўзибўларчиликка берилишлари оқибатида Свердлов районидаги «Коммунизм», Ромитан районидаги Ибн Сино номли, Шофиркон районидаги Ильич номли, Чироқчи районидаги Файзулла Хўжаев номли, «Кўкдала» каби совхоз ва колхоз клублари, маданият уйлари маданий-маърифий муассаса сифатида деярли фаолият кўрсатмаётганликлари ғоят таажжублидир.

Инсон омилини фаоллаштиришда китобнинг роли беқиёс. Республикамизда аҳолининг ғоявий-сиёсий билимини ошириш ва уларга эстетик завқ бағишлашда ҳақиқий тарбия ўчоғи бўлиб қолган кутубхоналар анчагина. Ғузор район марказий кутубхонаси, Шаҳрисабз районининг Кунчиқар қишлоқ Совети кутубхонаси, «Аврора» посёлкасидаги Қарши район марказий кутубхона филиали, Ғиждувон район марказий кутубхоналари шулар жумласидандир. Бироқ кутубхоналар фаолиятида ҳам нуқсонлар анчагина. Тўғри, мавжуд кутубхоналарнинг кўпи ўзининг бой китоб фондига эга. Бироқ



Суратда: Тошкент Агрегат заводининг илғор ишчилари Худойберган Собиров, Топиболди Мўминов, Танзила Абдикашшоповалар.

В. Мосин фотоси

кутубхоналар ўзининг мустаҳкам моддий-техника базасига эга эмаслиги сабабли китоб пропагандасини яхши йўлга қўйиш, адабиётларни тарқатиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун имконият бўлмаётир. Бундай нуқсонлар, хусусан, қишлоқ кутубхоналари фаолиятларида кўпроқ содир бўлмоқда. Қамаши, Яккабоғ, Чироқчи, Муборак, Ромитан районларидаги кўпгина кутубхоналарда, Нишон, Ғиждувон, Косон, Қоракўл, Денов, Шўрчи районларининг баъзи кутубхоналарида аҳвол шундай. Масалан, Муборак район марказий ҳамда болалар кутубхоналари учун бор-йўғи иккита хона ажратилган. Деққонобод районидаги «Биринчи май», Кўкжар,Оқработ қишлоқ кутубхоналари эса, жуда тор бинода жойлашган. Уларда ўрин етишмаганлигидан китоблар тахлаб ташланган.

Кутубхоналар ўз китоб фондини аҳолига етказиш учун яхши жиҳозланган ўқув залларига эга бўлиши, у ерда китобхонлар мутолааси учун тегишли шароит яратилган бўлиши лозим. Афсуски, кутубхоналарнинг анчагина қисми бундай имкониятларга эга эмас. Масалан, Қашқадарё областида мавжуд бўлган 572 кутубхонанинг 30 фоизигина ўқув залларига эга. Уларнинг кўпчилигида олиб борилаётган оммавий ишлар талабга жавоб бермайди, мавзуий кечалар, викториналар, оғзаки журналлар, китобхонлар конференциялари каби маданий тадбирлар камдан-кам ўтказилади. Шунга ўхшаш нуқсонлар сабабли Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё каби областларда аҳолини кутубхонага тортиш даражаси анча паст, ҳатто республиканинг ўртача кўрсаткичидан ҳам орқада.

Маданий-оқартув муассасалари фаолиятини яхшилашда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қанчалик аҳамиятли бўлса, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам шунчалик муҳимдир. Негаки, ҳамма нарсани кадрлар ҳал этар экан, аввало мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш керак.

Республикамизда шундай реал имкониятлар борми? Бор, албатта. Масалан, Бухоро областини олиб кўрайлик. Областдаги клублар, маданият уйлари ва саройларида ишлаб турган 529 кишидан 44 нафари олий, 303 нафари эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Агар областда ўрта махсус маълумотли маданий-оқартув ходимлари тайёрлаб берадигай техникумнинг борлигини ҳисобга олсак, бу имконият даражасидан анча паст эканлигини кўрамиз. Биргина Бухоро маданият техникумида кейинги ўн йил ичида 1 минг 700 дан кўпроқ ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрланди. Бироқ уларнинг жуда кам қисмигина ўз мутахассислиги бўйича ишламоқда, холос. Бундай ачинарли аҳволнинг асосий сабаби маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг маданий-оқартув муассасаларининг иши ҳақида етарлича ғамхўрлик кўрсатмаганликлари оқибатидир.

Дарҳақиқат, кўп ҳолларда тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан ишга келган ёш кадрларга керакли шарт-шароит яратиб берилмайди. Шунингдек, ишчан, ташаббускор ходимлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмайди. Натижада кадрлар бошқа соҳага ўтиб ишлашга ноилож мажбур бўлмоқдалар.

Жамиятимиз сиёсий-иқтисодий фаолиятини қайта қуриш шароитида маҳаллий, партия, совет ташкилотлари, район маданият бўлимлари раҳбарлари маданий муассасалар ишларини яна бир карра таҳлил қилиб чиқишлари, КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорлари асосида танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, амалий бурилиш ясашлари лозим.

Сайдулла ШОДИЕВ,
Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси

ҚАЛБ СЎЗЛАРИМ



Уллибиби ОТАЕВА

...Биринчи муаллим, биринчи мактаб,
Сиз билан ақллар равшан, ёруғ таъб.
Синф. Тор ҳужралар фикрингиз-ла
кенг,
Талабалар бордир отангизга тенг.
Илк сабоқ дурларин сочганингиз кез,
Катта-кичик сизга бирдай тикар кўз.
Алифбо боши бу алифмас, «л»дир.
Саводнинг боши ҳам асли Лениндир.
Эллик яшарлар-да тинглаб сўзингни,
Ленин боласи деб таниб ўзини,
Беш йилликлар сари юриш асли шу,
Асрий орзу қийғос гуллар фасли шу.
Зиёга бошлаган, эй илк муаллим,
Қуллуқ сизга, жасур қалдирғочларим,
Гарчи қанотингиз нозик-ниҳолдир,
Ҳур ҳаёт қудрати унда ниҳондир.
Олис самоларнинг зангорлигинда,
Камалакнинг тўкин рангдорлигинда,
Баҳор қушларининг сайроқларида,
Раққоса Онажон қайроқларида,
Қизғиш тусга кирган заъфар юзларда,
Рақибга тик қарай билган кўзларда,
Доҳий деган бир сўз, бир ҳикмат изи
Битик эди иқбол, ҳуррамлик сўзи.
Далага трактор илк бор кирган кун,
Ер ранги нур рангин олиб кулган кун
Муҳрланиб қолди дилда бир умр.
Ярқираб из солиб ўтди мисли нур,
Юз, минг, сон-саноқсиз уватлар қатор
Бирдамлик қўшиғин куйлади такрор.

* * *

Фигурали учиш эмасдир ҳаёт,
Ҳаммаси гўзал ва силлиқ ўтмайди.
Терга ботиб минг бор чопсанг-да, ҳайҳот,
Сени олқишлар ва гуллар кутмайди.

Ишонч, табассум-ла қўл берган кимсанг
Ўйин бошида гоҳ ташлаб кетар зор.
Тойиб йиқиларсан олдга интилсанг,
Ортга қайтмоқлик-чи, номус билан ор.

Кўзларинг ўйнатар парвози баланд,
Қанотлари қўша ҳар бахтли қушча.
Вужудинг мушт каби тугилар карахт,
Лекин сен барибир чопмоғинг керак.

Ўкиниб тўхтама, чопавер илдам,
Мағлублик эмас бу! Гоҳо тойилсанг,
Қўлинг баланд келар бўлса дафъатан
Сен якка учишнинг чемпионисан.

«ФЕРУЗ»НИ ТИНГЛАБ

Бир гал бир сайлда (болалик чоғлар)
«Феруз»ни куйларкан Назира опа,
Юракларга солиб чиққусиз доғлар,
Уйларни учирган куйдан пар боғлаб.
Оҳ, бу не фарёдким, қувончга ўхшар,
Бу не ғарибликким, нақд ганжга
ўхшар,
Бу не ночорликким, гул тожга ўхшар,
Не янглиғ гадо ул подшоҳга ўхшар.
Менинг ғамим унинг ғамин қошинда
Кўҳи Қоф олдинда урвоққа ўхшар.
Ишқнинг зўр розиман кўйинда юрган
«Минг бир кеча» сукут ичра лол эди.
Шу тобда ҳув ҳовуз бўйида турган
Тол ҳам оддий толмас, мажнунтол эди.
Бадрўйлар хушрўйдай бўлиб кўринди,
Оғир кунлар тўйдай бўлиб туюлди,
Бераҳм кўзлардан ёшлар қуйилди.
Аёллар жимжиту болалар ҳайрон,
Шўх-шодон ўсмирлар хаёлга толган,
Ёмонлар ёмонлик, зўрликдан тонган.
Ўртага ёқилган оловнинг кули
Шунда узоқларга бош олиб қолган.
Шунда мен сездимки, энг содда қиз ҳам
Энди ор қилмайди, қўрқиб юрмайди.
Кимнидир дим[1] қаттиқ севиб қолишдан
Ғийбатчи кимсалар сезиб қолишидан.
Ушанда улғайиб қайтдим мен анча,
Энди-чи, ўйлайман ҳадик ичинда:
«Феруз»ни куйласа Хуршида неча
Менинг фарзандларим тингларму
шунча?!

ЭРТАКЛАРДАН УҚҚАНЛАРИМ

Танимоқ муддати етди парини,
Базмлар, сайллар сўнгига етди.
Қўлини сўрай деб йигит лаб очса,
Бир зумда илонга айланди-кетди.
Урмонни бошига кийиб бўкирар,
Жуфтидан айрилган азадор айиқ.
Қайғудан бошини тошларга уриб
Йигитга айланар... парига лойиқ.
Чўпоннинг ўғлига монанд паҳлавон
Бир норғул меросхўр кутар золим шоҳ.
Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа
Унга инъом қилар кучукча, эвоҳ.
Аламдан жаҳонга ўт қўйса ҳамки,
Табиат ҳукми бу ўзгартиб бўлмас.
Тошбағир, қулоғи шафқатга сағир,
Бул зотга энг лойиқ жазо шу, билмас.
Гуноҳсиз гуноҳкор ўтга ташланар,
Лекин омон чиқар бир мўйи куймай.
Демак, бу дегани — адолат яшар,
Ҳақиқат яшайди кўк либос киймай.
Ҳақиқат — қизил юз, узун тил билан
Ўтдан чиқиб келар ғўч йигит бўлиб
Сеҳргар илми-ла ким бағир тилган
Ўтганни-кетганни қопар ит бўлиб.
Эртаклар оламин қонунидир бу...
Энг оғир, энг қалтис дақиқаларда
Ҳар ким ўз руҳига мос сурат олар,
Ўзлиги кўринур, чекиниб парда
Мен бугун бошгинам тошларга тегиб,
Аччиқ алам ичра турарканман лол.
Ўйлайман, теграмда юрган дўстларим,
Неларга айланар, рўй берур не ҳол?

Урганч

[1] Дим — жуда

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

МАЪРИФАТИМИЗ ҚЎШҚИНОРИ

Нақотки, «кексалик худди қордай тўсатдан босади. Эрталаб турсангиз ҳаммаёқ оппоқ». Донишмандлар айтгандай, ёшлик ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма ҳис қилади. Отажон ака билан Гулсум опанинг турмуш қурганларига 55 йилдан ошаётган бўлса-да, шу чоққача қарилик ҳақида ўйлашмаган, ораларида бу ҳақда гап-сўз бўлмаган. Ҳозир эса, иккалалари ҳам ёшликни эслашаяпти. Шаҳар комсомол комитетидан вакил келиб:

— Уч авлод учрашувини ўтказишга ҳозирлик кўраяпмиз. Биринчи авлод вакиллари номидан иккалангиз ҳам сўзга чиқсангизлар,— деб илтимос қилди.— Шаҳар халқ маорифи ветеранлари ичида ёши энг улуғ сиз экансиз,— деди у Отажон акага қараб.— Муаллималарнинг орасида эса Гулсум Абдуллаевна биринчи эканлар.

— Тўнғич авлодга қўшсаларинг, майли қўшаверинглару, аммо иккаламиз ҳам қариликни хаёлимизга келтирганимизча йўқ,— деди Отажон ака одатдагидай қувноқ оҳангда. — Қайсидир китобда ўқиганман... оқил бир киши: «Кексайганини одам қачон сезади? — деб ўзига-ўзи савол беради ва ўзи шундай жавоб қилади: «Буни у орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганда ҳис қилади». Демак, қарилик ёшга боғлиқ эмас. Биз эса, катта орзу-умид билан яшаяпмиз.

— Отажон акангизга қўйиб берсангиз, учинчи авлод қаторида туриб гапиришдан ҳам қайтмайдилар,— дейди Гулсум опа кулиб-кулиб. Лекин учрашувга иккалалари ҳам шошилаётгандай эди.

Болалик йиллари беихтиёр эсига тушиб, Отажон аканинг юраги жиғиллаб кетди.

Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик...

— Мана, менинг болалигим, оёқ остида гўдаклигим,— ичида пичирлайди Отажон ака, — оға-инилар чумчуқдай чирқираб ҳар кимларнинг эшигида кун кўрдик. Бир-биримизнинг дийдоримизни кўролмасдик. Улуғ Ғафур Ғулом шу шеърини ёзаётганда уни ўйлагандай, уни назарда тутгандай... Йўқ, у билади, ўша даврларда бутун юрт етимхонага ўхшаганини, худди қўшиқларда айтилганидай етимлар зор-зор қақшаганини у билади. Бир укаси ўша инсофсизлик қаърида йўқолди. 1920-1922 йилларда Отажон Марғилондаги болалар уйида тарбияланди. Уни оқ ювиб-оқ тарадилар, меҳрибон қўллар унинг пешонасини силай бошлади. Бу ёруғлик Октябрь офтоби, Ленин офтоби, бу — янгидан туғилган она-Ватан эканини ҳис этган Отажоннинг мурғак қалби:

— Қанча изладим, қанча йиғлаб-бўзлаб охири сени топдим, йўқ-йўқ, сен мени топдинг, одамлигимни танитдинг, она-Ватан! Сен менинг онамсан, сен менинг отамсан,— деб наъра тортарди.— Биттаю битта орзум бор: сенга муносиб фарзанд бўлиш!

Шу ният ҳамиша унинг қўлидан тутди. У 1926 йили Халил Шокиров, Тоштемир Болтабоев, Жалол Муҳаммадиев ва бошқа аълочи курсдошлари қаторида Марғилондаги икки йиллик педагогика курсини тамомлаб, муаллимликка йўлланма олди. Унга Ермозор қишлоғида биринчи совет мактаби очган Давлат Ниёзовдай «қизил муаллим» билан бирга ишлаш насиб этди. У янги ҳаёт кураши тўлқинларида тобланиб, кундузи ёшларни, кечқурун катталарни ўқитаётган, кишиларнинг кўзини очиб, дилига нур тараб, ҳаётига мазмун бахш этаётгани билан гурурланарди. Хурофот ҳар қадамда йўлига кўндаланг бўлиб турар, аммо у чўчимас, аксинча, унга даҳшат солар эди. Ўша пайтда Ермозор мактабининг талабаларидан Сурмахон Шерматовани савод чиқараман дегани учун ваҳшийларча сўйдилар. Худди Сурмахондай ғунчаларнинг сўлганлар ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда топиларди. Маърифат кушандалари, жаҳолат ҳомийлари ўқитганни ҳам, ўқиганни ҳам кўролмас, таъқиб этар, айниқса, муаллимларни ўз ишидан бутунлай бездирмоқчи бўлар эди. Отажоннинг тошлоқлик ва яккатутликларнинг устози бўлган муаллим дўсти Абдусамад Мирзаев шундай жаҳолатпарастлар қўлида фожиали ҳалок бўлди. Бундай хунрезликлар оз бўлганми?! Буларни ким эсдан чиқаради?! Отажон ака қаерга бормасин, қаерда бўлмасин, Фарғонада халқ маорифининг равнақи учун қалб қўрини тўккан қанча-қанча заҳматкаш ва фидойи педагоглар номини тилга олади, ўшалар билан ёнма-ён ишлаганини фахр туйғулари билан тўлиб-тошиб эслайди.

Отажон Фармонов ўқитиш билан бирга ўзи ҳам тинмай ўқиди. Чунки ўзгаларга билим бериш, уларни ўз ортидан эргаштириш, якка хўжаликларни коллективлаштиришда қатнашиш, Коммунистик партия ғояларининг тарғиботчиси бўлиш уни чиниқтирибгина қолмай, яна ундан марксча-ленинча таълимотни ўрганишни, бу ҳаётбахш таълимотни ҳаётда қўллай билишни ҳам талаб этарди. Ана шу ихлос, қизиқиш, ғайрат уни раҳбарлик ишларига тортди. Узоқ йиллар давомида Фарғона район партия комитетида масъул лавозимларда ишлаган Отажон ака ҳар бир меҳнаткаш билан умумий тил ва умумий дил топиб муомалада бўла олиш қобилиятини кўрсатди. Узоқ муддат 26-мактабни, район халқ маорифи бўлимини бошқарганида ҳам бутун кучини таълим-тарбия ишларини, педагоглар нуфузини кўтаришга, маориф ходимида масъулиятни ҳис этиш қобилиятини шакллантиришга, ўқув базаларини мустаҳкамлаш ишига бағишлади.

У 1968 йили ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ II съездига делегат бўлиб қатнашганини ҳаётидаги энг унутилмас онлар деб билади. Езувчи Асқад Мухтор, фан кандидатлари — доцентлар Осиёхон Фаёзова, Холисхон Қўзибоева, Эргаш Раҳимов, шунингдек, бир қанча партия ва совет, комсомол ходимлари, машъал ўқитувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари у билан «бизнинг муаллим» деб фахрланадилар.

Унинг 55 йиллик умр йўлдоши Гулсум опа Фармонованинг биографияси ҳам шундай бой, шундай ёркин. Ўзи ҳақида мақтов сўзларни бўлиб:

— Бу обрўга яхши одамлар туфайли эришдим, — дейди. — Ахир, олимларимизнинг: «Ким, бошқа одамларсиз кунимни ўтказа оламан, қобилиятим шундай қудратли, деса хато қилади; лекин кимки, одамларга менсиз қийин бўлади, деб ўйласа, ундан баттар хато қилади», дегани ҳаммамизга тегишли эмасми?!

Унинг нурли пешонаси таранглашгандай бўлади. У ҳозир тенгқур дўстлари Абдулла Умаров, Насирдин Шамсиддинов, дугоналари Ойшахон Йўлчиева, Сайдинисо Шокирова, Фотима Йўлдошбоевалар билан бирга мактабга қатнаганини, Елизавета Нетесова, Хадича Орифжонова, Ойшахон Уразаева, Руқия Иброҳимова каби устозлардан олган сабоқларини эслаётгандир? 1927 йили 1-мактабни битириб, хотин-қизларни ёруғликка олиб чиқиш учун курашганларини ё муаллима бўлиш орзусида ўқитувчилар курсини тамомлаб, Фарғона шаҳридаги болалар уйига тарбиячи бўлиб келган ширин дақиқаларини хаёлидан ўтказаяптимикин? Гулсум опанинг ёдига булардан ҳам бурун Улуғ Ватан урушининг даҳшатли дақиқалари тушаяпти. Унинг коммунистга хос иродаси, меҳру муҳаббати, янги-янги фазилатлари ўшанда жуда ҳам яққол намоён бўлганини ҳамма билади. Уруш йиллари Фарғона шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Гулсум Фармонова уруш ичкарисидан бор-йўғини йўқотиб келган, эридан, болаларидан, ота-онасидан, қариндош-уруғидан айрилиб, кўзига дунё қоронғу кўринган қанча-қанча кишиларга ҳамдард бўлди, уларнинг қўлидан тутди. Ана шундай минг-минглаб оилаларни уй билан таъминлаш, ишга жойлаштириш, етимларга оналик қилиш, ҳар бир муҳтож инсонга совет гражданларининг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар бир бутун оила эканини амалда кўрсатиш Гулсум опадан озмунча куч, бардош, ақлу идрок, саховат талаб этганми?!

Гулсум опадаги энг меҳрли оналарга хос юксак фазилат ҳеч кимнинг нигоҳидан четда қолмади. Шаҳардаги 4-болалар уйига Гулсум Фармонованинг директор этиб тайинланиши бежиз эмас эди. Кейинроқ, 1960 йилларда опа ана шу болалар уйи базасида Н. К. Крупская номли мактаб-интернат ташкил этиш ишига бошчилик қилди, у ана шу билим даргоҳининг директори ва ўқитувчиси сифатида бутун куч-имкониятини келажак кишисини тарбиялашга сафарбар этди.

...Фарғонанинг соя-салқин кўчалари бўйлаб ўрта бўйли, бугдой ранг, истараси иссиқ, саксонга етган бўлса-да қадамлари ўрта ёшлардай дадил Отажон Фармонов умр йўлдоши, юзлари оқ-сариқдан келган, юмшоқ сўз, нигоҳлари меҳрга тўла Гулсум опа билан ёнма-ён уч авлод учрашувига шошилиб кетишаяпти. Иккалаларининг кўксида ҳам орден ва медаллар қаторида «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси», шунингдек, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» нишони ярақлаб турибди. Учрашувда нималарни гапириш ҳақида суҳбатлашиб боришаяпти. Йўл-йўлакай, баъзан тепага, бошларига тангадай ҳам офтоб туширгаётган азамат чинорларга қараб қўйишади. Бугунги кун учун жонини фидо қилган содиқ дўстлари билан мана бу чинорлар ўртасида аллақандай яқинлик бордай. Одамлар бирининг ақлу идроки, меҳридан, иккинчисининг соя-салқинидан бахраманд.

Йўлдош СУЛАЙМОН

Фарғона

БАРГИ — ШОЙИ,

Ҳар бир дарахт меваси, ёғочи, манзаравийлиги ёхуд ҳам меваси, ҳам ёғочи билан қадрли. Масалан, ёнғоқни мева ва ёғочи билан, садақайрағоч эса жазирамада тангадек офтоб туширмаслигию метиндек ёғочи билан эл назарига тушган. Шундай бир дарахт ҳам борки, у ширин-шакар меваси, қимматбаҳо ёғочи, барги, ҳатто пўстлоғи билан эъзоз топган. Бу — тут дарахти. Бироқ нафсиламрини айтганда, сиздан бошқа аксарият кўпчилик ҳам охирги марта қачон тут мевасини татиб кўрганлигини эслай олмайди.

«Ҳа, энди, тут емасак емабмизда. Тут барги билан боқилган ипак қурти пилласидан олинган атласларимиз жаҳон бозорида харидоргир мол сифатида республикамиз шуҳратига шуҳрат қўшаяпти-ку», деб ўзимизга тасалли берамиз. Шундай бўлса ҳам, тўйиб тут еганга нима етсин. Хўш, бунга нима халал бераяпти, бу муаммони ҳал қилишнинг иложи борми? Фикримиз ана шу ҳақда.

Тутнинг 24 ботаник тури бўлиб, Ер куррасининг шарқида, Жанубий ва Шарқий Осиёда, Европанинг жанубида, Шимолий Американинг жануб қисмида тарқалган. Ўзбекистонда асосан беш тури — оқ тут, сершох тут, кагаяма тути, ипак қурти тути ва қора тут ўсади. Ўз навбатида оқ тутнинг балх тут, бедона тут, марварид тут, Тожикистон уруғсиз тути нисбатан кенг тарқалган.

Оқ тут — маҳаллийлашган хасаки тут VII асрда Ўзбекистон территориясига Хитойдан кириб келган. Табиий иқлим шароитига мослашиб, меваси ва баргида маълум ўзгаришлар содир бўлган. Хусусан, меваси ширали бўлиб, уруғлари нисбатан камроқ ва йирикроқдир.

Тут дарахти универсал хусусиятга эга. Шунинг учун турли жойларда уни турли хил мақсадларни кўзлаб етиштиришади. Масалан, оқ ва қизил тутнинг ёғочи юқори техник сифатларга эга бўлганлигидан Япония ва Шимолий Америкада кемасозлик ҳамда мебель саноатида кенг қўлланилади. Ўзбекистонда ҳам тут маҳаллий ёғочлар ичида энг қимматбаҳо ҳисобланади, мустаҳкамлиги ва кўркамлиги жиҳатидан унинг тенги йўқ. Ундаги бетакрор табиий нақшлар ҳар қандай моҳир санъаткорни ҳам лол қолдиради. Маҳаллий усталарнинг тут ёғочидан ясаган миллий чолғу асбоблари, ўймакорлик, амалий санъат намуналари жаҳон кўргазмалари ва бозорларида шуҳрат қозонган.

Тут манзарали дарахт сифатида Ҳиндистон, Хитой ва Японияда кенг тарқалган. Селекционерларнинг узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнати туфайли тутнинг шарсимон, пирамида нусха, спиралсимон, мажнунтол кўринишидаги ва бошқа ғаройиб манзарали навлари етиштирилган. Афсус билан айтиш лозимки, бизнинг мамлакатимиздаги шаҳар ва қишлоқларда тутнинг манзарали навларини экиш ва кўпайтириш жуда секинлик билан бормоқда.

Оқ тут пўстлоғининг толаси мустаҳкамлиги жиҳатидан ипак ёки зиғир толасидан устун бўлиб, йигирувчанлик хусусиятига кўра фақат пахтадан кейин туради. Унга жун, бошқа табиий ёки сунъий толалар қўшиб тўқилса, ниҳоятда чидамли материаллар олиш мумкинлигини мутахассислар, олимлар тажрибаларда исботлашган. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тутнинг барги учун кесиб олинган новда пўстлоқларини шилиб олиб, пилла тайёрлаш пунктлари қошида марказлаштирилган тарзда қабул қилиш ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Юзаки қараганда, бу иш арзимаган ортиқча даҳмазадай кўринади. Ваҳоланки, ана шу тадбирнинг амалга оширилиши пилланинг «қора пўчоқ» дейиладиган энг паст навини ёки фойдаланилган қоғозни тўплаб топширишга нисбатан самарали эканлиги шубҳасиз. Қолаверса, у ипак қурти боқувчи оилалар учун қўшимча даромад манбаига айланиши табиий. Бизнингча, тоғ ёнбағирларига эрозияга қарши ва иҳота учун экилган тут дарахти пўстлоқларидан саноатда фойдаланишнинг истиқболларини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш лозим. Бу масаланинг оқилона ечими республикамизда (айниқса тоғлик қишлоқларда) жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мавсумий банд бўлган кишиларни бошқа вақтларда ижтимоий меҳнатга жалб қилишда маълум аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, жойларда тут пўстлоғини қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш имкониятларини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу ишларни амалга ошириш партия ва ҳукуматимизнинг табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни чиқитсиз технология асосида ташкил қилиш талабларига айнан жавоб беради. Ахир, толаси учун зиғир ёки каноп ҳам экилади-ку. Агар мутахассислар ва олимларимизнинг тор доирада фикрлашлари бартараф этилса, бу соҳада маълум муваффақиятларнинг қўлга киритилиши шубҳасиз.

Айрим мамлакатларда тут етиштиришнинг оз меҳнат талаб қилишини, камхаржлигини, тўйимлилигини ҳисобга олиб, уй ҳайвонлари, паррандаларни боқиш учун махсус серҳосил навлар экилади. Шимолий Америкада тутдан шу мақсадларда фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, чунки тут меваси билан боқилган ҳай-



МЕВАСИ – ДОРИ

Ёнларнинг семириш коэффициенти одатдагидан 1,5—2 баравар юқори бўлиши аниқланган.

Тут дарахтининг алоҳида тарбияга муҳтож эмаслиги, турли касалликларга, табиий иқлим инжиқликларига нисбатан чидамлилиги, ҳар қандай шароитга мослашиш хусусияти ерларнинг табиий емирилишининг олдини олишда жуда қўл келади. Хусусан, қизил ва оқ тутларнинг тоғ ёнбағирларида ўстирилиши жарликлар кенгайишини, тоғ нурашини бартараф қилишда самарали натижалар бериши илмий жиҳатдан асосланган. Бироқ, шу мақсадда фойдаланилаётган тутлардан турли маҳсулотлар олиш ҳозирча йўлга қўйилган эмас. Назаримизда, давлат планлаштириш идоралари хўжаликларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, уларнинг халқ хўжалик планларига тут дарахти маҳсулотлари (ёғочи, меваси, пўстлоғи, баргидан мустаҳкам сариқ бўёқ олинади) етиштиришни киритса, Агросаноат давлат комитетининг мутасадди ташкилотларига унинг масъулияти юклатилса, айни муддао бўлур эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш даврида хўжаликларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун қуйи ташкилотлардан, меҳнат коллективларидан ҳам ижодий ташаббус талаб қилинади. Шунингдек, тутчиликнинг ривожлантирилиши, партия ва ҳукуматимизнинг якка тартибдаги касаначиликни тараққий эттириш ҳақидаги қарорига асосан айрим косибларни хом ашё билан таъминлашга ёрдам беради. Хусусан, новдаларнинг эгилувчанлиги, мустаҳкамлиги, ёғочининг кўркамлиги, пўстлоғининг пишиқлиги унутиб юборилган ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш имконини беради, чунки бу соҳанинг ривождан тўхтаб қолишига асосан хом ашё базасининг йўқлиги сабаб бўлган.

Тут дарахти 500 йилгача яшайди. Етилган бир туп тут 20—40 килограмм соф барг, 35—50 килограмм мева беради.

Меваси ширали, шифобахш, ҳар хил витамин ва микроэлементларга бой.

Оқ тутнинг меваси 21—36 кун давомида пишади, қора ва қизил тутнинг пишиб тамом бўлиши даври бундан ҳам узунроқ. Энг муҳими, бу мева «йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган», вужуд витаминларга очиққан пайтда пишиши билан жуда катта аҳамиятга эга. Тут таркибидаги олма ва лимон кислотаси юрак-қон айланиш фаолиятини мўътадиллаштиришга ёрдам беради, ундан тайёрланган шарбат эса, сурункали ошқозон-ичак касалликларини, яллиғланишларини даволашда қўлланилади.

Тутдан халқимиз асрлар давомида турли хил ширинликлар, хусусан шарбат, сирка, қиём, мураббо, майиз, талқон тайёрлаган. Бироқ ҳозирги кунда бу миллий таомлар батамом унутилиб юборилди. Агар республикамиз Агросаноат давлат комитетининг мутасадди ташкилотлари, раҳбарлари жонли ташаббус кўрсатишиб, тут мевасидан тайёрланадиган маҳсулотларни эл дастурхонига тақдим этсалар, Озиқ-овқат программаси бажарилишига амалий ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Тутдан турли лаззатли маҳсулотлар тайёрлаш ва фармакологик хусусиятларидан дори-дармон олишнинг бугунги кунда реал имкониятлари мавжуд. Бу йўналишдаги камчиликлар ташкилий характерга эга бўлиб, мутасадди ташкилотларнинг, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлигига, очиқроқ айтилса, ўзимизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимизга бориб тақалади.

Нормативларга кўра, бир қути ипак қурти боқиш учун 1 минг 200 килограмм соф тут барги зарур. 10—15 йиллик тут дарахти нормал агротехника талаблари асосида парваришланса, ҳосилдорлик навига қараб 12—17 килограмм (етилган катта тутлар бундан 2—3 ҳисса кўп) барг бериши мумкин. Илғор хўжаликлар бир гектар ердаги тутзорлардан 100—150 центнер барг олади. Шунга қарамасдан, бугунги кунгача пилла етиштириш асосан экстенсив ривожланиш характерига эга бўлди. Пилла етиштиришнинг узлуксиз ўсиб бориши тутзорларнинг кенгайтирилиши билан боғлиқ бўлиб келди. Бироқ, унинг озуқа базасини етиштириш ипак қурти очириш ва боқиш миқдоридан орқада қолди. Ҳозирги кунда республикамизнинг 42 минг гектар ерида тутзор барпо этилган, агар улардан оқилона фойдаланилса, пиллакорларимиз эҳтиёжи тўлиқ қондирилган бўларди. Бундан ташқари, кейинги вақтларда республикамизда ипак маҳсулотларига бўлган талаб етарли даражада қондирилиб, фақат унинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш кун тартибига қўйилмоқда. Шунингдек, пиллани қайта ишлаш саноати қувватининг етишмаслиги оқибатида уни қайта ишлаш кейинги мавсумга ҳам қолиб келаяпти. Бу эса, ўз навбатида, боқиладиган ипак қурти миқдорини камайтиришни тақозо қилмоқда, яъни 1986 йил республикамизда 580 минг қути ипак қурти боқилиб, 33,4 минг тонна пилла етиштирилган бўлса, 1987 йил 540 минг қути ипак қурти тарқатилиб, 31 минг тонна пилла олиш планлаштирилди. Шундай қилиб, озуқабоп тутларни сақлаб қолиш учун маълум шароит яратилди.

Ипак қурти боқишни интенсивлаштиришнинг бош вазифаси унинг озуқа базаси бўлган тут ларнинг районлаштирилган, мўл барг берадиган ҳосилдор навларини экишдан, уни парвариш

Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтининг пахта терими штаби бошлиғи, профессор Ахтам Қосимов, профессор Саидакрам Ҳасанов, профессор Амин Сулаймонов ва илмий ходим Абдумалик Жалилов.



Талабалар пахта далаларида. В. Мосин фотолари



лашни механизмлаштиришдан, энг муҳими, кам миқдорда ипак қурти боқиб, мўл ва сифатли пилла олишдан иборат. Бироқ ҳозирги куннинг амалий тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик хўжалик раҳбарлари тутзорларга фақат ипак қурти боқиш даврларидагина эътибор беришади. Пилла йиғиштириб олингандан кейин барг муаммоси мутлақо ёддан чиқиб, хўжаликнинг бошқа соҳаларидаги ташвишлари соясида қолиб кетади. Бунга яна бир сабаб шуки, пилла давлат монополияси, демак, тут ҳам унинг монополиясига айланган. Шунинг учун қаерда ва кимники бўлишидан қатъи назар, тутнинг баргини кесиб олиш мумкин, деб ўйлаган ипак қурти боқувчилар, хўжалик раҳбарлари қонунни ниқоб қилиб осон йўлдан борадилар. Ахир, улар учун тутни экиб, парваришлагандан кўра касалхона, мактаб, боғча ёки шахсий ҳовлилардан кесиб кетиш қулайроқ-да! Шунинг учун ҳар йили баҳорда шаҳарларда, район марказларида ойболталарини ярақлатиб ҳовлима-ҳовли изғиб, барг излаб юрган кишиларни кўрамиз. Қанчадан-қанча кишиларнинг асаблари бузилади, ризқи қийилади, тўйиб тут ейиш орзу-истаклари бир зумда «тутдек тўкилиб» кетади.

Шуни ҳам айтиш керакки, экин майдонларини ҳаддан ташқари кенгайтириш натижасида асрларга тенгдош балх тутлари, марварид тутлар аёвсиз йўқ қилинди. Бу тутлар табиий-тарихий ёдгорликлар сифатида муҳофаза қилинмоғи лозим эди. Бироқ, номаълум сабабларга кўра, тутнинг камёб навлари ҳатто республикамиз «Қизил китоби»га ҳам кирмай қолган. Аҳвол шу тариқа давом этса, айрим тут навларининг бутунлай қирилиб, авлодлар таънасига қолишимиз ҳеч гап эмас. Бунга асосий сабабларидан бири масалага соф иқтисодий нуқтаи назардан қараб, тутнинг камҳосиллигини рўкач қиладиган кишиларнинг мавжудлигидир. Зеро, табиатда ҳар қандай меванинг ўзига хос ноёб томонлари бор. Бирининг ўрнини бошқаси боса олмайди. Сахий табиат бизга инъом қилган эҳсонидан ҳозирча баҳраманд бўла олмаётган экканмиз, бунинг учун ўзимиздан хафа бўлишимиз керак.

Озиқ-овқат мақсадида етиштирилган тутларни сақлаб қолишнинг реал воситаси ипак қурти боқиш учун мўлжалланган тутларнинг сонини кўпайтириш, тутзорларни кенгайтириш, ҳосилдор навларини етиштириб, парваришини яхшилашдан иборат. Бунинг учун экин майдонларининг, йўлларнинг четларига тут кўчатларини ўтқазиш мақсадга мувофиқ. Республикамизда хўжаликларни тут кўчатлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Лекин қаровсизлик, хўжасизлик оқибатида катта меҳнат эвазига етиштирилган тут кўчатлари кўплаб нобуд бўлмоқда. Айрим хўжаликларнинг ҳар йили сотиб олган тут кўчатлари нобуд қилинмасдан, кўкартирилганида эди, унинг бутун майдони тутзорларга айланган бўлар эди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли тармоқларини, шу жумладан, пилла етиштиришни хўжалик ҳисобига ўтказиш тутларни асраб-авайлаб сақлашга шароит яратиб бериши мумкин. Бунинг учун тутзорларни оила пудрати бўйича иш олиб бораётган тажрибали хўжаликлар ўртасида тақсимлаш яхши натижалар бермоқда. Оилалар ўзларига биркитилган тутзорларга ёрдамчи хўжалигидаги чорва моллари учун озуқабоп маккажўхори, беда экиб олишмоқда. Шундай қилиб, хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигини, масъулиятини ошириш кишиларнинг томорқаларидаги, жамоат жойларидаги истеъмолбоп тутларнинг сақлаб қолинишини таъминлайди.

Ипак қурти боқиш учун мослаштирилган сербарг навларини яратиш пиллачиликни ривожлантириш шартидир. Республикамизда К. Раҳмонбердиев, С. Зинкина, А. Пўлатов, У. Қўчқоров, Ф. Гатин ва бошқа селекционер олимлар кўп йиллар давомида тўйимли, мўл тут барги берадиган навларни яратишда баракали меҳнат қилмоқдалар. Иттифоқимизда пилла етиштирадиган регионларнинг олимлари ўзаро ҳамкорликда яратган бир қатор навлар халқаро стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради. Тутларнинг эрта, ўрта, кечпишар мўл ҳосилли озуқабоп навларини яратиш, йўқолиб кетиш арафасига келиб қолган турларини қайта тиклаш миришкор селекционерларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Қўйилаётган масалани ижобий ҳал қилиш учун халқнинг ижодий, амалий ташаббускорлиги, соҳибкорларимизнинг асрий тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш тақозо қилинади. Фақат шу йўл билангина эл дастурхонини ноёб, мазали тут маҳсулотлари билан безаб, унутилиб кетаётган тут сайилларини қайта тиклаш мумкин. Бу вазифаларни ҳал қилиш бугунги куннинг иқтисодий масаласи бўлмасдан, эртанги авлод олдидаги ахлоқий масъулият ва бурч ҳамдир.

Саидмурод МАМАШОКИРОВ,
фалсафа фанлари кандидати



В. И. Ленин номидаги Олмалиқ Кон-металлургия комбинати ишчиси П. Фектиев.
Р. Нуритдинов фотоси (ЎзТАГ)

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СЪЕЗДИ

УЛУҒ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин пролетариат олдида Россиядек буюк бир мамлакатни асрий қолоқликдан қутқариш ва, энг муҳими, СССРда социализм қуришнинг асосий шартларидан бири — қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш вазифаси кўндаланг бўлиб турар эди.

Шу боисдан ҳам В. И. Ленин социализм қуриш планида майда товар етиштирувчи деҳқончиликни социалистик тараққиёт йўлига ўтказиш вазифаларига катта эътибор бериб, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришнинг мукаммал таълимотини ишлаб чиқди. Қишлоқ хўжалигида майда товар ишлаб чиқариш сақланган тақдирда социализм қуриш мумкин эмаслигини ҳар томонлама исботлаб, социализмнинг иқтисодий базасини вужудга келтириш учун майда деҳқон хўжаликларини йирик коллектив хўжаликлар изига тушириб юбориш зарурлигини кўрсатиб берди.

Доҳий ишлаб чиққан кооперация плани асосида майда мулк эгаси урф-одатларининг асрий кучини енгиш, унинг психологиясини ўзгартириш, янги турмуш афзалликларини деҳқонларга яққол кўрсатиб бериш зарур эди. Коммунистик партиянинг раҳбарлигисиз, пролетар давлат ҳокимиятининг актив таъсири ва ишчилар синфининг мададисиз бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиб бўлмас эди.

Ленинча коллективлаштириш таълимоти қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришни амалга ошириш ва меҳнаткаш деҳқонлар оммасини социализм қурилишига жалб этиш учун чуқур илмий негиз бўлди. Бу таълимот буржуазия ва социалистик кооперация ўртасидаги туб тафовутларни очиб ташлади, қишлоқларни социалистик асосда кооперативлаштириш йўлини чуқур ва ҳар тарафлама кўрсатиб берди. В. И. Ленин кооперацияни деҳқонларни социализмга олиб борадиган асосий йўл, деб таърифлади.

«Агар деҳқон хўжалиги янада ривожланар экан, унинг янада юқори босқичга ўтишини пухта таъминлаш зарур, янада юқори босқичга ўтиш эса энг фойдасиз ва энг қолоқ, майда, тарқоқ деҳқон хўжалигининг астасекин бирлашиб, ижтимоий йирик деҳқон хўжалигига уюшувидан иборат бўлади», — деб ёзган эди В. И. Ленин. (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 166-бет).

Коммунистик партия ва Совет давлатимиз доҳийнинг ушбу кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакатда қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш ишларини кенг миқёсда бошлаб юборди. Бу борада бундан 60 йил муқаддам — 1927 йилнинг 2—19 декабрида бўлиб ўтган партиямизнинг XV съезди муҳим роль ўйнади.

Партиянинг XV съезди қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни авж олдириш, деҳқончиликда ҳозирги замон техникасига асосланган йирик социалистик ишлаб чиқаришга ўтиш биринчи навбатдаги энг муҳим вазифа эканини эътироф этди ва ленинча кооператив план асосида бу тарихий вазифани ҳал этишнинг амалий йўлларини белгилаб берди. Съезд халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик планини тузиш тўғрисида директивалар ишлаб чиқди.

ВКП(б) XV съезди қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтишини тайёрлаш съезди бўлиб тарихга кирди. Ишчилар синфи Коммунистик партия раҳбарлигида қишлоқда колхозлар ташкил этиш соҳасида катта ишлар қилди. Саноат корхоналарининг ишчиларидан 280 минг киши қишлоқда ишлашга юборилди.

Индустриал қурилишнинг гигант ҳажми ва ишчилар синфининг қаҳрамонлиги деҳқонлар оммасига катта таъсир кўрсатди. Улар партия ва Совет ҳокимияти, ишчилар қийинчиликларни енгиб, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш учун заводлар қураётганликларини ўз кўзлари билан кўраётган эдилар. Қишлоққа йил сайин тобора кўпроқ тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари кела бошлади. Ишчилар синфи билан деҳқонлар оммаси ўртасидаги иқтисодий алоқа асосан ишлаб чиқариш характерини олди.

Еппасига коллективлаштиришга ўтиш асосий деҳқонлар оммасининг социализмга тубдан бурилганини билдирар эди. Оммавий колхозчилик ҳаракати бошлангунга қадар СССРда 24,5 миллион якка деҳқон хўжалиги бўлиб, шулардан 8,5 миллионга яқини камбағал деҳқон хўжаликлари, 15 миллиони ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари эди.

Мамлакатни ёппасига коллективлаштиришга ўтишда ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 5 январида қабул қилган «Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатда колхоз тузуми қарор топиши билан Совет давлатининг колхоз ишлаб чиқаришининг ривожланишига таъсири кучайди.

1933 йилнинг февралида бўлиб ўтган I Бутуниттифоқ зарбдор колхозчилар съезди колхозчиларнинг фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу съезд барча колхозларни большевистик колхозларга айлантириш, колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш шиори остида ўтди.

Биринчи беш йилликнинг якунлари туфайли СССР йирик индустриал, қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатга айланди.

Иккинчи беш йиллик планининг бажарилиши натижасида эса мамлакатда коллективлаштириш тугалланди, 18,5 миллион хонадон, яъни жами деҳқон хонадонининг 93 процентини колхозларга бирлашди.

СССРда социализм ғалабаси натижасида барча халқ хўжалик тармоқларида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилди. Социалистик революциянинг туб вазифаси — янги, социалистик экономикани барпо қилиш вазифаси ҳал қилинди. Колхоз тузумининг ғалабаси натижасида деҳқонлар ҳар қандай эксплуатациядан озод бўлдилар. Уларнинг меҳнати ижтимоий мулкка асосланган коллектив меҳнатга айланди.

Партиямиз XV съезди белгилаб берган йўл қишлоқни тараққиётнинг социалистик йўлига олиб чиқди, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлади. Социализмнинг 70 йиллик тажрибаси қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш юзасидан партиянинг ленинча сиёсати тўғри сиёсат эканлигини тасдиқлади.

ВКП(б) XV съезди қарорлари асосида иттифоқдош республикаларда ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишлари кенг авж олди.

Ўзбекистон партия ташкилоти партия қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, В. И. Ленинниинг кооперация планини муваффақиятли амалга оширди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск тўқимачилари республикамиз деҳқонларига катта ёрдам кўрсатдилар. Йигирма беш мингчи ишчилар колхозлар ташкил этишда айниқса фаол роль ўйнадилар. Шулардан 433 киши Ўзбекистонга келган эди. Республика саноат корхоналарининг юзлаб ишчилари ҳам партия чақириғи билан қишлоққа жўнашди. Биринчи беш йилликнинг охирига келиб, республика деҳқон хўжаликларининг 77,5 проценти колхозларга бирлашди. Колхозларнинг экин майдонлари республикадаги барча хўжаликлар экин майдонларининг 99 процентдан кўпроғини ташкил этар эди.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш туфайли пахта етиштириш йил сайин кўпайиб борди. Биринчи беш йилликнинг охирига бориб СССР пахта мустақиллигига эришди. Бунда ўзбек пахтакорларининг хизмати катта эди. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида ялпи пахта ҳосили атиги 521 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1937 йилда 1 миллион 527,5 минг тоннага етди. Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш туфайли пахтачиликни ривожлантиришда ана шундай муваффақиятларга эришилди. 1937 йилда республикамизда 163 та МТС ишлай бошлади. Трактор паркларида 18 минг 267 та машинаси бўлган бу МТСлар ўша йили колхоз пахта майдонларининг 99,5 процентига хизмат кўрсатди. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги замонавий қишлоқ хўжалик машиналари билан яна ҳам кўпроқ таъминланди. Эндиликда республикамиз далаларида 197 мингга яқин трактор, 40 мингдан ортиқ пахта териш машиналари, 12 мингга яқин ғалла комбайнлари, 60 мингга яқин юк автомобиллари (автоцистерналар билан бирга) ишлаб турибди.

Партиямиз XV съезди белгилаб берган қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўли кейинги йилларда ҳам КПСС аграр сиёсатининг асосини ташкил этди.

Бироқ 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошида намоён бўлган нохуш ҳолатлар бошқа соҳалар билан биргаликда мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам катта зарар етказ-

ди. Бу ҳол ўн биринчи беш йилликни бажариш жараёнида, айниқса республикамиз аграр тармоғида кенгроқ намоён бўлди.

Пахтачилик ривожидаги сусткашлик бутун мамлакатимиз экономикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Республикада 1986 йили ҳар гектардан бор йўғи 24,3 центнер пахта олинди. 307 колхоз ва совхоз ёки хўжаликларнинг тўртдан бир қисмида ҳосилдорлик 20 центнер ва ҳатто бундан ҳам кам бўлди. 132 пахтакор райондан фақат 54 таси планни бажарди, 508 хўжалик, 13 минг бригада маррага етмай қолди. Ана шу тариқа бугунги кунда ҳам қишлоқ хўжалигининг қолоқлигига барҳам бериш суст кечмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил Апрель пленумида илгари сурилган ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди томонидан тасдиқланган партиямизнинг жадаллаштириш программаси, қайта қуриш сиёсати мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожида янги босқични бошлаб берди.

КПСС XXVII съезди қарорларида ўн иккинчи беш йилликда озиқ-овқат таъминотини сезиларли даражада яхшилаш учун аграр секторда қатъий бурилиш қилиш кераклиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларини икки баравардан зиёдроқ ошириш, аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган гўшт, сут, сабзавот ва мева миқдорини анча кўпайтиришни таъминлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Съезд деҳқончилик ва чорвачиликнинг барқарор ўсишига эришишни, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси билан таъминлашни энг муҳим, биринчи даражали вазифалар қаторига қўйди.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида КПСС аграр сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун кўпгина ишлар қилинмоқда. Колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро ва қайта ишловчи корхоналар экономикаси мустаҳкамланмоқда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлиги ошмоқда.

ВКП(б) XV съезди қарорларининг аҳамияти фақатгина мамлакатимизда коллективлаштиришнинг амалга оширилганлиги ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришдангина иборат бўлмай, балки халқаро миқёсда ҳам кенг маъно касб этади. Съезд қарорлари туфайли СССРда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва уни юксалтириш тажрибаси дунёдаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам ибратли бўлди. Ҳозирги кунда ҳам бу мамлакатларнинг ва кўпгина ривожланаётган давлатларнинг партиялари КПССнинг аграр сиёсатини амалга ошириш тажрибасидан, партиямизнинг мамлакатимиз агросаноат комплекси ишларини жадаллаштириш ва қайта қуриш сиёсатидан кенг фойдаланмоқдалар.



Улуғ доҳиймиз В. И. ЛЕНИН ва шоир Демьян БЕДНИЙ. Бу сурат 1919 йил мартда, РКП(б) VIII съезди давом этаётган кунларда олинган.

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент
Исмоил ШОДМОНҚУЛОВ,
тарих фанлари кандидати

ХАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Шишанинг хизмати

Денгиздан келадиган хабарлар фақат кемалар ҳалокати ёки бошқа бахтсиз ҳодисалардан иборат бўлади, деганлар янглишадилар. Шишага солиниб, сўғичлаб ташланган хатлар туфайли юз берадиган ғаройиб саргузаштлар бу фикрга далил бўла олади. Шотландиялик Жим Кэрш деган ўн беш ёшли ўсмир хат ёзиб, ўз адресини кўрсатиб, шишага жойлайди-да, денгизга ташлайди. Шиша сув остида тўрт юз мил оқиб боради ва Норвегия қирғоқларига бориб қолади. Норвегиялик Экки Олсен деган ўн тўрт ёшли қиз шишани тасодифан топиб олади. Қиз Жимга жавоб хати ёзади, аммо у хатни почта орқали юборади.

Жим билан Экки бир-бирларига энди хат ёзмайдилар, чунки улар аллақачон бирга оила қуришиб, аҳил яшамоқдалар.

Шаршаранинг қисмати

Ниагара шаршараси ҳар минутда миллион литр сувни эллик метр баландликдан пастга ташлайди. Шаршаранинг қоятошлардан иборат баланд қисми, секинлик билан бўлса-да, емирилиб бормоқда ва ҳар йили юқоридаги оқим бир метрга қисқармоқда. Шаршара пайдо бўлганидан бери (у салкам 12 минг йилдан бери мавжуд) оқим масофаси етти милга қисқарган. Агар юқоридаги қоялар шу тарика емирилиб бораверса, орадан 35 минг йил ўтганидан кейин Ниагара ўзини сув билан таъминлаётган Эри кўлига етиб боради ва шу билан шаршара ҳам тугайди. Ҳар ҳолда ажойиб шаршаранинг бўлгани яхши-да!

Саломатлик тоши

Хитойнинг Лионин вилоятида янгича тог жинслари топилди. Шунисн қизиқки, бу ерга яқин қишлоқдаги деҳқонларнинг ўртача умри 83 йил ҳисобланаркан. Бу ердаги аҳоли сариқ касаллиги, рак ва бошқа касалликлар нималигини билмайди, уларнинг уй ҳайвонлари эса, ҳалигача бирорта юқумли касаллик билан оғримаган. Бундай ажиб ҳолатнинг сабабини аниқлаш учун Хитой олимлари бир неча тадқиқотлар ўтказдилар. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ердаги одамлар ва ҳайвонлар атрофдаги тоғлардан бирига чиқиб тушишга одатланган эканлар. Мазкур тоғ ўз составида қўрғошин, мис, темир, магний, кобальт, кремний... сингари 32 хил қаттиқ моддали мураккаб таркибдан иборат экан... Шундай таркибли тошни айланиб ўтадиган сувдан муттасил истеъмол этиш эса, зарарли токсинларни йўқотар, организмда модда алмашинувини тиклар, жигар ва ошқозон фаолиятини яхшилар экан. «Саломатлик тоши»нинг ўсимликларга таъсири ҳам яхши: унинг сувидан суғорилган экинлар одатдагидан тезроқ ҳосилга киради.

ТЕНГДОШИМ ВА ҚУРОЛДОШИМ

Самиғ АБДУЛЛАЕВ, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Буюк революциянинг бўронли кунларида туғилган биз Октябрь тенгдошлари ёшлигимизданоқ мамлакатимизда социалистик қурилиш ишларига қатнаша бошлаганлигимиздан, Октябрь ғалабасини ёвуз фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишга бевосита қатнашганлигимиздан ҳамиша ҳақли равишда фахрланамиз.

Босиб ўтилган даврга назар ташлар эканмиз, Совет ҳокимияти йиллари амалга оширилган тарихий ва оламшумул ишлар: мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция кўз ўнгимизда содир бўлди, деймиз. Серқуёш Ўзбекистонимиз ўтмишдаги қолоқ ўлкадан саноати ва социалистик қишлоқ хўжалиги зўр тараққий этган, маданияти гоят юксалган республикага айланди.

Бизнинг авлод умумий тараққиётимизни кўрибгина қолмасдан, балки унга катта ҳисса қўшган авлоддир. Ана шу авлоднинг вакили, ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган, фашист босқинчиларига қарши қонли жангларда иштирок этган қуролдош дўстим Умар Хўжаевдир.

Мана, кўп йиллар ўтди. Жуда кўп воқеаларни бошимиздан кечирдик. Ҳеч эсдан чиқмайдиган воқеалардан бири ҳаммамиз учун фронт ҳаёти бўлди. Ватанимиз, бахтимиз учун фашизмга қарши жангларда қатнашдик. Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларидан кўп жанговар дўстларимиз қайтиб келмади. Тақдир экан, бир неча бор яралар бўлдик, урушдан ғалаба билан қайтдик.

Ҳар иккимиз Октябрь тенгдошимиз. Бу йил жанговар дўстим етмиш ёшга кирди. Дўстимнинг тақдири кўпларнинг тақдирига ўхшаб кетади. Унинг ҳаёт мазмуни айниқса ёшлар учун тарбиявий аҳамиятга эга. Шу сабабдан дўстим Умар Хўжаевнинг ҳаёт йўлига тўхталмоқчиман.

Умар бир ёшга тўлганда отасидан, беш ёшга кирганида онасидан етим қолади. Болалар уйида тарбияланади. 1931 йили комсомол сафига қабул қилинди. 1933 йили Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 39-сон 1 Май мактабининг 7-синфини тамомлади. Болалар уйида пионервожатий бўлиб ишлади. Комсомол ячейкасига секретарлик қилди.

1936 йили Тошкентда Низомий номидаги Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Тарих факультетининг иккинчи курсида ўқиб турган пайтида ЎзЛКСМ Марказий Комитети уни «Еш ленинчи» газетасига ишга юборди. Умар Хўжаев газетада бўлим мудири, масъул секретарь, сўнгра муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 1940-41 йиллари «Ленин учқуни» газетасига муҳаррирлик қилди.

Уруш туфайли «Ленин учқуни» газетаси 1941 йилнинг июль ойида вақтинча ёпилди. Умар Хўжаев газетанинг сўнгги номерига имзо чекар экан, қуйидаги сўзларни саҳифа ҳошиясига ёзиб қўйди:

«Евуз душман Ватанимизга қўққисдан хиёнаткорона ҳужум қилиб, уруш бошланганлиги муносабати билан «Ленин учқуни» вақтинча ёпилмоқда. Бизнинг ишимиз ҳақ-қоний, адолатли, барибир биз ғалаба қиламиз. Фашизм — гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилади. Ўзбекистон пионер-ўқувчиларининг севикли газетаси «Ленин учқуни» яна қайтадан албатта чиқади».

1941 йил декабрь ойининг бошида 150 коммунист Тошкент шаҳар партия комитетига суҳбатга чақирилди. Сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уларни Марказий Комитетнинг биринчи секретари Усмон Юсупов, республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ва бошқа ўртоқлар қабул қилдилар. Усмон Юсупов уларга мурожаат қилиб, Узоқ Шарқ фронтига боришларини айтди.

— У ердаги ўзбек жангчилари орасига сиёсий ходим бўлиб борасизлар. Совет Узоқ Шарқининг хавфсизлигини таъминлаш — ҳозир жуда муҳим масала. Гитлер Германиясининг шериги япон милитаризми хавф солиб турибди, — деган эди Усмон ака ўшанда.

150 коммунист сафида Умар Хўжаев ҳам Узоқ Шарқ фронтига жўнайди. Хабаровскда қисқа муддатли ҳарбий курсда ўқиб, кичик политрук унвонини олади. 1942 йил давомида Спасск шаҳридаги полкда рота политруги вазифасини бажарди. 1943 йил кузигача Манчжурия чегарасида япон самурайларининг Квантун армиясига қарши турган 1-Қизил Байроқ орденли армия қисмларида хизмат қилади. Ниҳоят, ўша йили Ғарбга, гитлерчи фашистларга қарши жанг бораётган фронтга жўнатилади. Шонли гвардиячи кантемировчи танк корпуси составида 3-бригаданинг 2-батальон партия ташкилотининг секретари сифатида Украина ерларини босқинчилардан тозалаш, қардош Польшани озод қилиш учун жонини фидо қилаётган жангчиларимиз орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боради.

1945 йил январь ойидаги ҳал қилувчи ҳужум пайтида у Сандомер плацдармида эди. Бреслау учун бўлган ва бошқа жангларда бевосита иштирок этди. Шонли кантемировчиларнинг жанговар байроғи остида Днепр, Висла, Одер, Нейси дарёларини жанг билан кечиб ўтди. Эльба дарёси бўйига етди. Ўша йил май ойининг биринчи кунлари 1-Украина фронти қўшинлари (Кантемиров корпуси ҳам) Дрезден шаҳрини ишғол этди. Бу жангларда Умар Хўжаев коммунист, сиёсий-партия ходими сифатида ҳаракат қилди, шахсан намуна кўрсатиб, жангчиларни қўмондонликнинг буйруғини бажаришга руҳлантирди.

Қатор жангларда фашист босқинчиларига қарши кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасурлиги учун Умар Хўжаев I ва II даражали «Ватан уруши» ҳамда «Қизил Юлдуз» орденлари ва медаллар билан мукофотланган.

1947 йил март ойида гвардиячи капитан Умар Хўжаев жонажон Ўзбекистонга қайтиб келди.

1947 йил апрелидан 1948 йил кузигача Умар Хўжаев «Қашқадарё ҳақиқати» область газетасига муҳаррирлик қилди.

1948 йилдан 1951 йил охиригача Деҳқонобод район партия комитетининг биринчи секретари, 1952 йил бошидан 1957 йил охиригача Қорақалпоғистонда Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. Ҳар иккала районнинг экономикасини кўтаришга, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У Москвадаги Олий партия мактабида таҳсил олиб қайтгач, 1959 йил ёзида Пскент районига юборилди. У ерда бир муддат район партия комитетининг иккинчи секретари, сўнгра район ижроия комитетининг раиси бўлиб хизмат қилди.

1961 йили Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретарлигига тайинланди. 1962 йил март ойида Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармаси тузилгандан кейин Умар Хўжаев шу ишлаб чиқариш бошқармасида Тошкент область партия комитетининг партия ташкилоти секретари бўлиб ишлади.

1962 йил декабрь ойидан 1984 йилнинг июль ойигача халқ депутатлари Сирдарё район Совети ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади.

Самарали меҳнатлари учун «Октябрь революцияси» ордени, 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ва 2 марта «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланди. У Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бир неча бор олтин, кумуш, бронза медалларини олишга сазовор бўлган. 5 марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Умар Хўжаевга «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилганлиги унинг хизматларига бўлган катта эътибордан далолат беради.

Кекса журналист бутун фаолияти давомида ижодий иш билан шуғулланиб келди. Фронт ҳаётига, жанговар қуролдош дўстларига бағишланган «Жасорат мадҳи», «Олов кечган ўғлонлар» деган китоблари босилиб чиқди. Кўпгина очерклари республика, область газеталарида, «Гулистон» ва «Шарқ юлдузи» журналларида босилган. Яқинда «Кантемировчининг эсдаликлари» деган очерклар тўплами, «Ҳаёт булоғи» рисоласи босмадан чиқди.

Умар Хўжаев ҳозирги пайтда ҳам омма орасида, айниқса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда толмай хизмат қилиб келаяпти. Область уруш ва меҳнат ветеранлари Совети раисининг ўринбосари Умар Хўжаев катта оиланинг бошлиғи ҳамдир. 8 фарзандини, 24 нафар набираларини вояга етказган табаррук отахон яқинда эвара ҳам кўрди.

Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, актив жамоатчи, шу кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг Сирдарё области бўйича вакили бўлиб ишлаётган Умар Хўжаевни етмиш ёшга тўлган кунида унга ҳамиша сиҳат-саломатлик, бардамлик, ишларида муваффақиятлар тилайман.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Омон МУХТОРОВ

СУҲБАТ

«СЕВГИ» КИТОБИДАН

* * *

Гўёки
қуш қўнган бир новда —
Бугун менинг руҳим безовта...

* * *

Менга жондан азиз:
Сенинг маҳкаманг.
Шу хона.
Жиҳозлар.
Курсилар...
Менга жондан азиз:
Сен юрган кўча.
Шу кўм-кўк дарахтлар.
Паст-баланд уйлар...
Менга жондан азиз:
Сен қатнайдиган
Шу ҳар кунги
камтар,
жўн автобуслар...
Дерсан: ахир, булар кўпчиликники!..
Улар сеники ҳам!
Сен борки, улар —
Менга жондан азиз...

* * *

— Ҳурмат қилиш керак аёл эркини!
— Ҳа, албатта. Керак...
— Сиз менга ишонинг!
— Мен ишонаман...
— Рашкдан ёмони йўқ. Бемаъни нарса!
— Ҳа, рашк яхши эмас унчалик. Лекин...
— Нима, лекин?
— У бемаъни нарса... Лекин барибир —
Мен ҳеч кимга бермайман Сизни...

* * *


Мен ҳар куни ўйлайман бирдек,
Қалбда ётган муқаддас сирдек,
Енганимча, ўт кетган қирдек:
Оламда бир тенгсиз аёл бор,
Мендек, у ҳам менга — интизор.

Майин-майин — сочлари унинг,
Нигоҳлари — парчаси куннинг,
Ойдек ёрар — бағрини туннинг,
Юришига гиёҳлар, ер — зор,
Аммо менга яшар интизор.

Бу қандай бахт, қандай бахт, ахир,
Бағринг тўлиб йиғласанг арзир,
Ёрлақармн шунча ҳам тақдир,
У— чинакам ғурур, ифтихор,
Менга ҳар кун фақат интизор...

* * *

— Мени севсанг, қаттиқ сев!
— Дўстим!
Севиш бўлмас бундан қаттиқроқ...
— Нега унда кетяпсан йироқ?
— Бош айланиб! Билмайман ўзим...
— Кетма!
— Майли...
— Йўқ, кет. Қалбингда
Енаётган ўт сўнмаса, бас.
— Кетаётган, бу — руҳим эмас,
Менинг руҳим сенинг олдингда...
— Рўй бермасин, десанг, қиёмат,
Сен — битта, деб сўз бергин менга!
— Мен хиёнат қилмайман сенга,
Кутмагандек сендан хиёнат...



* * *

Мен кўришим —
Кўриш уни шарт
Бугун
соат олти-еттида...
Худди қалбдан сирқиб чиққан дард —
Барглар оқар
Сувнинг бетида...

Ариқ майли,
Боғдаги ариқ,
Куз келмасдан,
этиб шохни тарк —
Худди қалбдан сирқиган оғриқ
Бутун йўлга
Тўшалибди барг...

Мен кўришим —
Кўриш уни шарт.
Соат олти-еттида,
бу кеч...
Мен эмасман дунёда номард,
Ўз бахтимдан
Кечганим йўқ ҳеч.

Мен интилдим
бахтга бир умр.
Гоҳ кечикдим аммо,
Гоҳ эрта...
Мен қўрқаман энди қандайдир —
Битмасин, деб
Бошланган эртак...

* * *

Куй тинглашга ҳожат йўқ сира,
Сиз ўзингиз ҳозир музика.
Сиз янгроқсиз ҳамда бокира —
Еш келтирган киши кўзига!
Сиз қандайдир ёркин музика...

Сиз ўзингиз ҳозир музика,
Куй тинглашга ҳожат йўқ сира.
Топилмайди сиздек соҳира —
Бутун руҳни тортган ўзига!
Сиз қандайдир ёркин музика...

* * *

Сизни кўргим келди. Ўзимни
Топмай қолдим қўймоқликка жой.
Йўқотгандек бўлдим сўзимни,
Қилган ишим — бутун пойма-пой.

Сизни кўргим келди. Юзимни
Булутлардек ғам қоплаганда —
Бир кўрай деб юмдим кўзимни,
Хаёлимда ҳеч бўлмаганда...

КОММУНА КУЙЧИСИ

Эжен Потье (4.X.1816. — 6.XI.1887) дунёга энг аввало партия гимни бўлиб қолган «Интернационал»нинг муаллифи сифатида донг таратди. Дарҳақиқат, шоир Париж Коммунаси асосчилари ва унинг учун жонини бахш этганлардан биридир. В. И. Ленин Эжен Потье ижоди ҳамда фаолиятига жуда катта баҳо берган эди. Доҳийнинг 1913 йил 3 январь куни Н. Л. тахаллуси билан «Правда» газетасида эълон қилган илк мақолаларидан бири шу машҳур революцион шоир ижодига бағишлангандир.

Кремлдаги Ленининг шахсий кутубхонасида Эжен Потьенинг «Революция қўшиқлари» ҳамон сақланиб келинаяпти. Манбаларда ёзилишича, доҳий бу асарни асл нусха — француз тилида ўқир эди. Ленининг Потье ижоди билан қизиқиши шу бир китоб билан чекланиб қолмай, балки шоирнинг «Америка ишчилари — Франция ишчиларига» поэмаси хусусида ҳам ўз мақоласида яхши фикр билдирганди. Бундай кузатишлар доҳийнинг шоир ижоди билан доимий қизиққанлигидан далолат беради.

Бугунги кунларда ҳам машҳур шансонье нинг «Коммуна ўлмайди!» деб қилган хитоблари баланд жаранглаётир. Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллиги нишонланган дамларда, миллион коммунистларни ўз сафида бирлаштирган «Интернационал» авж пардададир.

Эжен ПОТЬЕ

ОЗОД БЎЛ, ПАРИЖ!

Немис аванпости турар саллона,
Ҳатто қир устидан бурқсийди тутун.
Эҳ Париж, бу қандай ваҳший замона?
Солдат қадамидан ўт чақнар бутун.

Кўриб қўй, империя нима деган сўз!
Чор тараф қирғинда, дил эзар фарёд,
Эзгулик йўлида сенсан ёруғ кўз,
Озод бўл, озод бўл, Париж, бўл озод!

Сотқинлик рўй берди, кунлардан бир кун
Лекин эл унутмас машъум номларин.
Ул пайтлар юрт ёниб бўлди бағри хун,
Қай бир ёвузликнинг тутай номларин?

Ҳаётни қайтадан қурасан ўзинг,
Қиличбоз ишига сен қилма ташвиш!
Ноумид шахсларнинг қоралаб юзин,
Озод бўл, озод бўл, бўл озод Париж!

Мардона жангимиз ошар амалга,
Шодликдан юраклар уражакдир жўш.
Аёллар ботмагай қора куяга,
Чанг кўприк тагида ётмагай Гаврош!

Олға бос, дадил бўл, эй, она диёр,
Гранит, баррикада бўлолсин ҳар иш!
Ироданг қўр тўксин бамисли минор,
Озод бўл, озод бўл, озод бўл, Париж!

Вавилон йўқолсин, юз ўгир ундан,
Ирғитиб от уни қора заминга!
Юз ўгир айёр императорлардан,
Беҳаё динактик тортилсин симга!

Франция бу — кураш, француз — жангчи,
Даҳшатли кунларни енгар одамзод.
Тўқсон учинчи йил вулқони каби,
Ер кўксин титратиб, Париж, бўл озод!

Французчадан Шарофат БОТИРОВА
таржимаси

ТАЪМАГИРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Социалистик турмушимизда қайта қуриш жараёни тобора чуқурлашиб бораётгани сайин қинғир йўллар билан бойлик орттиришга ружу қўйган кимсалар ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. Чунки ошкоралик замонида бундайларнинг ғайриқонуний қилмишлари жамоатчиликнинг қаттиқ нафратига дучор бўлмоқда, меҳнат аҳлининг ҳаққоний қаҳру ғазабини қўзғамоқда. Зеро, порахўрлик, чайқовчилик, безорилик ва ўғрилик, халқ мулкини талон-торож қилиш, ошна-оғайнигарчилик ва қариндош-уруғчилик каби ярамас иллатлар ҳаётимизда мусаффо иқлим ичил қарор топиб бориши асносида ўзининг бутун чиркин моҳияти билан гавдаланмоқда. Шунинг учун ҳам эзгу ниятларимизнинг рўёбга чиқиши йўлида халал бераётган бундай иллатларга қарши мурosасиз бўлиш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг виждоний бурчидир.

Партиямизнинг XXVII съезди қисқа тарихий муддат ичида мамлакатни ривожлантиришнинг социал-иқтисодий вазифаларини белгилаб берди, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат назоратини кучайтириш борасида аниқ-равшан йўл-йўриқлар кўрсатди. «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорнинг ишлаб чиқилиши жамиятимиз моҳиятига зид бўлган иллатларни бартараф этишда муҳим омиллардан бирига айланди.

Бироқ қонунни чинакам ҳаётий кучга айлантириш, уни кенг меҳнаткашлар оммасининг онги ва шуурига сингдириш учун унинг тарғибот ва ташвиқотини ҳам чинакамига изчил йўлга қўймоқ керак. Афсуски, бу борада тегишли ташкилотлар — суд, прокуратура, ички ишлар идоралари етарли даражада фаоллик кўрсатмаётирлар. Натижада ўз ҳуқуқини яхши билмаган меҳнат кишиси турли хил таъмагирлар ва товламачиларнинг тузоғига илиниб, ҳалоллик билан пешона тери билан топган пулининг маълум бир қисмидан ажралиб қолиш ҳоллари содир бўлмоқда. Айниқса, савдо-сотиқ соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш катта қийинчилик ва ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Бу ҳол юксак даражадаги анжуманларда ҳам қайд этилмоқда.

Савдо соҳасида қонун бузишларнинг асосий сабабларидан бири сотувчилар ўртасида тарбиявий ишларнинг бўшлиги, назорат идоралари ишидаги лоқайдлик ва бепарволик оқибатларидир. Ана шу камчиликлар натижасида баъзи ўта устамон бўлиб кетган юлғичлар совет савдоси қоидаларини атайин четлаб ўтиб, чайқовчи билан тил бириктирган ёхуд «ҳожатбарор» киши қиёфасига кирган ҳолда ҳалоллик, поклик ҳақидаги муқаддас тушунчаларимизни оёқости қилади, оиламиз, болаларимиз насибасини ҳеч тап тортмасдан қирқади.

Шундай бир мисол: механизатор Чўли Маҳатов Ульянов райони матлубот жамиятига қарашли колхоз бозорида жойлашган тайёр кийимлар магазинига кириб, ўзига муносиб костюм танлай бошлайди. Унинг харид қилишга астойдил киришганлигини пайқаб турган магазин мудири Яҳё Султонов бир имо билан ичкарига «таклиф қилади». Эътибордан ийиб кетган харидор омборхонага киради. Не кўз билан кўрсинки, ўзи излаб юрган ва ўзига айнан мос костюм-шим. Эгнига кийиб кўрса, худди ўзига бичиб тикилгандай. Нархини сўрайди. «Атиги 160 сўм», янги костюм билан табриклагандай кулиб жавоб беради Я. Султонов. Харидор пулни санаб беради. Шу аснода Маҳатов нарх ёзилган этикеткага кўзи тушиб, анграйиб қолади: «104 сўм 50 тийин». «Ие, устамасига шунчаям оласизми?» «Олмайсанми, бу ёққа чўз костюмни». Бирпасда бунчалик ўзгаришдан довдираб колган харидор худди чаён чақиб олгандай қандай қилиб магазин ташқарисида пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмай қолади. Мана, сизга юлғич, товламачи сотувчининг буқаламундай турланиб-тусланувчи қиёфаси. Унинг бу ишга биринчи марта қўл уриши эмас эди. У бундан аввал 112 сўмлик костюмни 155 сўмдан пуллаган, Робия Ражабова деган аёлнинг эгнидаги пальтосини, норка ёқалигига алмаштириб бераман, деб сотиб юборган ва устига қўшимча 169 сўм пул ҳам олган эди. Товламачининг илмоғига лаққа тушган Робия ҳам пальтосидан, ҳам ҳамёнидан айрилиб, не-не машаққатлар билан уларни зўр-базўр ундириб олади. Кейин билинишича, совет савдо системасига кириб олган бу юлғич кимса аввал ҳам шундай ишлари учун судланган экан. Қонуний савол туғилади: мутасадди ташкилотларнинг кўзи қаерда эди ва ёки улар ҳам шундай кимсаларнинг «ҳожатбарор»лигидан манфаатдормиди?

Умуман, Нишон район матлубот жамиятидаги мутасадди кишиларнинг савдо соҳасига кириб олган юлғич ва товламачиларга нисбатан «ҳайбаракалла-чилик» позициясида турганлигига ҳайрон қоласиз. Айниқса, Ҳикматулла Ҳамидов ва Нортожи Ўроқовларнинг қилмишлари ўша ташкилотнинг ва жамоатчиликнинг кўзи олдида ошкора содир бўлганига ақли бовар қилмайди кишининг. Булар — эрхотин. Иккаласи ҳам савдо соҳасида, ҳатто бир жойда — «Нишон» номли универмагда ишлайди. Эр «Тайёр кийимлар» бўлимининг мудири, хотин эса, унинг қўлида сотувчи. Майли, бунақаси ҳам бўлар, деб тасаввур қилинг. Лекин бундан кейин худди эртаклардагидай воқеа содир бўлади. Эр ўзи мудирлик қилаётган бўлимдан 7 минг сўмдан зиёд пулни ўзлаштирадию, бир айланиб, мазкур универмагнинг «Газмол» ва «Атир-упа» бўлимида оддий сотувчи қиёфасида пайдо бўлади. Мазкур бўлимнинг ҳамма ишдан воқиф бўлган мудири уни ишга олавердими, деб савол беришингиз тайин. Ахир, худди эртаклардагидай воқеа содир бўлганлигини юқорида эслатиб ўтдик-ку. Яъни эр хотин мудирлик қилаётган бўлимга сотувчи бўлиб ўтди. Қандай йўл билан бўлса-да, бу пайтда Нортожи Уроқова «Газмол» ва «Атир-упа» бўлимига мудирлик қилаётган эди. Ана энди буларнинг иши яна авж олиб кетди. Гапни чўзмасдан оқибатини айтиб қўя қолайлик: эр-хотиннинг тил бириктириш асосига қурилган «иноқлиги» давлатга 46 минг 59 сўмлик зарар келтирди. Бу даражада ўзбошимчиликка бориб етиш лоқайдлик, бепарволик, ландавурликнинг оқибатидир. Харидорларнинг маънавий қадриятлар ҳақидаги покиза тушунчаларига келтирилган зарарни ҳар қандай рақамлар воситасида ҳисоб-китоб қилиб кўрсатиш мушкул.

Совет савдоси қоидаларини менсимайдиган, харидорлар ҳақига хиёнат қилишдан орланмайдиган сотувчи ва магазин мудирлари савдо пештахталарида ҳамон ўзларини эркин ҳис этмоқдалар. Савдо принципларини турли хил йўллар билан бузиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Сотувчи арзонлаштирилган молларни аввалги нархда сотиши, тарозидан уриб қолиши, қайтимини кам бериши, маҳсулот ўралган қоғоз оғирлигини чегириб ташламаслиги, паст сортли молни харидорга юқори нархда ўтказиши, ҳатто айрим маҳсулотларни ҳўл жойда асраб, сунъий равишда унинг оғирлигини ошириши ва ҳоказо қинғир йўллардан фойдаланиши мумкин. Молларнинг нархини ёзиб қўймаслик — харидорни алдашнинг кенг тарқалган усулларидан бири. Виждон ва имон деган муқаддас тушунчалар яқинига йўламаган ўша нафси ҳакалак отган сотувчилар ана шундай қилмишлари учун ишдан ҳайдалишдан тортиб то икки йил муддатгача қамоқ жазоси олишлари мумкинлигини ҳис этармиканлар? Агар шу хил жиноят қайта такрорланса, етти йилгача озодликдан маҳрум бўлишлари мумкинлигини-чи?

Сотувчилар баъзи ҳолларда магазин ёки секция мудирининг кўрсатмаси, очиқроғи, таъмагирлигига биноан харидор ҳақига кўз олайтиради. Бу ҳолатда буйруқ берган ҳам, уни бажарган ҳам жазога лойиқ топилишини билишармикин? Айрим ҳолларда магазин ёки база мудири камёб, харидоргир моллар устига «қалпоқ» талаб қиладилар. Бироқ ўша «ҳожатбарор» хўжайин ана шу «қалпоқ» билан, яъни порахўрлиги учун уч йилдан ўн йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкинлигини сезмайди дейсизми?

Партиямиз шахсни юксак гражданлик руҳида, совет қонунлари, социалистик қоидаларга ҳурмат, турмушимиздаги салбий ҳодисалар ва иллатларга қарши ўта муросасиз бўлиш руҳида тарбиялашга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Қайта қуриш жараёни, демократлаштириш жараёни инсон омилини кучайтириш, кишиларимизда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, иллатларга қарши муросасизлик кайфиятини қарор топтиришни тақозо этмоқда ва бу йўлда чекиниш бўлиши асло мумкин эмас.

Қандай қиёфага кирмасинлар ва қайси вазифада ишламасинлар, юлғичлар, товламачилар, таъмагирлар совет қонунчилигига зид иш тутувчи жиноятчилардир. Минглаб ҳалол ва покиза кишиларимизнинг ана шундай кимсаларнинг домига тушиб қолмаслигини назарда тутиб, ҳуқуқ-тартибот қоидаларини кенг ва изчил оммалаштирмоқ керак. Бироқ бугунги кунда олиб борилаётган тарбиявий ва тарғибот-ташвиқий ишларимиз айнан шу кун талабига, давр талабига жавоб берадими, деган саволга лўнда қилиб ижобий жавоб қайтариш қийин.

Жойларда ҳуқуқ пропагандаси ишига ҳамон панжа орасидан қаралмоқда, дейиш мумкин. Адлия ходимлари ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда, ўқув юртларида, умуман меҳнаткашлар орасида камдан-кам бўладилар ёки бу жойларга умуман қадам ранжида қилмайдилар. Бу борада тарбиявий ишлар тажрибаси ҳам зарур даражада умумлаштирилмаган. Партиямизнинг XXVII съездида ва ундан кейинги пленумларида таъкидланаётгандай, бу ишларни яхшилаш яна кадрлар масаласига бориб тақалади. «Ишимизнинг кўпгина натижалари ҳали республикада сиёсий-тарбиявий ишга ҳамон дуруст эътибор бермаётган, бўшанглика, интизомсизликка тоқат қилаётган, мураккабликлар ва қийинчиликларни дадил енгмаётган бир талай партия комитетлари, ми-

ХАР ТЎГРИДА БИР ШИНГИЛ

Поляк қўшиқчиси номида кўча

Кўҳна Урганч кўчаларидан бирига поляк қўшиқчиси Анна Герман номи берилди. Унинг болалиги Урганч шаҳрида ўтган. Аннанинг ота-онаси бу ерга урушдан олдин келиб қолган. Фақатгина 1946 йили Польша фашистлар оккупациясидан озод этилгач, Германлар оиласи ўз ватанларига кўчиб кетади. Маълумки, Хоразмни қўшиқчилар юрти деб аташади. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик кенг равнақ топган, ҳар бир оиланинг, ҳар бир қишлоқнинг ўз қўшиқчилари, ижрочилари бор. Хоразм халқининг санъатга бўлган иштиёқи, бу ердаги муҳит Анна Германнинг ҳам истеъдодини очиб юборишга хизмат қилган бўлса, ажаб эмас.

20 йилдан сўнг...

Гунг ҳисобланиб келинган саудиялик бир ёш аёл яқинда дафъатан гапириб юборди. Бу воқеа унинг бўлажак тўйи муҳокама қилинаётган пайтда юз берди. «Ўзимдан 25 ёш катта кишига сира ҳам тегмайман», деб юборди ҳаяжонланиб у.

Бу аёл беш ёшида тўсатдан тилдан қолган бўлиб, врачлар унинг касаллигини аниқлай олмаганлар ва унга даволанишда ёрдам беролмаганлар.

ХАТАРЛИ ҚОЯ

Австралиянинг Сидней шаҳри марказида қизил рангли улкан — Айерсрок қояси мавжуд бўлиб, уни ҳар йили мамлакатга келаётган 200—250 минг саёҳатчи томоша қилади.

Улар доим баландлиги 340 метр бўлган ушбу Айерсрокни забт этишга ҳаракат қиладилар. Унча баланд бўлмаган бу қоя илгари спорт билан шуғулланиб юрмаганлар учун ҳар йили кўнгилсизликлар туғдирмоқда. Масалан, фақатгина шу йилнинг ўзида қоя тепасига чиқмоқчи бўлганлардан 15 киши ҳалок бўлди. Уларнинг деярлик ҳаммаси 50 ёшдан ошган кишилардир. Парк маъмурияти эндиликда бу қояга чиқишни қатъиян тақиқлаб қўймоқчи.

Тубжой аҳоли Айерсрокни муқаддас деб билади. Улар, «Қоя руҳи» ўзини ҳақорат қилган саёҳатчилардан ўч олмоқда, деб ҳисобламоқдалар.

Инклар конидан 37 тонна олтин

Маълумки, инкларнинг олтин конлари ҳақида гап кетганда, одатда испан олтин қидирувчиларига «ҳиммат» кўрсатган ҳиндуларнинг йўлбошчиси Атауальп ҳақидаги афсона кўзда тутилади. Перунинг Кахамарка шаҳрида ҳозир ҳам туристларга кенглиги 60 кв. метр бўлган эски уйни кўрсатишади. Нақл қилишларича, йўлбошчи Атауальп шу хонани бўйи баробар олтин ва кумуш билан тўлғазишни буюрган экан. Испанлар шу хазина эвазига ҳиндуларга тегмасликка ваъда қилишган, аммо ўз сўзларида турмай, уларни ўз мустамлакачилик асоратига туширишган. Бу воқеа 4,5 аср олдин содир бўлган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозир ҳам Перуда инклар давлатидан қолган олтин хазиналари мавжуд. Лима телеграф агентлигининг хабар беришига қараганда, Пумо вилоятининг тоғли Ананеа деган жойида олтин конлари қўлга киритилган, мутахассисларнинг фикрича, бу хазинадан аввалига инклар, кейинчалик испанлар фойдаланишган. Ҳар хил қазувлар ва текширувлар натижасида 29 минг гектар ер тилла қумларга айланиб қолган. Ҳисоб-китобларга қараганда, топилган бу «инклар олтини» 475 миллион доллар баҳоланиши мумкин. Топилган рудаларда тахминан 30—37 тонна қимматбаҳо металл мавжуд.

ҚАДРДОН МАСКАНИМ



Инобат НОРМУРОДОВА

Ҳарчанд ялинмайин, эпчил вагонлар
Чўзган қўлларимни силтаб ташлади.
Чинқириб тебранди кекса паровоз,
Ҳар галги манзилга йўлни бошлади.
Денгиздай чайқалди, тошди оломон,
Турмушнинг ташвиши елкаларида,
Эртага қайтади бағритош вагон,
Йўловчилар тирбанд йўлкаларида.
Мен тағин қоламан, поезд кетади
Мени соғинтирган тушга — рўёга:
Ҳадемай етади, поезд етади
Қадрдон масканим — Қашқадарёга!

* * *

Сен мени билмассан, ҳали билмассан,
Мен сенинг ҳақингда кўп нарса билдим.
Сени сўроқлаган ўйларим билан
Ўзим Ўрдагача пиёда келдим.

Қизил Майдон ичра кездим саросар,
Кўрдим: Мангу олов инграниб бўзлар.
Оғир юкдан ҳориб, ҳансираб борар
Шаҳар ўртасида троллейбуслар.

Темир издан шошиб трамвай чопар,
Қайда борар йўли, манзили қайда.
Самолётлар шошар, автолар шошар,
Йўловчи сабрсиз: «Укажон, ҳайда!»

Мен кетиб бораман, мунғайиб кутар:
Бешоғоч кулбадан иборат гўшам.
Сени кўп изладим, йилларим ўтар,
Узи топиб келган кўзларим — Ўшам!

Соҳилида қизалоқлигим
Изларини қолдирган дарё!
Омонмисиз, шоним-шавкатим,
Оппоқ сочли давлатим — отам?
Умид, ғурур, хаёлларимнинг
Улуғвори, савлатим — отам.
Омонмисиз, билган-билмаган,
Диёримнинг неки борлари?
Сизни қўмсаб салом йўлладим,
Омон бўлсин Мингчинорлари!

* * *

Сўраганинг айтолмаган сўзларни
Ҳар кун келиб оқ қоғозга тўкаман.
Кўзларимда яшаётган кўзларни,
Тушларида кўраётган ўшаман.

Мангу борлиқ чулғонади зиёга,
Ўйларимдан чарчамайман, толмайман.
Менинг учун ягонасан дунёда,
Сенга ортиқ бир сўз айта олмайман.

* * *

Шамолдай шивирлар кечки ҳаяжон,
Бир яккаш ҳукмга урилади тун.
Кўрмоқлик бахтидан бенасиб умид,
Ва мени кечирмас энг биринчи кун!

Хонага йиқилар ҳаяжон чарчаб,
Интизор кутганим биров билмайди.
Эшикни тунд бўлиб ёпаман, такрор —
Келмаган меҳмоним тамом, келмайди!

* * *

Оқаётир анҳор тўлғониб,
Узун кўприк устида туман.
Тип-тиниқ сув тўлар бир зумда,
Инграётган хазонлар билан.
Гўшасини тарк этиб, сувга
Сўлғин япроқ ўзини отар.
Оқаётир анҳор осуда,
Тўлқин хазонларни итқитар...



МАКТУБ

Оқ қоғозда йўллар тизими,
Узун-узун узиб кетади.
Қашқадарё томонга қараб,
Хаёлларим сузиб кетади.
Омонмисан, қадрдон далам,
Қизлар ўлан айтаяптими.
Елкасига кетмонни ташлаб,
Онам ишдан қайтаяптими?!
Омонмисан, бормисан, Оқсув,
Шўх елларни толдирган дарё?


нистрликлар ва идоралар борлигидан дарак бериб турибди», дея кўрсатиб ўтди ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленумида. Бу гап матлубот жамиятлари раҳбарларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Жиноятни жазолашдан кўра унинг олдини олиш минг карра осон. Фақат бунга масала моҳиятини англаб, ишнинг кўзини билиб ёндашмоқ керак. «Жиноятчилар менда энг аввало ачиниш ҳиссини уйғотади, — деб ёзган эди машҳур педагог В. Сухомлинский. — Ботқоққа ботиб кетаётган кишига ачинасан. Шу билан бир вақтда уни шу ҳолатга етказган кимсаларга нисбатан нафрат туйғуси пайдо бўлади. Бунда биринчи навбатдаги айбдорлар тарбиячиларнинг ўзидир — мен бунга қаттиқ ишонаман». Ибратомуз сўзлар бизнинг кўп нарсага бурчли эканлигимизни билдиради.

Шу нарсани ҳам эътироф этиш жоизки, республикамизда мавжуд бўлган «Билим» жамияти ва «Китобсеварлар» кўнгилли жамияти, уларнинг жойлардаги ташкилотлари ҳуқуқ пропагандасига ўгай кўз билан қарайдилар. Ҳолбуки, бу ташкилотлар жуда катта ишларни рўёбга чиқариш имкониятларига эга. Юридик адабиётлар нашри ҳам ҳозирги талаб-эҳтиёжларни қондирарли даражада эмас. Социалистик мулкни нопок кимсалар чангалидан муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш кенг халқ оммасининг фаол иштирокини тақозо этади. Бу борада билим доираси кенг, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган халқ ҳар қандай жиноятчининг нафсини тийиб қўйишга қурби етади.

Самандар РАҲИМОВ,
юрист

ЗАНЖИР



Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ҚИССАДАН ПАРЧА

Фақат ожизларгина жиноят кўчасига кирадилар, кучли ва бахтиёр одамлар эса, унга зор эмас.

Вольтер

ТУНГИ ШАРПАЛАР

Тун қаърига сингиб кетган дарё соҳилини сукунат пардаси қоплади. Аҳён-аҳёнда эсиб турган совуқ шамол қирғоқдаги қамишларни шилдиратади. Ваҳимали жимликда юлдузлар милтирайди. Тўсатдан тун жимжитлигини мотоцикл товуши бузди. Сал ўтмай соҳил бўйлаб тушган йўлда шитоб билан келаётган мотоциклнинг ўзи кўринди. Чироқ шуълалари ўнқир-чўнқирларда чайқалиб, йўл атрофларини лаҳзама-лаҳза ёритиб юборарди, йўл четидаги буталар тагида соялар рақсга тушарди.

Йўлнинг дарё бўйидан кескин бурриладиган жойига етганда, мотоцикл тезлигини бирдан пасайтирди-да, соҳил томон қайрилди. Ёмғирдан тўпланиб қолган кўлмаклардан четлай-четлай қум-шағал аралаш қирғоқ ёқасидан туядек лўкиллаб келаверди. Сув пишқириб оқаётган ерга етганда, таққа тўхтади. Ҳайдовчи моторни ўчирди. Теварак-атроф яна зим-зиё қоронғулик қўйнида қолди.

Ҳайдовчидан ташқари, мотоциклнинг орқа ўриндиғида тағин бир киши бор эди. Улар ерга тушишди. Икковлари қирғоқнинг ўпирилган жойига келишиб, нима ҳақдадир гаплашишди.

— Бу ердан қулай жой йўқ, — деди бири эшитилар-эшитилмас. — Қирғоқ тик тушган, оқим тез. Бу ёғи эса қамишзор.

— Маъқул, — деди иккинчиси бир оз атрофни кузатгач. — Унинг овози дағал ва дадил эди. — Жўна энди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

Биринчи киши мотоцикл педалини босаркан, бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади.

— Жонни суғуриб олай деди-я, падарлаънати бу йўтал! — деди у ғудраниб.

Мотоцикл тариллади. Ҳайдовчи ўриндиққа ўтириб, мотоциклни буриб олди-да, асфальтга чиқиб учириб кетди.

Қирғоқда ёлғиз қолган кимса чайқалиб турарди, кайфи бор эди чамаси. Ниҳоят, у чўнқайиб ўтириб, атрофга қулоқ тутди. Сўнг қамишларнинг шилдирашидан хавфсирадими, коронғиликка қараб: «Келавер, кўриб турибман», деб сўкинди. Кейин ҳеч зоғ йўқлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Белидан синган жойини пайпаслаб кўриб четга улоқтирди. Иккинчисини олиб ёндирди-да, чека бошлади.

Орадан бир соатча вақт ўтди. Тағин мотоцикл овози эшитилди. Кейин йўлда учиб келаётган чироқ кўринди. Чекувчи сигаретасини ерга ташлаб, беихтиёр оёқ учида эзғилади. Мотоцикл йўлдан соҳилга буриларкан, у қирғоқдаги қамишлар орасига ўзини олди.

Соҳилга келиб тўхтаган мотоциклда ҳайдовчидан бўлак яна бир одам бор эди.

Улар ерга тушишгач, ҳайдовчининг ҳамроҳига: «Бир оз дамингни ол, титраб кетаяпсан, асабинг чатоқ», дегани эшитилди. Ҳамроҳ эса ҳайдовчига зўр бериб бир нималарни уқтира бошлади. Гугурт чақиб, сигарета тутатишди.

Шунда қамишлар ичига яширинган одам алланарсани шилдиратиб, қандайдир қоғозни ғижимлаб четга ташлади. Чамаси унинг ичидан олган нарсани чап қўлида тутганича гаплашиб турганлар ёнига яқинлашди-да, бирининг бошига зарб билан туширди. Кўп ўтмай, сувга шалоплаб йиқилган овоз ва изидан мотоцикл овози тингач, дарё соҳили аввалгидек жимжитлик қаърида қолди...

ЧАЛА ҚОЛГАН ҚЎШИҚ

Чўпон адири. «Илғор» колхозининг бош чўпони Нормамат ака ҳар кун тонг ёришмасдан туришга одатланган эди. Нормаматнинг ота-боболари ҳам чўпон ўтган. У ҳам авлодлари касбига содиқ қолди. Ўзи туғилиб ўсган бу яйловлар унга азиз эди: ёзнинг жазирамасию қишнинг изғиринлари, кузнинг инжиқликларию баҳорнинг ранг-баранг товланишлари, — унинг наздида, — фақат шу қадрдон қир-адирлардагина бўларди. Бу яйловда у ўзини чексиз осмонда қанот ёйиб учиб юрган қушдай енгил сезади. Алламаҳалларда бўрибосарларнинг ҳуриши, қўй-кўзиларнинг маърашию кўчма ўтов ва иргай таёғисиз ҳаётни тасаввур қила олмайди.

Ўтар кетидан адирма-адир кезавериб, ёлғизликка ўрганиб қолган.

Нормамат тонгга яқин кўзи илинса-да, бардам турди. Бугун унинг ҳаётида катта ўзгариш бўлади. Яккаю ягона ўғлини уйлантиради. Энди уни кимдир «Қайната» деб атайди. Насиб этса, кўп ўтмай «бобо» ҳам бўлади. Тонггача унга уйқу бермаган хаёл шу эди.

Кечагина қўзичоқлар билан қувлашиб юрган Холмамат бугун... йигит. У район марказидаги интернатда ётиб-ўқиб юрган пайтларда озгина вақт топса, ота-онасининг ўтовига елиб-етиб келарди. Мактабни тамомлаганидан сўнг тенгдошлари қатори шаҳарларга кетишга — ўқишни давом эттиришга ҳуши бўлмади. Отаси ёнига кирди. Орада армия хизматини ҳам ўтаб қайтди.

Бир куни хотини:

— Ўғлингизнинг бошини икки қилишни ҳеч ўйламайсизми, Холмамат? — деб қолди (эрларига тўнғич фарзанд — хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин номини тутиб мурожаат қилиш қишлоқларда азалий одат).

— Ҳали ёш эмасми? Рўзғор юкини кўтара олармикан? — деди у.

— Отага ўғил доим гўдак бўлиб кўринаверар экан-да. Ўзингиз менга уйланганингизда неча ёшда эдингиз? Ишингиз борми, йўқми, бир от сарсон, устида сиз сарсон, ўтовимиз атрофини қадамлаб ўлчаб чиқардингиз. Едингиздан кўтарилдими? — Нормамат ака ҳаётининг ўша бебаҳо онларини эслаб кетди. — Мотоцикл олиб берганингиздан буён ўғлингиз Рўзивой тоғанинг ўтарига серқатнов бўлиб қолганини сезмаяпсизми?

«Вой, хотинлар-ей, билмаган балоси йўқ», деб хаёлидан ўтказди-да:

— Қара-я, онаси, эътиборсизлигим қурсин, — деди Нормамат.

У Рўзивой тоғани яхши танийди: фермада бош чўпон — катта ўтари бор. Дарҳақиқат, унинг бўй етиб қолган қизи борлигини ҳам билади. Оти Ойсарамиди? Ҳа, Ойсара...

Шу-шу Холмаматни уйлантириш ташвиши чиқиб қолди. Йўл-йўриқ сўраб, ферма мудирига маслаҳат солган эди, у ишни «олдинги қулоқ»қа солди. Тўйини май байрами арафасига белгилашди. Бугун 29 апрель. Икки кун вақт қолди. Хотини бир ҳафтадан бери фермадаги ҳовлида: тўй тараддуди билан банд. Кеча Нормамат акага одам юборириб: «Қудаларнинг гапи бор экан, келармишсиз», деб айттирибди.

Чўпон ташқари чиқиб, ғира-шира осмонга қаради. Ҳамма ёқни пастлаб келаётган қора булутлар қамраб олганини кўрди. Сўнгра қўрадаги қўйларга разм солди: «Ҳали ҳайдов вақтига бир оз бор», деб хаёлидан ўтказди. Ўтовга қайтиб, чироқ пилигини кўтариб қўйди-да, ухлаб ётган «бўлажак куёв»ни туртиб уйғотди:

— Туринг, ўғлим, барвақтроқ чой ичиб олайлик, бугун қиладиган иш кўп!

Холмамат ювиниб, ўтовга қайтиб киргани-да, дастурхон ёзилган, сут-сариёғ қўшиб пиширилган нон билан қовурдоқ қўйилган, кўчма газда чой қайнарди.

Нормамат ака зимдан ўғлини кузатди. Уғил эса, ҳис-ҳаяжонини отаси сезиб қолишидан уялиб, ўзини бепарво тутишга уринди. Овқатга қўл узатишни унутиб қўйгандек жим ўтирди. «Ҳаяжонланаяпти, фикру хаёли бу ерда эмас», деб ўйлади ота мийиғида кулиб.

— Нима, Холмаматжон, бугун рўза тутмоқчимисиз, дейман? — ҳазиллашди у ўғлига. Иккаласи ҳам кулиб юборишди. Кайфиятлари кўтаринки, диллари равшан эди уларнинг. Ҳали ота-ўғил бугунги куннинг қанчалик ташвишли кечишини хаёлларига ҳам келтира олмасдилар...

Тушга яқин кун очилиб кетди. Баҳор қуёши адирлар бағрига иссиқ тафтини таратарди. Нормамат қуёшга қараб, вақтни чамалаб олди-да, ўғлига қараб:

— Қўйларни суғориш палласи бўлиб қолибди, — деди.


Ўтарни дарёга ҳайдаб кетишди. Кечаси тоғ тарафда ёмғир кўпроқ ёққан шекилли, дарё суви анча кўтарилган, лойқа аралаш сел келарди. Нормамат ўғлига:

— Оқимнинг қуйироқ жойида қирғоққа яқинроқ туринг, ўғлим, қўйларни сув олиб кетиш хавфи бор, — деб тайинлади. Сўнг чопонининг барларини қайириб, белбоғига қистирди. Ҳар доим ўрганиб қолган жойи — япалоқ тош устига ўрнашиб, шими чўнтагидан жимжимадор нақш солинган носқовоғини олди. Икки ёнига шаппатилаб силкитдида, бир отим носни кафтига тўкиб, тилининг тагига ташлади. Юқини чопони сиртига артиб, тилини танглайига тақиллатиб қўйди. Одатига кўра қўйнидан радиоласини олиб, тугмачасини босди.

Эфирдан таралаётган қўшиқ Нормаматнинг кайфиятига ёқимли таъсир этиб, кўзини ярим юмганича музика оҳангига гавдасини чайқаб ўтирарди: «Олмача анорингга балли, Доною хо-лингга балли...» Нормамат ака қўшиқни охиригача эшитолмади.

— Ота-а! Тез бу ёққа келинг! — Ўғлининг ваҳима аралаш қичқиригидан чўчиб кетган чўпон жойидан сапчиб турди. Қамишлар орасидан қўй-қўзиларнинг аллanарсадан ҳуркиб қочаётганини кўрди. Лекин Холмаматнинг ўзи кўринмасди.

— Холмамат, қаердасан?.. Қўйлардан бирортасини сув олиб кетдими, ҳой, овоз берсанг-чи? — Ота ҳовлиққанча ўғлининг овози эшитилган тарафга югурди. Қиш совуғида қуриб, ярим чўккалаб қолган қамишзор оралиғидаги яланглиқда турган ўғлини кўриб, бир оз ўзини босди-да, яқин борди. Холмамат қўлини бигиз қилиб қамишзор ичига чўзга-



Полвонлар.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

нича алланарсага ишора қилар, тили гапга келмай чайналарди:

— Қаранг, ота!.. Тасодифан кўриб қолдим... одам... одамга... одам ўлигига ўхшайди... қўли... оёғи, боши кўринаяпти.

Нормамат ака ўғли кўрсатган томонга қараб, борган сайин кўтарилаётган лойқа сувда илашиб қолган қамиш тўпидан ажралай-ажралай деб турган одам жасадига кўзи тушди.

ХАБАР. ВОҚЕА ЖОЙИ

Район ички ишлар бўлимининг хонасида навбатчи — Қориев ёлғиз ўтирарди. Еши бир жойга бориб қолган милиция капитани барча оператив ходимлар тушликка чиққани ва келим-кетим тўхтагани учун тамадди тараддудида термос қопқоғини бураётган эди, яктак кийган, кирза этикли, барваста бир йигит бостириб кирди. Кўзлари бежо аланглар, терга ботиб кетган башараси ваҳимали эди.

Капитан шоша-пиша қўлини тўппончаси ғилофига олиб борди.

— Тўхта! Қайт орқангга!

Йигит ҳеч нарсани хаёлига келтирмас, капитаннинг огоҳлантиришини ҳам эшитмас эди.

— Тезроқ мен билан юринглар! Дарёдан ўлик чиқди! — деди у ниҳоят.

Капитан бир зум йигитнинг нима деганини англолмай турди.

— Одам ўлиги! Сувда... Дарёда қўйларни суғораётган эдик... Қирғоққа чиқариб қўйдик! Отам бошида турибди! — тушунтирди йигит.

Қориев хўрсинди: стаканга сув қуйиб, унга узатди.

— Ўтиринг. Нафасингизни ростлаб олинг. Мен савол бераман, сиз жавоб берасиз.

Йигит сувни сипқорди-да, бир оз ўзига келгандек бўлди ва капитаннинг саволларига жавоб бера бошлади...

— Кимсиз?

— Холмамат... Турдиев.

— Нима иш қиласиз?

— Чўпонман. «Илғор» колхозида. Отам ҳам чўпон. Қўйларни суғориш учун дарёга...

— Шошилманг.

Орадан ўн минут чамаси ўтар-ўтмас, милиция жойлашган бино ҳовлисининг дарвозасидан Холмамат бўз отини елдириб чиқди. Унинг изидан оператив ходимлар жойлашиб олган икки енгил машина йўлга тушди.

Оператив-техника хизмати инспектори аввал атрофни, сўнг соҳилни, ниҳоят, қирғоққа чиқарилган мурдани ҳар тарафидан айланиб кўриб, гоҳ чўнқайиб, гоҳ энкайиб суратга олди.

Жасад ётган жой теварагида қўй-қўзиларнинг сон-саноқсиз туёқ изларидан бошқа нарса «топилмагани»дан ҳафсаласи пир бўлган терговчи суд-медицина эксперти Мусаев билан биргаликда жасадни кўздан кечиришди.

Жиноят қидирув бўлими ходимларидан икки киши атрофдаги қамишлар ичини, сўнгра соҳилни кўздан кечириб, дарё оқимига қарши томонга йўл олишди.

Жасадни кўриб бўлган терговчи Халилов билан эксперт мурдани машинага юклатиб, ўликхонага олиб боришга кўрсатма беришаётганда, дарёнинг юқори томонидан ҳуштак овози эшитилди. Соҳилнинг баландроқ жойига чиқиб олган жиноят қидирув инспектори фуражкасини силкитарди.

Фожиа содир бўлган жой топилган эди.

Шу куни район ички ишлар бўлимидан юқори босқич идора номига қуйидагича мазмунда оператив маълумот юборилди:

«...Йигирма тўққизинчи апрель кундуз соат ўн учдан йигирма минут ўтганда «Илғор» колхози чўпонлари — ота-бола Турдиев Нормамат ва Холмаматлар Қорадарё бўйидан номаълум шахснинг жасадини топишган. Текширувда марҳумнинг ёнидан шахсини кўрсатувчи ҳужжатлар чиқмади. Суд медицина экспертининг дастлабки хулосаларига кўра, жабрланувчи бошининг чап томонига кесадиган ёки чопадиган (болтага ўхшаш) нарса билан кучли зарба бериш оқибатида ўлган. Воқеа тахминан йигирма еттинчи апрель кечаси содир бўлган. У жойдан топилган далилий ашёлар: «Труд» газетасининг йигирма бешинчи апрель сони, «Голубые купола» сигаретасининг етти дона қолдиғи олинди. Мотоцикл шинаси ва пойафзал изларидан гипсга кўчирма ясалди. Шунингдек, излар атрофидаги қум-тупроқдан намуналар олинди. Воқеа содир бўлган жой ва мурда суратга туширилди. Жасад эксперт кўриги учун ўликхонага юборилди. Терговоператив ишлар бошланди. Факт юзасидан район прокуратураси жиноят иши қўзғади. Ҳозирча ижобий натижа йўқ...»


Кейинги куни иккинчи маълумот жўнатилди:

«Номаълум жасаднинг бармоқ излари ва сурати картотекалар орқали солиштирилиб кўрилиб, шахсини аниқлаш учун юборилади».



Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Миржалол Қосимов.
Э. Иўлдошев фотоси

Чавандоз. А. Ванштейн фотоси





Раққосалар.

Ҳиндча лаҳар.



СССР — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Серқуёш республикамизда Ҳиндистон фестивали муваффақиятли ўтди. Тошкентнинг бош майдони — В. И. Ленин номидаги Қизил майдон дўстлик шодиёналари марказига айланди. Суратда: байрам шодиёнаси авжида...

Т. Степанова фотоси



Кўза кўтарган қиз...



Дўстлик давраси кенгаверсин.

В. Жирков, В. Мосин фотоси





Дугоналар.

А. Жужел фотолари



Гулчехра — кўзбойлоғич...



— Биз тинчлик истаймиз!

В. Мосин фотолари



Ун ёшли Шавкат ўт устида оёқаланг юради.

Турсунали полвон...



МУХЛИСЛАР МАМНУН

«Куч» аттракцион труппаси тушган машина сўлим қишлоқлар, колхоз-совхозлар ичига кириб боради. Зум ўтмай сурнай, ноғора наволари теварак-атрофга таралиб, ғаройиб томоша бўлишини билдиради. Санъатсевар қишлоқ аҳли полвонлар томошаси сари ошиқади. Кўз очиб-юмгунча Турсунали полвон ва шогирдлари танлаган майдон мухлислар билан тўлади. Болакайлар олдинги қаторга қалдирғоч болаларидай тизилиб ўтириб олишади. Бошида марғилон дўппи, қоматига ярашган ипакли яктак, қизил этик кийган труппа раҳбари саҳна ўртасига келади. Томошабинларни аттракцион труппа аъзолари билан таништиради.

Труппа иштирокчилари мусиқа садолари остида йиғилганларга назокат билан таъзим қиладилар. Сўнгра томоша бошланади.

Труппанинг кўрки, сеҳргар қиз — Гулчеҳра полвоннинг дастлабки номерини эълон қилади. Турсунали полвон тошларни ҳавога мусиқа жўрлигида отиб ўйнайди, учиб келаётган икки пудлик тошни синчалоғида илиб олади, ҳавога отилган тош унинг тирсагига енгил қўнади...

Чайир Рустамжон билан алпқомат Ғофиржоннинг чаққон ҳаракатлари устозлариникидан қолишмайди. Улар икки қўлида тенг оғирликка эга бўлган тошларни бараварига мусиқа оҳангида ҳавога турлича отиб айлантиришади ва кетма-кет ирғитишади. Зарб билан ирғитилган тошларни айни пайтда тирсакларида ушлаб қолишади. Қарсаклар янграйди.

Турсунали полвон бир ўзига тенг оғирликдаги тошни қўлларида ўйнаб, шогирди Рустамжон терс ҳолда турган томонга йўналтиради. Рустамжоннинг боши узра учиб келган тошни чаққонлик билан илиб олиши йиғилганларни ҳайратга солади.

Яна Гулчеҳранинг овози эшитилади:

— Полвон устида оғир юкли пирамида!

Полвон бу номерни кўрсатиш учун йиғилганлар орасидан вақтинча ёрдамчи ёллайди. Олти забардаст йигит унинг ёнига келадилар. Уларнинг оғирлиги сўралади. Умумий вазн — 650—750 килограмм. Полвон ерга узала тушади. Рустамжон ва Ғофиржон оғир темирга терилган олтита тошни олти забардаст йигит ёрдамида устозлари оёғига жойлаштиришади. Ёрдамга чақирилган бир йигит полвон қўлларига, икки йигит икки кўкрагига, уч йигит тошлар терилган оғир темирнинг устига ўрнашган ҳолда жим турадилар. Полвон қўл-оёкларини сурнай-ноғоранинг ўйноқи мусиқа оҳангига хос ўйнатади...

Навбат полвоннинг ўн уч ёшли ўғли Равшанбекка берилади. Равшанбек томошабинлар орасидан 40—45 килограмм оғирликдаги икки йигитчани камарларининг орқа томонидан икки қўлида маҳкам ушлаб олган ҳолда саҳнага чиқади. Йигитчаларнинг билаклари унинг елкаси оша бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда туради.

«Андижон полкаси» янграйди. Одамларнинг қўллари бир-бирига баравар урилади. Равшанбек бир томонга айлана бошлайди. Секинаста ёнбошдагиларнинг оёқлари кўтарилиб кетади. Зуваласи пишиқ Равшанбек чирпирак бўлиб айланади. Бир неча дақиқадан кейин Рустамжон уларни зўрға тўхтатиб қолади, куй ҳам тинади. Равшанбек йигитчаларнинг ўртасидан чиқиб, унга унча-мунча юк чўт эмасдай қараб туради. Йигитчалар эса, худди маст кишилардай тебраниб, саҳнадан чиқишга уринишади. Одамлар қотиб-қотиб кулишади...

Томоша қизиб кетади. Икки томошабин қалин кесилган тахтанинг икки томонидан ушлаб туради. Равшанбек улар тахтадан кўрсатган нуқтага кафти билан йирик михлардан бирини қоқади ва тиши билан қайта суғуриб олади. Кейинги навбатда Рустамжон Равшанбек тиши билан кўтариб турган икки пудлик тошга тўқмоқ билан уч, баъзан тўрт марта уради. Равшанбекнинг ёшликдан чиниқтирган мустаҳкам тишлари зарбага дош беради, тош ерга тушиб кетмайди. Боши, қўлларини ерга тираб, гавдаси билан «кўприк» ясаган Равшанбекнинг сонларига 65 килолик оғирлиги билан Ғофиржон, кўкрагига 75 килолик оғирлиги билан Рустамжон, иягига 95 килолик оғирлиги билан Турсунали полвон чиқадилар. У бир неча дақиқа полвонларни эркин кўтариб туради...

...Равшанбек машинага уланган занжирнинг ўртасидан тишлаб, енгил машинани тиши билан тортиб юргизади. Тўпланганларнинг томошага бор вужудлари билан берилганликлари Турсунали полвонни беҳад қувонтиради, кўзлари севинчдан порлайди. Олқишлар тугагач шеър ўқиб, навбатни яна Гулчеҳрага беради. Гулчеҳра бор сеҳрини ишга солади: полвонлар саҳнасида бирпасда ғойибдан турфа — оқ, ним пушти, оч сариқ, тўтиёи рангдаги гуллар пайдо бўлади. Ҳатто кўзбойлағич қизнинг қўлидаги таёқ ҳам бир даста гулга айланади. Камалак рангидаги гулларнинг жилваси кўзларни қамаштиради.

— Томоша қилинг, олти ёшли ўғлим Бахтиёржон йог системасидаги ассама усуллари мисолида инсоннинг нималарга қодир эканлигини намойиш қилади!

Бахтиёржон ерга узала тушиб: «Менинг гавдам тошдек қотади, оғир юк қўйганда ҳам унга зарар етмайди», деб ўзини ўзи ишонтиради. Унинг гавдасини кўтариб, икки стул оралиғига жойлаштиришади ва қорнига 32 килолик тошни қўйишади. Бахтиёржоннинг бўшлиқда қолган гавдаси эгилиб кетмаслиги томошабинларни ҳайратга солади.

Яна ҳам ҳайратланарли воқеа кейин юз беради. «Менинг товонларимга ҳеч қандай тиғ ўтмайди», деб ўзини ўзи ишонтирган Бахтиёржон нарвон шаклида ўрнатилган қиличдек кескир пичоқларни бир-бир босиб чиқади. Бола энг сўнгги пичоққа оёқ қўйиб нарвон устига чиқиб олганида, Ғофиржон бир қийиқча синдирилган шиша синиқларини нарвон тагига ёяди. «Менинг товонларимни ҳеч қандай шиша синиқлари тилиб кетмайди», деб ўзини ўзи қаттиқ ишонтиради Бахтиёржон ва бўйи баравар баландликдан сакраб, шиша синиқлари устига тушади. Шиша синиқлари устидан четга чиққан боланинг товонларида ҳеч қандай жароҳат изи кўринмайди.

Навбат яна Гулчеҳрага берилади. Сал илгари гул ундирган сеҳргар қиз қўлларида бўғма илонлар тилга киради. Илонларнинг аёл измидан чиқмаслиги ҳаммани ҳайратга солади.

* * *

Турсунали полвоннинг болалиги Водилда ўтди. Ота-она етти фарзанддан кейин ёлғиз қолган ўғилларини «пуф-пуф»лаб ўстиришди. Шунинг учун бўлса керак, у табиатан бўш, бировга озор бермайдиган йигитча эди, баъзи шум болалардан доим мушт еб юрарди. «Полвон бўлсам, ҳеч ким мени уролмайди», деган фикр уни машққа ундади. Тиришқоқ болага ҳамзабодлик Лочин полвоннинг меҳри тушди, у Турсуналини шогирдликка олди. Лочин полвон ўзининг тош ўйинлари, кўзбойлағичлик санъати билан машҳур, ҳамиша хурсанд юрадиган, воқеаларга қизиқ тус бериб, одамларни кулдира оладиган, салотагирлик санъатини қаттиқ эгаллаган дилкаш одам эди.

Лочин полвон тинимсиз машқлардан кейин шогирдини саҳнага тайёрлади. 12—13 ёшларда Турсунали ўғли Равшанбекнинг ҳозирда ижро этаётган айрим ўйинлари билан саҳнага чиқди. Йиллар ўтиб, у халққа «Турсунали полвон» бўлиб танилди.

— Асл полвон бўламан десанг, ўғлим, қуйидагиларни ҳамиша ёдда сақла: касбингни муқаддас деб бил, ҳалол бўл, спорт билан чин дилдан шуғулланг, чекма ва ичма!

Бўлғуси полвоннинг қулоғига бу ўгитлар кўрғошиндай қуйилди. Ҳозирда устоз таъкидлаган барча фазилатлар унда мужассам. У шогирдларидан ҳам шуларни талаб қилади.

1969—1970 йилларда полвон Водил маданият уйи қошида «Куч» аттракцион труппасини тузди. Ҳозирда труппа аъзолари сони тўққиз кишидан иборат. Булар — Фарғона областининг Гулшан қишлоғидан сурнайчи Алижон ака Алломов, Водилдан Мўминжон Тешабоев, Ғофур Маматисаев, ноғорачилар Абдурашид Ўринбоев ва Жамолиддин Аҳмаджонов, Ўш областининг Фрунзе районидан Рустамжон Ҳайдаров, Андижон областининг Пахтаобод районидан Обиджон Ҳамидов, Фарғона район Тошлоқ қишлоғидан Гулчеҳра Мингбоева.

Равшанбек, Шавкатбек, Бунёдбек, Бахтиёржонлар — труппанинг кичик иштирокчилари.

Труппа шу кунгача республиканинг деярли ҳамма районларида томоша кўрсатди. Унинг довруғи Тожикистоннинг Жирғатол районидан Қоратегин водийсигача, Қирғизистондан Туркманистонгача, Қозоғистондан РСФСРнинг Қора денгиз бўйларигача етиб борди.

Яқинда улар Фарғона район Маданият уйи қошидаги «Водил чашмаси» ансамбли билан биргаликда Германия Демократик Республикасида бўлиб қайтишди.

Труппа ўз-ўзини маблағ билан қоплаш системасида ишлайди. Яъни томошабинлардан тушган пулнинг маълум қисми труппа иштирокчиларининг ойлик маошлари қилиб белгиланади. Труппа ўтган йили тушган маблағнинг асосий қисмини Чернобилга ҳамда Халқаро Тинчлик фондига ўтказди.

Бундан беш-олти йил муқаддам СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати В. А. Волжанский раҳбарлигидаги дорбозлар труппаси цирк тарихида биринчи марта «Прометей» афсонаси воқеалари асосида саҳналаштирилган цирк томошаси кўрсатди. Турсунали Мамажонов анча вақтгача шу томоша таъсирида юрди. У ҳам халқ афсонаси ёки эртагига ёзилган махсус сценарий асосида томоша кўрсатишни олдига ният қилиб қўйди. Аммо махсус сценарийнинг йўқлиги туфайли, полвоннинг орзуси ҳалигача орзулигича қолмоқда. Республика Маданият министрлиги ва область маданият бошқармасидагилар бу ғояликка, шу эзгу ниятнинг рўёбга чиқишига ёрдам беришса, айни муддао бўларди.

Яна бир таклиф: республикамизда халқ театри, халқ ансамбллари мавжуд; бу труппага ҳам «Ўзбек миллий халқ цирк труппаси» номи берилса, яхши бўларди.

Рафиқа СОДИҚБЕКОВА,
журналист

Водил — Қоратегин — Тошкент

Бобур

Нуриддин МУҲИТДИНОВ

Сирдарё бўйларидаги маданиятни ҳар тарафлама ўрганиш бизга шу нарсаларни ҳам маълум қиладики, бу ерда Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидан фарқли ўлароқ, яқин ўтмишда Қўқон хонлиги ҳукм сурди, XX аср бошларида Дукчи Эшон бошчилигида Андижон қўзғолони бўлиб ўтди, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида эса, «Қўқон мухторияти» эълон қилинди. Бироқ ўлканинг халқ оммаси хонликни тугатишда, эсерлар ва меньшевиклар билан «мухторият»нинг маҳаллий руҳонийлар ва миллатчилар иттифоқчилигида кўтарган исённи босишда ва тор-мор этишда бевосита қатнашди ва ҳал қилувчи роль ўйнади. Чунончи, бу нарса ўзининг файзу фаровонлиги ва гўзаллиги билан милоддан аввалги даврларда ҳам тилларда достон бўлган Фарғона водийси (шу жумладан, Ахсикат) тарихини теран ўрганиш яна катта аҳамиятга эгалигини билдиради. Шунингдек, бундай тадқиқот қадимги давр ва ўрта асрлардаги тараққиётни, бу ўлкадаги, жумладан, Сирдарё ҳавзасидаги моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама таҳлил этишга ёрдам беради.

Шу нуқтада яна бир мулоҳаза бор. Бобур ҳаётини, фаолиятини, айниқса, унинг бадиий ижоди хусусиятларини ёритишда совет олимларининг, шу жумладан, ўзбек олимларининг хизматлари, шубҳасиз, каттадир. Бу нарса унга қўйилган яхши ҳайкалдир, албатта. Шу билан бирга, агарда мамлакатимиз ва сайёрамиз аҳолиси учун Ҳиндистондаги Бобурийлар тахтини, Афғонистондаги мақбарани ва Бобур туғилиб ўсган жойларни шахсан кўриш имконияти яратилса, унинг ҳозирги авлодга мансуб меросхўрлари ҳам зўр эътироф ҳосил қилган бўлур эдилар.

Ўрта асрлардаёқ тараққиёти юксак даражага эришган ўлкада халқ томонидан яратилган ёдгорликларни ҳозирги томошабинларга кўрсатиш ва уларни келажак авлод учун асраш фойдалидир. Зеро, шу халқнинг аждодлари бутун инсониятга Бобур ва унинг авлодларини етиштириб бердилар.

Алқисса, масалага ҳар тарафлама ёндошиш нуқтаи назаридан, барча диққат-эътиборни биргина Бобур шахсиятига қаратиш жуда ҳам тўғри эмас, деб ўйлаймиз. Унинг ҳақиқатан ҳам истеъдодли, ҳар томонлама етук, зукко, меҳнатсевар инсон бўлганлиги шубҳасиз. Бироқ у, таърифлаганимиздек, тайёр ҳолда туғилгани, кимсасиз бир жойда ёки сирли бир оролда ўсгани йўқ! Атрофидаги одамлар ва муҳит таъсирида у шу даражага етди, тарихга кирди. У даврларда ўлкада дорилфунунлару институтлар йўқ эди. Шу сабабли ўқитиш ва тарбия бериш уй шароитларида ва амалиётда олиб бориларди. Хўш, гўдак Бобурнинг ўз истеъдодини йўлга солишга, оширишга, унинг шоир, олим, саркарда, давлат арбоби бўлишига кўмаклашган тарбиячи-мураббийлар кимлар экан? У ўзининг маънавий камолоти бўйича отаси Умаршайхдан, бобоси Юнусхондан кўп нарса ололмади чамаси. Унинг устози Хўжа Абдулла эди. Бироқ уни Бобурнинг душмани Аҳмад Танбал Андижон қўрғонида харига осиб ўлдирди. Бобурга ҳарбий ва давлат ишларида асосан Қосимбек катта таъсир кўрсатди.

Бобур ақли-шуурининг шаклланишида онаси Қутлуғ Нигорхоним ва опаси Хонзода бегимнинг алоҳида хизматлари бор. Онаси билимли, ақлли, мулоҳазали, узоқни ўйлаб иш кўрувчи аёл эди. Худди шу муҳтарам зот Бобур дунёга келганидан бошлаб умрининг охиригача ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўғлининг ёнидан нари кетмади, ҳамма ерда ўғлига ҳамроҳ, унинг омадига ҳам, омадсизлигига ҳам шерик бўлди, зафар завқини ҳам, мағлубият изтиробини ҳам ўғли билан бирга туйди. Бу аёл муҳим масалаларни муҳокама ва ҳал этишда қатнашарди, қўшинни ва давлатни бошқаришга ёрдамлашарди. Ўғлини оналик муҳаббати билан, бутун қалби, ҳис-туйғуси, меҳрибонлиги билан руҳлантириб, кўнглини кўтариб, қўллаб-қувватлаб турарди. Ўғли ҳам унга фарзандлик садоқати билан жавоб берарди, ҳамма нарсани онаси билан баҳам кўрарди ва у билан маслаҳатлашарди. Афсуски, она 50 ёшга етар-етмас Афғонистонда терлама касалидан вафот этди. Уни Кобулдаги Боғи Наврўз мақбарасига дафн қилдилар.

Бобурнинг опаси Хонзода бегимнинг образини ёзувчи Пиримқул Қодиров юксак бадиийлик, кўтаринкилик руҳида яратди. Опанинг укасига нисбатан беҳад зўр меҳри, садоқати, фидойилигини тасаввур этиш қийин! Бундай самимиятга қойил қолиш лозим. Хонзода бегим Бобурдан 5 ёш катта. Мислсиз гўзал, жозибадор, назокатли, ақл-заковатда ҳам тенгсиз, билимдон бу қиз ўз ёшлигини, куч-қувватини, қобилиятини, шахсий бахтини, ёлғиз ўғлининг ва ўзининг ҳаётини, қисқаси, бутун борлиғини Бобурга бағишлайди.

Бобурни подшоҳ деб эълон қилганларида (ўшанда 12 ёшда эди) душманлар ундан тахтни тортиб олиш учун уринадилар. Шунда 17 ёшли Хонзода бегим ҳарбий яроғ-аслаҳа билан қуролланиб, садоқатли чавандоз лашкарлар қаторида душманлар билан олишади. Душманлар қочишга тушади... Кўп йигитлар, таниқли беклар, сарой аъёнлари бу қизга уйланиш истагини билдирадилар. Улардан бири — энг ҳурматлиси — совчилар юборади. Бувиси Эсон Давлат бегим ҳам, онаси ҳам, Хонзода бегимнинг ўзи ҳам бу йигитни ёқтирадилар. Аммо қиз розилик жавоби айтишдан аввал укаси билан маслаҳатлашади, Бобур эса бу ишга салбий муносабатда бўлади. Хонзоданинг рад жавоби бериши учун укасининг бир оғиз гапи кифоя эди. Шундан кейин қиз турмушга чиқмади, ҳамиша укасига ҳамроҳ бўлиб юрди.

Бобур иккинчи марта Самарқандни эгаллайди. Лекин кўп ўтмай шаҳар қамал ҳолатига тушади. Ўзбекларнинг бошқа йўлбошчиси Шайбонийхон ўзининг кўпсонли лашкари билан шаҳарни ўраб олади ва, агар Хонзода бегим менга тегса, Бобурнинг ҳаёти сақлаб қолинади ва унинг Самарқанддан чиқиб кетишига рухсат бераман, деб шарт қўяди. Қиз, яқин қишиларнинг норозиликларига қарамай, ўзининг шахсий бахтини укаси учун қурбон қилади ва 25 ёшида Шайбонийхоннинг навбатдаги хотинларидан бирига айланади. Ваҳоланки, хоннинг ҳарамида хотинлар ва чўриларнинг сон-саноғи йўқ эди. Шоҳ Исмоил Шайбонийхон қўшинини тор-мор келтириб, хонни ҳалок этганидан кейин Хонзода бегимни озод қилади ва Бобурнинг илтимосига биноан укаси ҳузурига юборади. Хонзода ўғли Хуррам билан Қундуз шаҳрига — Бобур ҳузурига келади. Бир-бирига чексиз меҳрибон опа-ука шу тариқа ўн йилдан кейин учрашадилар.

Душманлар билан олишувлардан бирида Хонзода бегимнинг якка-ёлғиз ўғли —12 ёшли Хуррам Бобурни ҳимоя қилатуриб ҳалок бўлади. Шундан кейин Хонзода бутун умрга бева қолади, ўзини бутунлай укасига ёрдам беришга, Бобурнинг меросхўр ўғли Ҳумоюнни ва невараси Акбарни тарбиялашга бағишлайди. Бироқ, Хонзода бегим Акбарнинг тарбияси ўзига берилганидан бир йил кейин —68 ёшида вафот этади.

Кобулдаги мақбарага уч одамнинг — Бобур, онаси ва опасининг ёнма-ён қўйилиши бежиз эмасга ўхшайди. Гарчи бу ерда уларнинг жасадлари эмас, хоклари дафн этилган бўлса ҳам (Боғи Наврўзга онасининг хоки қабрдан, Бобурнинг хоки Аградан келтирилган) халқ ҳамиша ҳурмат билан зиёрат этади.

Биз Андижон, Ахсикат ва Бобур ватанининг бошқа районларида яшаб ўтган ақл-заковатли, билимдон, юксак маданиятли, очиқ кўнгил одамлар, эркаклар ва аёллар, давлат арбоблари ва оддий кишиларни қўшимча равишда ўрганиш ва ёритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай кишилар жуда кўпчилик эдилар, Бобур эса ўзининг шаклланиши бобидаги таъсиру хизматлари туфайли уларнинг олдида бурчли эди. Ҳозирги тарихчилар ва ёзувчилар шу жиҳатдан ҳам келгуси авлод олдида қарздордирлар.

Фарғона водийсининг тарихини бу ерда фақат Бобур туғилганлиги учунгина алоҳида аҳамиятга эга, деб тушуниш нотўғридир. Ватанимизнинг бу ажойиб бўлаги ўзининг гўзаллиги ва бойлиги билангина машҳур эмас, унинг аҳолиси ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги, ҳурриятпарварлиги билан ҳамиша ажралиб турган ва бошқа халқлар тарихида алоҳида роль ўйнаган.

Эслаб кўрайлик: 2200 йил муқаддам номи чиққан Искандар Зулқарнайн Сирдарё бўйидаги — Мўғул тоғлари этагидаги жангда маҳаллий аҳоли томонидан қаттиқ зарбага учрайди. Минглаб лашкарини бой берган, ўзи оғир яраланган Искандар олдинга силжиёлмайди, қўшинини ортга қайтаришга мажбур бўлади.

Араб қўшинининг бош қўмондони саркарда Абу Муслим Қутайба Эронни, Афғонистонни, Хоразмни, Бухорони, Самарқандни забт этади. Бироқ у Фарғона водийсини осонгина эгаллаб ололмайди. Маҳаллий аҳоли Халифалик қўшинларига қарши қўзғолон кўтарди ва 730 йили Қорасув қишлоғида бош қўмондон Абу Муслимнинг ўзини ўлдиради. Шундан кейин унинг қўшинлари қўшни мамлакатларга босқинчилик юришини давом эттира олмадилар.

Кўпгина халқларни бўйсундирган Чингизхон биринчи марта Фарғона водийси аҳолисининг қаттиқ қаршилигига учради ва бир

Давоми. Боши журналнинг 10—11-сонларида.

Мақоланинг ўтган сонда эълон қилинган қисмидаги (22-бет, 1-устун, охирги абзац): «1984 йили» сўзлари «1948 йили» деб тўғрилаб ўқилсин. — Ред.

йилдан сўнг —1227 йили Қарши шаҳрида оғир яраланди, шундан кейин ўзини ўнглаб ололмай вафот этди. Бу ўлкадаги кўпгина йирик шаҳарларнинг кўрғон ёки қалъа-кўрғон деб аталиши тасодиф эмас.

Шу тариқа, Тянь-Шань ва Помир сингари улкан тоғлар, Қизилқум ва Қорақум сингари бепоён саҳролар учрашган нуқталар орасида жойлашган Фарғона водийси ўтмишда ғарбдан шарққа ёки шарқдан ғарбга юриш қилган босқинчилар йўлида қалқон бўлиб турди. Яна бир томондан Катта ипак йўли шу водийдан ўтган эди, ўша пайтлари бу ерда кўпдан-кўп карвонсаройлар, сув манбалари, равон ва обод йўллар, ажойиб тулпор отлар, ем-хашак ва озиқ-овқат мавжуд эди. Ана шу фазилатлар Фарғона водийсини Шимол, Жануб, Ғарб ва Шарқни савдо, иқтисод, маданият, илм-фан нуқтаи назаридан бир-бирига боғлайдиган бир аъзога айлантирган эди.

Янги тарих даврини олиб кўрайлик. Фарғона водийси, Ўрта Осиёнинг бошқа бўлаклари сингари, Россия билан дўстлик алоқалари (бундай алоқалар X асрлардаёқ бошланган эди) ўрнатишда ва уни ривожлантиришда бевосита қатнашди. Водийнинг ватанпарвар, демократик руҳдаги ёзувчилари, шоирлари, маърифатпарварлари ўлканинг барча халқлари қатори Туркистоннинг давлат сифатида Россияга бирлашишини табрикладилар ва рус халқининг илм-фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқларини зўр ҳавас билан тасвирладилар.

Фарғона водийсида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларининг областлари жойлашган. Республикалар номи берилган ана шу халқлар, шунингдек, бу ерда яшовчи бошқа халқларнинг вакиллари қўлни қўлга бериб, ўз ақл-заковатлари, истеъдодлари ва меҳнатлари билан ўзларида мавжуд бўлган имкониятлар асосида шундай моддий ва маънавий бойлик яратдиларки, биз буларнинг ҳаммаси билан фахрланамиз. Кўпгина олижаноб, ажойиб ташаббусларда, масалан, пахта ёки бошқа экинларнинг ҳосилини оширишда, каналлар, коллектор-зовурлар, электр станциялари ва сув омборлари, автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли транспорти иншоотлари қуришда, Совет ҳокимияти йилларида кенг йўлга тушган фан ва маданиятни ривожлантиришда водий меҳнаткашлари алоҳида намуна кўрсатиб келмоқдалар.

Ўлканинг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, водийнинг қарийб барча район ва шаҳарларида яшовчилар қўшни халқларнинг тилига тушунадилар. Ўзбеклар ўзбек ва рус тилларидан ташқари тожик ва қирғиз тилларида ҳам сўзлашадилар, улар эса, қирғиз ёки тожик тили, рус тилидан ташқари, ўзбек тилида ҳам сўзлаша оладилар.

Мазкур мавзунинг якунида Бобурнинг қайси миллатга мансублиги ва мўғуллар ҳусусида. Ўзимча ҳукм чиқармоқчи эмасман-у, бу йўналишда дурустроқ бир тадқиқотни ўқиганим йўқ. Шу нарса равшанки, Бобур — Темурнинг авлоди, Темурийларнинг олтинчи авлоди вакили (Темур — Мироншоҳ — Султон Муҳаммад — Султон Абусаид — Умаршайх — Бобур). Темур ўз вақтида ҳозирги Қашқадарё области территориясида яшаган барлос уруғидан чиққан. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним — тошкентлик, ўзбек қизи. Унинг отаси Юнусхонни Чингизхон авлоди деб ҳисоблайдилар. Бу масалада бир нарсани унутмаслик керак: ҳар иккала шахс ўрталиғида 13 авлод келиб кетган (Чингиз — Чиғатой — Мутуган — Есентува — Бароқхон — Дувахон — Эсон Буғрохон — Туғлуқ Темурхон — Хизир Хўжахон — Муҳаммадхон — Мирали Ўғлон — Юнусхон). Шулардан 11 авлод Тошкентда ва ўлканинг бошқа қисмларида туғилиб ўсганлар ва вафот этганлар. Улар маҳаллий элатлар ва уруғлар билан чатишиб, уларга қўшилиб кетишган.

Ўзбек халқи — Ўрта Осиё территориясида доимий яшаб келган барлослар, мўғуллар, қипчоқлар, қавчинлар, манғитлар, қўнғиротлар, қушчилар, найманлар ва бошқалар сингари 90 тадан кўпроқ уруғлар ҳамда этник группаларнинг бирлашиши, қўшилиши ва ўзаро бирикувидан таркиб топган. Ҳозирги Ўзбекистон территорияси ана шу элат ва уруғлар учун ватан бўлган, уларни ўша пайтлардаги иқтисодий ва маданий муаммолар шакли бирлаштирган, улар учун ўз шевалари қаторида ўзбек тили она тили ва давлат тили ҳисобланган.

Бобур ўзининг миллий мансублиги ҳақида ҳеч қаерда ёзиб қолдирмаган. Бу, табиий, албатта. У ўз асарларини («Бобурнома» ва бошқаларни) она тили — ўзбек тилида ёзган. Унинг форс тилида ёзилган айрим шеърлари ҳам бор. У араб тилини ҳам ўрганган. Бунинг устига, у Бобурий ёзувини — ўзига хос ўзбек ёзувини яратган (бу ёзув ҳали топилгани йўқ). Шунингдек, унинг ўзбек она тилини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини камситиш мумкин эмас.

Бобурдан сўнг форс тили Ҳиндистонда кўпроқ ишлатиладиган тил бўлиб қолди. Бобурийлар бу билан донишмандона йўл тутдилар. Чунки бу давлатнинг ўша даврлардаги территориясида, яъни Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда бир-бирига яқин бўлган пашту, дарий, урду ва бошқа уруғ ва элатлар яшардиларки, форс тили улар учун она тили ҳисобланарди. Бундай шароитда Бобурийлар маҳаллий аҳолига шажара ва давлат асосчиси Бобур тилини — ўзбек тилини мажбуран тиқиштирмадилар ва барча фуқарога ўрталиқ восита тилда сўзлашиш ва иш юритиш ҳуқуқини бердилар. (Гулбаданбегим ҳам «Ҳумоюннома»ни форс тилида ёзган).

Мўғулларга келганда эса, бу элат бир маҳаллар Тошкентдан Иссиққўлгача бўлган бепоён ўлкада яшарди; бу элатнинг Монголияга яқин алоқаси йўқ ва унинг тили ҳам ўзбек тили составига кириб кетган.

Мен болалигимда ана шу территорияни бутунлай кезиб чиққанман, бир неча марта мўғул тоғларига кўтарилиб, ов қилишда иштирок этганман. Бироқ ҳеч қаерда Монголияга оид бирорта ёдгорлик у ёқда турсин, у мамлакатни эслатадиган сезиларли таъсирни ҳам кўрмадим (Чингиз босқинчиларининг босқини ва вайронгарчиликлари ҳақидаги даҳшатли ривоятлар бу ҳисобга кирмайди). Афтидан, Бобур тузган давлатнинг Буюк Мўғуллар империяси дейилишида шу заминда яшаган элатнинг — мўғулларнинг номига нисбат берилгандир. Демак, бу ерда гап Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси аҳолиси ҳақида бормоқда.

Фарғона водийси аҳолисининг шонли тарихидаги айрим нуқталар ана шулардан иборат. Бу водий аҳолиси ҳамиша иқтисодий жиҳатдан ялгид ва бир бутун бўлиб яшаган, эндиликда эса, беқиёс тараққиётга эришиб, умумиттифоқ халқ хўжалиги комплексини бойитишга катта улуш қўшиб келмоқда.

Тошкент



ТЎРТ ОЁҚЛИ ЖИНОЯТЧИ

Бу воқеа Гондурас мамлакатининг шимолида. Йоро шаҳри яқинида юз берди. Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, овчи ит ўз эгасини отиб кўйди. Овдан қайтган овчи М. Урбина машинасини уйи олдида тўхтатиб, ўқланган милтигини машинага суяб кўйди. Ҳамма машинанинг орқа ўриндигида саёҳат қиладиган ит машинадан югуриб тушди-да, тасодифан олдинги оёғи билан тепкини босди, ўқ овози эшитилди. Урбина қорнидан яраланди ва бир неча муддатдан сўнг вафот этди.

Полиция тўрт оёқли жиноятчини қамоққа олди. Энди ит ҳақида қурбон бўлган Урбинанинг қариндошлари ҳукм чиқарадилар.

«МАЙМУНЛАР ДАСТИДАН...»

Ҳиндистонда маймунни кўриш учун ҳайвонот боғига кириш шарт эмас. Деҳлининг энг марказий кўчаларида ҳам бу узун думли, ярим фаросатли маҳлуқларнинг кўпдан-кўпини учратиш мумкин.

Бироқ маймунларнинг хатти-ҳаракатларини ҳамиша ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Харъян штатидан оқиб келаётган ҳамда пойтахтнинг жанубий ва ғарбий районларида кўпайиб кетган бу жониворлар аҳолини безор қилиш даражасига етдилар. Маймунлар одамларнинг қўлидаги мева-чева ва бошқа луқмаларни тортиб олиш учун ёлларга ва болаларга ташланадилар, баъзан ўз қурбонларини тишлаб оладилар. Улар дарс пайтларида мактабларга кириб, қаровсиз қолдирилган нонушталарни қутилари билан олиб қочадилар. Маймунлар ошхоналарни «текширувдан» ўтказадилар, телевизор антенналарини синдирадилар, ювиб қуритишга қўйилган кийим-кечакларни йиртиб кетадилар.

Одамлар эндиликда маданият «куюшқонидан чиқиб кетаётган» бу жониворлардан сақланиш учун эшик ва деразаларга панжаралар ўрнатмоқдалар ва бошқача чоралар кўрмоқдалар. Деҳли аҳолиси, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятдан маймунларни тутишни ва уй-жой кварталларидан узоққа олиб бориб ташлашни талаб этмоқда.

НАФСИДАН ИЛИНДИ...

Айёр тулкининг галвars бўрини алдагани — думингни сувга тиқиб турсанг, балиқлар келиб илинади, сен тутиб еявересан, деб догда қолдиргани ҳақидаги эртакни ёшлигимизда кўп эшитганмиз. Қуйидаги воқеа ҳам ўша эртакни эслатади...

Илиқ-иссиқ дам олиш кунларининг бирида Ленинобод шаҳри яқинида, Сирдарё қирғоқлари бўйлаб балиқчилар гимирлаб юришарди. Улардан бири — шаҳар такси паркининг ходими Ғани Умаров қармоғини сувга ташлаб, оёқларини совуқ сувга тиқиб ўтирарди. Кутилмаганда бу балиқчи қаттиқ қичқириб юборди-ю, ўрнидан тура солиб, оёғини силтаб юборди, мувозанатини йўқотиб қирғоқ тарафга йиқилиб тушди. Унинг ёнида тахминан бир килограммлик илонбалиқ билтанглаб ётарди... Маълум бўлишича, балиқчининг оёқ бармоқларидан бири илонбалиққа «яхши» ўлжа бўлиб кўринган экан. Аммо балиқ луқмани татиб кўришга улгуролмай ўзи ўлжа бўлиб тушди. Илонбалиқ одатда зоғорабалиқ, дўнгпешона ва леп балиқларига ҳужум қилаверади. Шунинг учун уни «сув бўриси» деб ҳам атайдилар. Бу гал ана шу сув бўриси нафсидан илинганди.

БОРБАД—ШАРҚНИНГ БУЮК БАСТАКОРИ

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Ҳамиджон ҲОМИДОВ, Олимжон ФАЙЗИЕВ

Қаёнким, барбатидин етиб нағам,
Не йўл анда топиб кудурат, не ғам.

Алишер НАВОИЙ

Шеъриятимиз офтоби — даҳо шоир Алишер Навоий асарларини мутолаа этганда, барбатнавоз ҳақидаги гўзал байтларга кўзингиз тушади:

Қуёш чеҳралик шўхи барбатнавоз,
Ки жон риштаси тор анга чолса соз...

Бовужуди жамоли фитнафикан,
Бор эмиш хушнавою барбатзан...

Ҳар гал Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Жомий сингари улуғ санъаткорлар асарларини ўқиганда, «Суруди Борбад», «Борбад оҳанги», «Борбад усули», «Борбадона тарона» сингари сўз ва ибораларга дуч келасиз. Ана шундай кезларда «Борбад ким?», «Бу қандай оҳанг бўлди?» каби саволлар ақлни банд қилади. Биз ҳам жумбоқни ечмоқ учун кўп кўҳна манбаларни, қомусларни варақладик, шарқшунос ва мусиқашуносларнинг асарларини ўқиб чиқдик. Ва ниҳоят топганларимизни, ўрганганларимизни дўстлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Борбад Шарқда биринчи касбий мусиқашунос, бастакор, ҳофиз ва шоир бўлган. У тахминан 585 йили Марвда дунёга келган. Бўлажак бастакор Араб ва Ажам мамлакатларидаги мадрасаларда таълим олган. Йигитлик йилларидаёқ халқ куйларини маҳорат билан ижро этиш ҳамда қўшиқ айтишда ном чиқарган. Замонасининг ҳукмронлари ёш ҳофизни саройга жалб этишга интиладилар. Эрон шаҳаншоҳи Хусрав Парвиз уни саройга даъват этиб, созанда ва ҳофизларга сардор қилиб тайинлайди. Борбад саройдаги ортиқча базм-дабдабалар, беҳуда урушларга қарамай, ижодий ишлар билан жиддий шуғулланади; ёш ҳофиз мусиқачилар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Сосонийлар сулоласи даврида етишган машҳур созандалар Некисо Чангий, Бомшод, Ромтин, Озодвор Чангий, Гесўи Новагар, Саркаш ва Саркаб бевосита ёки билвосита Борбад шогирдлари ҳисобланадилар. Борбад оҳангсоз ва ҳофизгина бўлиб қолмай, истеъдодли шоир ҳам бўлган. Унинг аксарият куйлари ўз шеърлари матнига ёзилган. Ўша даврдаги ҳижоли (бармоқ вазнига яқин) янги шеърий шакл ихтирочиси ҳам Борбад бўлган.

Табиатан шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раққос бўлган Борбад ижодининг илк паллаларидан бошлабоқ асарларида табиат кўрки, Наврўзнинг бетакрор чиройи, ҳаёт нашидасини куйлашга, ифодалашга интилган. Бастакор ижодининг тадқиқотчилари унинг «Наврўзи Бузург», «Гулзор», «Сабз баҳор», «Роҳи гул», «Ороиши хуршеду моҳ», «Абҳари куҳан», «Равшанчароғ», «Полизбон», «Дилангезон» сингари асарларида бевосита табиат гўзаллиги акс этганлигини уқтирадилар. У ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб, «Хусравоний» оҳанглар тўпламини, ойнинг 30 кунига қиёслаб ўттиз лаҳн (куй, мақом йўлини), йилнинг 360 кунига бағишлаб шунча тарона яратган. Борбад яратган куй ва тароналарнинг кўпчилиги бизнинг замонамизгача ўзгаришсиз айнан етиб келган, халқ томонидан куйланиб, китобдан китобга кўчиб келмоқда. Мусиқашуносларнинг аниқлашларича, Борбад ихтиро этган барбат музика асбоби, «Зерафканд», «Нуҳуфт», «Рост», «Наврўз», «Оромиши жон», «Дарғам», «Гулнўш» каби куй ва тароналари араб ҳамда усмоний турк созандалари, оркестр ва ансамбллари репертуаридан ҳамон мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда. Барбат ўрдак қўксига ўхшаган калта гарданли чолғу асбоби бўлиб, бам, мусаллас, мусанно, зер деб аталувчи тўрт тордан иборат бўлган. Кейинчалик Залзал Розий, Исҳоқ Мавсилий (VIII—IX асрлар), Исо Барбатий (XI аср) ва бошқа созанда, бастакор, мусиқашунослар барбатнинг тор ва пардаларини, усул ва шаклини такомиллаштирганлар.

Бастакорнинг араб мамлакатларида Баҳлбад, Паҳлапаз ва Фаҳлбаз, Борид тахаллуслари билан кенг шуҳрат қозониши ҳам шундан далолат беради. Борбад мусиқий мажмуаларидаги барча қўшиқ матнларини ўзи ижод этган. Шарқ мусиқий билими донишмандларининг уқтиришларича, «Яздон офарид», «Сабзори сабз», «Партави фархор», «Кини Эраж», «Кини Сиёвуш», «Боғи Шаҳриёр», «Шабдиз» сингари мавсум ва маросим қўшиқлари ана шулар жумласидандир. Бу асарларнинг айримлари Шарқ музикасининг шоҳ асарлари бўлмиш «Дувоздаҳ мақом», «Шашмақом», «Ҳафтдастгоҳ» («Ҳафтмақом») таркибида ҳозир ҳам яшаб келмоқда. «Шашмақом» оҳанглари силсиласидаги «Зерафкан», «Хусравони», «Наврўзи Бузург», «Наврўзи Ажам», «Наврўзи Хоро» мақом йўлларида Борбад ижодининг анъаналари бевосита давом этмоқда.

Борбад ижоди ўтмиш мусиқашунослари томонидан юксак баҳоланган. «Эрон музикаси билан танишиш» (1951 йил) китобининг муаллифи Азиз Шаъбоний: «Борбад Шарқ музикаси тарихида энг ёрқин сиймолардандир. У бу саразамин халқлари мусиқий илми, нотаси, созу овозининг асосчисидир», деб юқори баҳо беради. Форобий ва Ибн Сино ва Абдураҳмон Жомий



мусиқага доир рисолаларида Борбаднинг мусиқий истеъдодини эъзозлаган ҳамда ундан ижодий файз топган. Борбад VII асрнинг ўрталарида она шаҳри Марвда вафот этган.

Ҳаммамизга маълумки, Марв — Ўрта Осиёнинг қадимий марказларидан бири. У эрамиздан олдинги II асрдан бошлаб эрамизнинг XVII асригача энг гуллаган маданий ўчоқлардан ҳисобланган. Сосонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари ҳукмронлиги даврида гуллаб-яшнаган. Араб халифалигининг ғазаватчилари ҳамда мўғул яғмогирлари Марвни ер билан яксон қилган бўлсалар ҳам, лекин халқ ўз она шаҳрини яна тиклаган. Харобалари ҳозирги Туркманистон ССРнинг Мурғоб дарёси соҳилида сақланиб қолган бу шаҳар турли даврларда илм-фан, санъат ва маданият гуркираб ривожланган маскан эди.

Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида Марв ҳокимият пойтахти бўлган. Шу ерда яшаб ижод этган Абулаббос Марвазий, Абдулло Марвазий, Кисои Марвазий, Борбад Марвазий сингари ўнлаб санъаткор ва олимлар Шарқ маданиятининг юксалишига муносиб улуш қўшганлар.

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Борбадни ҳофиз, бастакор, шоир сифатида ҳурмат билан тилга олиб, унинг «Додофарид», «Пайкори гурд», «Сабз андар сабз» тароналарини тилга олиши бежиз эмас. Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий «Хусрав ва Ширин» ҳамда «Ширин ва Хусрав» достонларида Борбад ва унинг шогирди Некисонинг бастакорлик, ҳофиз ҳамда шоирлик маҳорати тасвирига алоҳида боб бағишлаганлар.

XI асрнинг машҳур олими, ёзувчи ва шоир Абу Мансур Саолибий ҳам ўзининг араб тилида ёзган насрий «Шоҳнома»сида бу бастакор ҳақида «Борбад қиссаси» деган махсус бобда ибратли фикрлар айтган.

Низомий Ганжавий «Хусрав ва Ширин» достонида Борбаднинг бастакорлик маҳоратини таърифлашдан ташқари Ширин тилидан Некисонинг бир ғазал ва уч сурудини, Хусрав тилидан Борбаднинг бир ғазал, уч сурудини келтиради. Амир Хусрав Деҳлавий бўлса, «Ширин ва Хусрав» достонида бу устоз ва шогирдни беқиёс созанда, ҳофиз ва шоир сифатида таърифлайди.

Узоқ айриликдан сўнг яна Хусрав висолига эришган Ширин саройда катта тантана уюштиради:

Даромад Борбад танбур дар даст,
Пиёла нўш карду шод биншаст.
Дар он ҷониб Некисон оҳанг,
Бихорид аз сари нохун раги чанг.

(Қўлида танбури билан Борбад кириб келди. Пиёлани бўшатиб, шоду хуррам ўтирди. Бир томонда хушоҳанг Некисо чанг торларини нохун билан қитиқлай бошлади). (Амир Хусрав Деҳлавий, Осори мунтахаб, ҷилди якўм, «Ирфон», Душанбе, 1971, 15-бет).

Деҳлавий достонда Хусрав тилидан Борбаднинг икки ғазали, «Ироқ» оҳангида бир таронаси ва бир нағмасини, Ширин тилидан Некисонинг «Ҳижоз» оҳангида бир таронаси, бир ғазал ва бир сурудини келтиради. Шоир ўзининг мусиқа ҳақидаги рисоласида ҳам Борбадни ажойиб созанда ва ҳофиз сифатида алоҳида эъзозлайди. Бу бадиий тасвирлар Борбаднинг жаҳоний шуҳрат ва эътирофга соҳиб бўлган бастакорлигини кўрсатади. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини эркин таржима қилган шоир Қутб шундай деб ёзади:

Тузуб ул Борид барбатта оҳанг,
Некисо ҳам бу ёнда хуш тузуб чанг.
Буларнинг хуш навосин тинглаю шоҳ,
Қилур ҳар дам кўнгилдин хушланиб оҳ.
Димоғинга йипакдин тўлуб овоз.
Қулоғинга кечурмиш ҳалқаи роз.

Фавқулодда истеъдод соҳиби, Шарқ халқлари мусиқасининг асосчиси деб улуғланадиган Борбад ижоди жиддий ўрганиш ва тарғиб этишга лойиқдир. Зероки, у халқ оҳангларидан файз топиб, касбий мусиқани бошлаб берган, ижодкорликни ижрочилик билан узвий боғлаган санъаткор ҳисобланади.

БОРБАД ҲАҚИДА НАҚЛЛАР

САРКАШ НАҚЛИ

— Ростини айтсам, Борбад сафимизга келиб қўшилган кундан бошлаб тинчим йўқолди. Қалбимда аллақандай ғашлик пайдо бўлди. Зероки, у фавқулодда истеъдод соҳиби, ҳофиз ва оҳангсоз сифатида кундан-кунга ўзини кўрсата бошлади. Ўзи шеър ёзиб, унга куй басталар, табиат эҳсон этган ноёб овоз билан ижро этар эди. Мартабам, обрўйим қўлдан кетаётган, ҳар сонияда у ўрнимни олиб қўяётгандек туюларди менга. Шунинг учун саройдаги хос базмларга Борбадни яқинлаштирмасликка, Хусрав ҳузурида ўз санъатини намойиш этишга йўл қўймасликка интилардим.

Баҳор кунларидан бирида Хусрав аъёни давлат, муваккилони мамлакат иштирокида Фирдавс отлиғ боғида гулсайри, шеъру соз базми ўтказадиган бўлди. Жиддий тайёргарлик, машқлардан сўнг бир гуруҳ созандаю ҳофизлар билан боққа жўнайдиган бўлдик. Борбад ҳам базмда иштирок этишни жуда-жуда истади. Ҳатто ёлворди ҳам. «Ҳали ёшсан. Мунча шуҳратпараст бўлмасанг. Е эҳсон истайсанми?», дедим-да, учта тилло танга бериб жўнаб кетдим.

Боғ сайри, гул гаштидан сўнг барчамиз сарвзор ўртасидаги муҳташам кўшкка тўпландик. Шеър баҳси, созу овоз жаранги кўкка ўрлади. Бир тарафда рақкослар Борбад янги ўргатган рақсни маромига етказиб ўйнамоқда эдилар. Айвон тўридаги шоҳсупада Некисо Чангий бошчилигидаги машшоқлар куй додини беришмоқда. Шу пайт айвон ёнидаги сарвлар орасидан бир куй таралди. Кўтаринки, шодиёна руҳдаги бу куй шу даражада ёқимли, сеҳрли эдики, бутун табиат гўзаллиги унда мужассамлангандай эди. Бир сонияда йиғилганлар оғзи ҳандаю шўхликдан, созандалар тори ноладан, рақкослар оёғи хиромдан қолди. Куй авж нуқтасига етгач, аста-секин пасайиб, майсазорлар узра ёйилиб бориб, сарвлар ичига ғарқ бўлди.

Хусрав ишораси билан уч киши сарвзорга югурдик. Не кўз билан кўрайким, дарахтлар ичидаги ям-яшил ўтлар устида майсаранг либослар кийиб олган Борбад ўтиргандан. Ҳатто қўлидаги сози ҳам яшил рангда эди. Қўлтиғидан олдим-да, кўшк томон етакладим. Ҳамма уни хушвақт кутиб олди. Мен ҳам таъзим қилдим. Сарвлар орасидан таралган оҳанг устида баҳс бўлди. Ҳамма бир оғиздан куйда табиат кўрки, файзу таровати жозибали, мукаммал акс этганини таъкидладилар. Хусрав Борбаднинг оғзини тиллога, этагини дурру жавоҳирга тўлдирди. Куйни «Сабз андар сабз» деб атадилар. Шу бугундан бошлаб Хусрав Борбадни менинг ўрнимга сарой санъаткорларининг бошлиғи этиб тайинлади. Мен унинг даҳоси олдида бош эгдим ва бир умрга шогирд бўлиб қолдим.

Маълум бўлишича, менинг: «Шуҳратпараст», деб уч танга беришим Борбаднинг иззатнафсига теккан экан. У тўғри уйига бориб, баҳор манзарасига ўхшатиб майсаранг либослар кийибди, барбатни ҳам яшилга бўябди. Сўнгра боғбон Бомдуй ҳузурига келиб, шу кунги базм пайтида боғга киришга рухсат сўрабди. Борбад санъатининг чин мухлиси Бомдуй боғ сайрига киришга ижозат берган экан...

НЕКИСО НАҚЛИ

— Баҳор ойлари эди. Биз бир гуруҳ машшоқлар билан Исфаҳонда Наврўз тантаналарида иштирок этиб, ўз куй ва қўшиқларимиз билан халқ сайлига файз бағишлаб юрар эдик. Иттифоқо Хусрав ўғли Шерўя томонидан ўлдирилгани хабарини эшитдик. Мен яшин тезлигида Табризга етиб келдим. Лекин, ҳайҳот, кечикибман. Хусрав дафн этилган эди. Саройдаги алғов-далғовлар ҳақида дув-дув гап. Кўҳна ошнолардан ҳеч кимни топа олмадим. Ҳамма зада бўлган қушлардай тумтарақай бўлган.

Не қиларимни билмай, довдираб қолдим. Ўзимни кўлга олдимда, тўғри устозим Борбад ҳовлисига қараб юрдим. Етиб келдиму ўз кўзларимга ишонмай донг қотиб қолдим. Эвоҳ, бу қандай кўргилик! Эй фалак, бу не бедодлик! Наҳотки, шундай кошонанинг кулини кўкка совурсанг! Қандай куч билан бақирганимни билмайман. Кўз ўнгим қоронғулашиб, бошим айлана бошлади. Гандираклаб юриб, култепаларни айландим. Ҳамма нарса куйиб хоку туроб бўлган эди...

Кечгача шаҳар айландим, қўни-қўшнилардан устозимни сўрокладим. Бир-икки йўловчилар бозор бошида девонавор айланиб юргани, дарвишлар жандасини кийиб олганини айтишди. Шундан сўнг шаҳар четидаги карвонсаройларни кездим, дарвишхоналарни қидирдим. Ва ниҳоят, дарвиш ҳужраларидан биридан топдим. Эшикдан салом бериб киришим билан бурчакда



Садолар сеҳри...

Суратда: пойтахтимиздаги 384-болалар боғчасида музикали машғулот.

В. Алексеев,
А. Ваништейн фотолари

ҒОРЛАР СИРИНИ ОШКОР ЭТАДИ

Пиёда юриш ва сув спорти, велосипед ёхуд автомобиль туризми билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусияти очиқ ҳаво остида доимий ҳаракат билан боғлиқлигидадир. Қуёш жазирамасию қуюқ туманлик, бўрон ёки музликлар туризмнинг ана шу соҳалари билан шуғулланувчилар учун чўт эмас. Жисмоний бардамлик, сабот-матонат етарли бўлса, бас...

Ғор ишқибозлари — спелеотуристларнинг йўриғи бўлакча. Улар манглай узра ёндирилган чироқ билан зим-зиё тун қаърига йўл оладилар. Қаерларга олиб бориши номаълум бўлган тор йўлаклар, осма қудуқлар, тошларнинг совуқ оғуши уларнинг доимий ҳамроҳи. Оҳиста шовуллаб ётган ерости дарёлари ёхуд ғор жинсининг аста нураши туфайли бирдан жаранглаб кетган сукунат кишини ҳайратда лол қолдиради. Ҳароратнинг деярли доимий мўътадиллиги, товушларнинг ўзига хослиги, рангларнинг жонли табиатникидан кескин фарқ қилувчи фавқулодда жилоси — ерости салтанатининг ажиб мўъжизаси.

Спелеология (грекча «спелеон» — «ғор» дегани) ер ҳақидаги фан соҳаларидан бири бўлиб, ғорларнинг пайдо бўлишини, уларнинг геологик, гидрогеологик ва микроиқлимини, азалий ҳолати ва ҳозирги табиатини, ғор ичкарисига кириб боришнинг техникавий йўл-йўриқларини ҳамда фавқулодда ҳолатларда иш олиб бориш усулларини ўрганади.

Ғорларнинг бунёдкори аслида сувдир. Тоғ жинси ёриқларидан сизиб ўтган сув кўпая-кўпая жилғаларга айланиб, улар, ўз навбатида бирлашиб, ерости дарёларини ҳосил этишга қодир.

Сув ғорларни бунёд этибгина қолмасдан, уларга сайқал беради ҳам. Ғор шифтида калий карбонатига тўйинган сув томчиси оҳак таъсирида тош қотган сумалак — сталактитга айланади. Ундан сизиб тушган томчи заррачалари ғорнинг деворларида яна қотиб, мўъжизавий тасвирни ҳосил этади. Бундай манзарани ердаги ҳеч қандай манзара билан қиёс этиб бўлмайди.

Ғорлар минглаб йиллар давомида одамзод учун бошпана ва саждагоҳ, молхона ва омборхона, ҳатто турма ва шифохона, эндиликда эса, илмий лаборатория, музей ва сайёҳлар учун манзилгоҳ бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ғорларни ҳар томонлама мукаммал тадқиқ этмоқ учун турли соҳа кишилари биргаликда иш олиб бормоқдалар.



Китоб районидаги Катта она ғори яқинида.

Биз ғорга кираверишда — унинг оғзида турибмиз. Унинг ичи номаълум, сирли ҳам ваҳимали. Тадқиқотчилар аввалларн унча ичкари кирмасдан ўз тахминларини баён этардилар. Бироқ тахминлар амалда назарияга айланмоғи учун етарлича рақамларни чоғиштириб ўрганмоқ керак. Ана шуни назарда тутиб, эндиликда ғоршунос ер қаърига иложи борича чуқурроқ кириб боради. Геолог, географ, биолог, археолог эни 30 сантиметр келадиган ёриқдан ёхуд сув остида қолган юз метрдан зиёд энсиз йўлакдан ичкари кириб бориши мумкин эмас. Ғоршунос эса, бунинг уддасидан чиқади. Бунинг учун у спортчидай чаққон, сузувчидай ҳаракатчан, тоғ-қутқарув ишлари асосини пухта эгаллаган, ғаввослардай ишлаш маҳоратига эга, матонатли ва чидамли бўлмоғи шарт.

Ғорлар кейинги пайтларда тобора чуқурроқ қизиқиш уйғотмоқда. Ер юзида сир-асрори яширин қолган географик объектлар жуда оз, ғоршунослик соҳаси эса кашф этилиши лозим бўлган имкониятлар билан тўлиб-тошиб ётибди. Бу соҳа мутахассиси ҳамма нарсани: сувнинг қадимий даражасини, ғор қўнғизлари, ноёб минерал бирикмалар, аждодларимизнинг изларини, ерости кўллари ва дарёларини аниқ фаҳмлаб олмоғи жоиз.

Ерости сир-асрорини биринчи бўлиб тадқиқ этиш шарафли бўлиши билан бирга машаққатли ва масъулиятли ҳамдир. Дастлабки вазифа — янги ғорни аниқлаб, унинг тасвирини чизиб бериш, иккинчиси — уни ҳар томонлама тадқиқ этиш, ундан кейинги энг мураккаб жиҳати — ерости табиий қасрларини келажак илмий тадқиқотлар учун асраб-авайлаб қолдиришга эришишдан иборат. Табиат енгилтак муносабатни кечирмайди. Ерости мўъжизалари инсон учун наф келтирмоғи керак!

Ўрта Осиёда ғоршуносликка доир тадқиқотлар 50-йилларнинг охирларида бошланган эди. Ҳозирги кунда эса Самарқандниинг ўзидагина ерости дунёсини тадқиқ этувчилар сони эллик нафардан зиёд. Самарқандлик олимлар тадқиқ этган ғорлардан бири бугунги кунда дунёдаги энг чуқур ғорлардан ҳисобланади. Бу ерда ер қаърига қараб кетган йўлакнинг узунлиги 950 метрдан зиёд. Мамлакатимиздаги уч юздан ортиқ ғоршунослар Зарафшон тоғ тизмалари ёнбағридаги ерости кўлини акваланг ёрдамида сузиб ўтишга аҳд қилганлар.

Самарқандлик спелеологлар ўзларининг Красноярск, Москва, Ленинград, Каунас, Тошкентдаги ҳамкасабалари билан ҳамкорликда Ўрта Осиё ғорларини тадқиқ этиш ишларини муваффақият билан давом эттирмоқдалар.



Табиат — моҳир ҳайкалтарош... булар унинг ижодидан намуналар.

Р. ҒАФУРОВ фотолари (ЎзТАГ)

ўтирган Борбад менга қараб ўрнидан турди. Шамшоддек қомати дол, аргувондек рухсори заъфарон бўлган. Бағрига отилдим: ота-боладек бир-биримизни қучиб саломлашдик. Навбат сўрашишга келганда, қўлим олдинги ипакдек майин, ҳамиша оташдек иссиқ кафтлар эмас, аллақандай қаламланган совуқ новдаларга теккандай бўлди... Бир сесканиб тушдим. Қарасам, устознинг ҳар икки қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари тагидан кесилган, ўрни қорайиб-буришиб ётарди. Кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Томоғимга бир нарса тиқиниб келарди. «Наҳотки, куйга суиқасд қилган бўлсалар?! Наҳотки!» Шу сўзларни ичимда такрорлардим, холос.

Нақл этишларича, устозим тонг-саҳарда Хусравга суиқасд қилинганини эшитиб, саройга чопибди. Узининг хос хонасида қонга беланиб ётган ҳомийсини кўриб, зор-зор йиғлабди. Ўзи ювиб-тарабди, дафн маросимида бош-қош бўлибди. Шоҳона мақбарага элтиш йўлида машҳур «Хусравоний» куйини чалиб борибди. Ўз кўли билан лаҳадга қўйибди. Дафн маросими ҳам ғарибона бир тарзда ўтибди. Устоз назарида маърифат ва адолат офтоби сўниб, дунёни зулмат эгаллагандек бўлибди. Диёнат ва урфон, санъат оламини жаҳолат булути қоплабди. Бундай ҳаётга лаънат ўқиб, бу дунёдан бош олиб кетгиси келибди. У мақбара ёнидан тўғри уйига келиб, аввал созини синдирибди, сўнгра бармоқларини болта билан чопибди, кейин уйига ўт қўйиб, дарвишона ҳаёт кечиришни ихтиёр этибди.

Мен устозимни ўз уйимга элтмоқчи бўлдим. Аммо у ўз қароридан қайтмади. Деярли ҳар куни унинг ҳузурига келиб турардим, ёлғизлатиб қўйишни истамасдим.

Шаҳарда ҳамон алғов-далғов, саройда нотинчлик. Ҳамма ёқни айғоқчилар, ғаламислар босган. Хусрав вафотидан олти ой ўтганда, фитначилар Шерўяни ҳам ўлдириб кетишди. Отасини ўлдирган фарзанд шоҳликка ярамайди, яраса ҳам олти ойдан нарига ўтмайди, деган ҳикмат ўшандан қолган.

Кейинча устодим Борбад Марвга бориб вафот этганини эшитдим.

Қабрини зиёрат қилиб келдим.

Нақлларни тўплаб, баён қилувчи Ҳамиджон ҲОМИДОВ

XVII асрда яшаган шоир Турди (Фароғий) ижоди ўзбек адабиётининг даврий ҳодисаларидан ҳисобланади. Лекин золимлар уни асрлар мобайнида тупроқ остида қолишга, унутилишга маҳкум этди. Бу — аниқ. Чунки исёнкор шоир феодализмнинг қудратли маънавий рақиби эди. Унинг ижоди мавжуд жамият бидъати, зулму таназзулини мутлақ рад этди. Умумий тарзда эмас, конкрет тарзда — хонлик, Субҳонқулихон хонлиги сифатида инкор қилди.

Одатда, ҳукмрон синф ўз қудратли маънавий мухолифлари дунёдан ўтгандан кейин уларнинг ижодий меросларини сохталаштиришга, ўз ғояларига хизмат қилдиришга интилади. В. И. Ленин буни алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Турди ижодида гражданин шоир ва антагонистик жамият ўртасидаги конфликт бадиий «тафаккур вартасин»и — гирдобини ҳосил қилади:

Тафаккур вартасинда маҳв ўлуб,
кирдим жаҳон сори.
Ҳарифе топмадим оламда йўҳлуғдин такаллуфсиз.

Тафаккур вартаси — гирдоби!.. Мислсиз образ, даврий образ. Турдининг новаторона гражданлик шеърияти қанчалик машаққатли маънавий меҳнат эвазига бунёдга келганлигини, шоир иккиланишлар, ички курашлар ниҳоясида оғир, лекин тўғри йўлни топганлигини, мустабид ҳокимият аппаратига, ҳукмрон мафкурага қарши адабий сиёсат юргиза олиш ҳуқуқини онгли, мунтазам, замонасининг объектив тарзда ҳосил бўлаётган, аммо тўла англаб улгурилмаган — бирлашув ғоясини биринчилар қаторида идрок қилиш ва тарғиб этиш натижасида қўлга киритганлигини кўрсатувчи бадиий шаҳодат. Қуйидаги фард шу фикрларни далиллайди:

«Тойи тавфиқи ҳидоят, Турдиё,
бошинга тож;
Қил бидоят сурати радди бу
ранг ила илож.

Мазмуни: Тўғри йўл топишнинг тавфиқини, эй Турди, бошинга тож қил! Шу хилда аввалдаги радд суратининг иложини қил».

Шоир «тойи тавфиқи» деганда нимани тушунар эди?

Шоир уқтирган «бидоят сурати радд» нималардан иборат эди?

Бу саволларга тўлиқ жавоб — икки қарама-қарши матлаб ва мақсад кураши, хонлик ва халқ ўртасидаги кураш Турди ижодида аёндир. Зеро, унинг ижоди — XVII асрнинг мураккаб шароитида тўғри йўлни кўрсатувчи машъалалардан бири бўлди. Бу машъаланинг ижтимоий аҳамияти ғоят буюк. Чунки у бир тўда йўлини ёритувчи машъала эмас, юрак эди, Турди ва Машраб каби шоирлар, — Горький тасвиридаги Данко сингари, — кўкракларини ёриб, юракларини юлиб олиб, боши узра машъаладек кўтарган эдилар, улар қаршисида зулмат чекинган эди.

Турди, Машраб сингари шоирлар олиб борган бадиий-мафкуравий кураш ғоят қийин шароитда кечган. Барча имконятлар ҳукмрон синф ва уларнинг маддоҳлари қўлида эди. Ҳақсизликка қарши адолат учун кураш байроғини кўтарган шоир ҳар тарафлама исканжага олинар эди.

Юракдан қон фаввораси каби отилиб чиққан, бутун халқнинг мурод-мақсади ёки ғазаб-нафрати ифодаси бўлмиш сўз билан парқу тўшакларда ёнбошлаб ётиб, йўқ жойдан ўйлаб топилган, пуфлаб шиширилган мадҳ сўзлари ўртасидаги фарқ жуда катта — ер билан осмонча бўлади.

Турди сўзларига қаранг:
қиличдек кескир.
Машраб сўзларига қаранг:
жонга аланга ташлайди.
Энди, мутлақо бошқа
манзарага кўз ташланг:

Турди давридаги кўпчилик сарой адиблари, хусусан тарихчиларининг ёзганларини ўқисангиз, жимжимадор жумлалар, дабдабали ҳамду санолар; болохонали ўхшатишлар, маъносини илғаб олиш қийин бўлган — икки-уч саҳифалик жумлаларда ифодаланган муболағаларни учратасиз. Профессор А. А. Семенов айтганидек, «шундай иш муаллифининг ақлий уфқи қанчалик тор бўлганлиги, унинг услубидаги бутун дабдаба оддий табиат ҳодисаларидан ва, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си каби, Шарқда жуда ҳам машҳур асарлардан олинган образлар ва ўхшатишларни такрорлаш билан чекланиши бундай адабиётнинг чуқур фикрли тадқиқотчиси назаридан четда қолмайди»[1]. Алишер Навоий, Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Турди, Машраб, Махмур, Муқимий, Фурқат каби классик шоирларнинг, халқ бахшилари бир неча авлоди истеъдодли вакилларининг ижоди эса, бу каби «санъат — санъат учун» деган ғояни амалга оширувчи адабий оқимларга қарама-қарши ўзанда ривожланди, жонли халқ тилида, юксак бадиий савияда, ижтимоий салмоқли фикрларни теран ифода этди.

Турди ғазаллари ўзбек классик шеъриятида янги бир ғоявий-бадиий қатлам ҳосил қилади. Алишер Навоийнинг кўпгина ғазалларига хос, М. Шайхзода «Ғазал мулкининг султони» мақоласида таъкидлаганидек, якпоралик, композицион яхлитлик Турди ғазалиётида ўзига хос ривож йўлини босиб ўтади. Турди аниқ бир ҳаётий ҳодисани ўз ғазалига асос қилиб олади ва уни бадиий акс эттиради. Бу муайян фикрни драматиклаштириш, ўткирлаштириш учун имкон беради. Модомики, ғазални Турди шеъриятида мутлақо янги бир ҳолда — лирикананинг ижтимоий буюртмани билвосита эмас, бевосита амалда ошириб турган тури сифатида учратамиз.

Айтиш мумкинки, Турдининг ижодий шарофати билан мавжуд ошиқона, орифона, қаландарона ғазаллар янги тоифадаги — муайян ижтимоий фикр талқинига бағишланган ғазаллар ҳисобига бойиди.

Ғазал ўз тараққиёти давомида ижтимоий ҳодисалар таъсири ўлароқ ўзгариб, ғоявий-бадиий жиҳатдан тадрижий равишда жамонавийлашиб борди, «хушторлик ва севгини сўйлаб бериш» билан кифояланиб қолмайдиган бўлди, бирлашув ғояси минбарига айланди, «жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтириш», «нафис сўзлар билан олижаноб фикрларни куйлаш» билан чекланмай, бутун бир мулкни — феодал давлатини унинг «тангчашму бесару яъжужвазъ, мухталиф маҳзаб гуруҳ»ларига қарши сатира тигини қаратиш воситасига, Алишер Навоий «Ки чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра», яъни ўзгариб турган коинот (фалак) давроннинг ҳам доимо инқилоб ичида қайнаб туришини талаб қилади» (М. Шайхзода насрий баёни) деганидек, ўз даврининг инқилоб ичра қайнашларини халқ онгига сингдирувчи, кўз ўнгида бадиий жонлантирувчи қуролга айлантирди.

Шу тариқа Турди ғазал, умуман, адабиёт зиммасидаги давр юки, ижтимоий вазифа салмоғини оширди. Таъбир жоиз бўлса, шеъриятни икки йўлга — гражданлик шеърияти ва ишқия шеъриятига бўлди. Кейинчалик ҳалафлар —Гулханий, Махмур, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар Турдининг бу ислоҳини қўллаб-қувватладилар ва гражданлик шеърияти жабҳасини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан мустаҳкамлаб бордилар. «Сиза арзим будур, эй шоирон, ишқия назм этманг», деб хитоб қилди Аваз. «Ишқия шоирларни қўй, онлар санам қурбонидур», — деб уқтирди Ҳамза. Бинобарин, Турди ўз ижоди билан мустаҳкамлаган гражданлик шеърияти йўналиши тобора ривожланиб борди. Бу йўналиш унинг давомчилари — демократ шоирлар, революцион-демократ шоирлар, революцион шоирлар ижодида муваффақиятли тарзда давом эттирилди ва янги юксалиш босқичларига кўтарилди.

Турди ғазалларида, ҳажвиётида ўз салбий персонажларига сўз беради, шу тариқа улар қиёфасини аниқ жонлантиради, ўз ғоявий мақсадини драматик тарзда ифодалайдики, бу янгиликлар кейинги ўзбек шеъриятида, чунончи, Махмур ва Муқимий сатирасида ривожлантирилганлигини кўрамиз.

Яна шу нарса эътиборга сазоворки, Турди масалага мулк, мамлакат, халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Натижада, ижтимоий жиҳатдан зарур, халқчил, тенденциоз саволни — ўз даврининг энг улуғ саволини ўртага ташлайди:

«На мазҳаб, қайси дин ўз мулкини
ўзи хароб этгай?»

XVII асрнинг феодал бошбошдоқликлари, оға-инилар ўртасидаги қонхўрликлар оқибати ўлароқ бу савол туғилди. Бу савол шоир-граждан Турди, унинг лирик қаҳрамони оғир руҳий кечинмалари ҳосиласидир: ижтимоий адолатсизликларни кўриб, симобдай бесаранжом бўлиб қолган бу муқаддас қалб — бутун халқнинг орзу-армонларини ўзида марказлаштирган бу меҳнаткаш қалб феодаллар зулмини, ёвузлигини она халқи ва шахсан ўз танасида синаб билиб, ҳақиқат ва адолат йўлини ахтаради, мазкур табаррук йўлга олиб чиқувчи маънавий омилни излайди. Шу омилни ҳаётдан, одамлар тақдиридан қидиради, уни қўлга киритиш мақсадида ўз виждонини ҳам сўроқ қилади. Ўзини қийнаган саволга керакли жавобни ўз руҳидан, ақлидан, қалбидан ахтармаган қаҳрамон ёки ноқобил, ёки ўз даврий бурчига номуносиб, яъни ёзувчи, шоир томонидан янглиш-нотўғри танланган қаҳрамондир, бинобарин, адабий, демак, миллий қаҳрамон бўлишга арзимайдиган кишидир. Асл адабий қаҳрамон миллий қаҳрамонга айланиб қолади. Ана шу даражага эришмаса, у асрлар давомида халқ қалбининг мураббийси бўла олмайди. Турди лирик қаҳрамонининг кучи ва инсоний жозибаси шундаки, у керакли жавобни ўз қалбидан ахтарар экан, бутун халқ номидан сўйлайди ва юқоридаги каби, ўз ҳикмати билан кишини ларзага соладиган, одамзод қалбида яшириниб ётган қудратни уйғотадиган, ўзида бутун давр ҳақиқатини мужассам этган саволни ўртага ташлайди. Ўз мулкини ўзи хароб этган кимсалар, ҳақиқатан ҳам муфсидул-арз — ер юзининг фисқ-фасодчилари, фит-

[1] Турди. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи А. Ҳ. Ҳайитметов, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

ДАВРИЙ ҲОДИСА

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,
филология фанлари кандидати

начилари, арозил — пасткашлари, фирқаи бадраг — зоти пастлар тўдасидир:

Эрурлар муфсидул — арзу арозил,
фирқаи бадрак.

Шоир ўз салбий персонажларининг асл башарасини қуйма мисраларда тавсифлаб беради, ҳеч кутилмаган, XVII аср нуқтаи назаридан қараганда, бориб турган шаккоклик бўлиб кўринадиган — зўр умумлашма кучига молик «ҳақ йўлидан юрган эшшак» шеърий образини яратади:

Атолур ҳожи кофир Макка бориб,
ҳаж қилиб келса,
Ки ҳаргиз ўзга бўлмас ҳақ йўли
юрган билан эшшак.

Кўринишда «ҳожи», аслида «эшшак» бўлган — диний ниқоб остида жон сақлаб, даврон суриб юрган кимсаларни фош этар экан, шоир ўз ўқувчиларини уларга эътиқод қўймасликка чақиради:

Кўриб суратда зоҳир шайху сўфи,
эътиқод этма,
Кириб масжидга чиқмак бирла
қўймас (гўнг) емакни сак.

Турди бу ғазалида улуғ устод Алишер Навоий фикрларини давом эттиришга, ўз даврига нисбатан қўллашга интилади. Навоий деган эдики:

Ким кучук бирла хўдукка неча
қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар
асло одами.

Шу ўринда Умар Хайём рубоийларидан бирида: ер осмон орасида қанчалаб эшак юрганига қараб қўй, деганини ҳам эслаш жоиз.

Умар Хайём рубоийсида ва Алишер Навоий қитъасида истифода этилган шеърий образларни қўллар экан, Турди уларга мутлақ янги ғоявий мазмун бахш этади, ҳаж қилиб келган кофир, ҳақ йўлидан юрган эшак, масжидга кириб-чиқиб юрган зулм итларини бадиий фош қилади.

Мана шу тариқа Турди ўз даврининг бадиий-ҳажвий галереясини яратади, золимлар қаршисида турган ўз лирик қаҳрамони образини билвосита тарзда чизади; Субҳонқулихон, унинг асри, беклари шу одам тилидан ҳажв этилади, бирлашув ғояси мазкур киши номидан айтилади... Хўш, бу лирик қаҳрамон ким ва унинг кўнглида қандай армонлар бор?

У ўзини шундай деб таништиради:

Бошима бир кўҳи ғам бир от коҳу
емидан,
Бир кўнгул юз пора йўқлуқ заъфи,
ваҳму бимидан.

Бир отга егулик — сомону емни ўйлаганда, бошида ғам тоғи бордек туюладиган, қашшоқлик ваҳимасида бир кўнгли юз пора бўлган шу бечора — лирик қаҳрамон ўз ижтимоий мавқеи тўғрисида шундай дейди:

Қад букуб, бўйнум эгиб, тегди
аёқларға бошим —
Аҳли дунё пойбўси, хизмату
таъзимидан.

У — бой феодаллар олдида қад букиш, бўйин эгишдан зериккан ва буни баралла айтаётган, ўз инсоний ғурурини ҳимоя этишга киришган жон. Аламини, қайғусини кулгига олиб айтади, аммо бу кулгилар остида изтироб, кўз ёши...

Адабий қаҳрамон ўзини ва жамиятни ўртаган саволга жавобни виждонидан, қалбидан изламаса, коллизия ҳосил бўлмайди. Турдининг «Ед мандин ким берур...» деб бошланувчи мухаммаси, Хўжанд вилоятида ҳайит иситмаси воқеасида Оқбўтабийга хитоб тарзида битилган мухаммаси инсоний ўзлукни ҳимоя қилишга ва одамийлик шаънини улуғлашга бағишланган ўтли асарлардир. Улар ёвуз замонада адолат ва бахт-саодат орзусида исён қилган, лекин ўз мақсадига етолмаган кишининг фожиавий кечинмаларига тўлиқ:

Қатраи найсони селоби
сиришкимдан ютуб,
Айладим қути, кўнгул баҳринда
монанди садаф.
Не аёқ, не бошга етдим, саропо
истадим,
Қолдим икки йўлни ўртасида,
ҳамро истадим,
Базми бир саргарим ҳою-ҳуй юз во
истадим,
Ҳалқаи доирайи ушшоқда
жо истадим,
Дедилар: «Қаддингни чанг эт,
пўсти жисмингни даф».

Шарқ классик шеърияти, жумладан, ўзбек классик шеърияти муболағавийликдан музайян; албатта, бу муболағавийлик ҳаётни тасвирлашга, эзгу инсоний мурод-мақсадларни бадиий тасдиқлашга хизмат қилган. Лекин муболағавийлик замиридаги ҳаётий асосларни илғаб олиш жуда қийин бўлган шеърий асарлар ҳам жуда кўп. Шарқ шеърияти муҳитига қиёсан қарасак, Турди ижодига хос бир хусусият яққол кўзга ташланади, унинг асарларида шоир «мен»и биринчи планда туради. Шоирнинг таржимаи ҳолига доир воқеалар, тафсилотлар ё бутун асар асосини ташкил этади («Ҳалимбий отолиқ инъом этган отнинг кечикиши») ёки унинг таркибига узвий сингдириб юборилади:

Ҳукм — жорий, сўз қабули, бир
дури дар гўш эдим,
Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф,
ҳамдўш эдим,
Ҳою-ҳуйи базмларда шаҳди
нўшо-нўш эдим,
Хуш замонлар юз қазони бошида
сархуш эдим,
Бу замон ювған қазон остида
қолғон юндиман.

XVII аср ўзбек классик шеъриятида, яъни Турди ижодида реал шахснинг биринчи планга чиқишини катта ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Таъкидлаш зарурки, бу реал шахснинг гражданлик онги ва туйғулари кучли, теран. Турдининг юқорида таҳлил этилган ғазаллари, Субҳонқулихон асрида хон, унинг қуллари ва амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ қушбегининг иноқ бўлишини (муайян шахсни ёки унинг маълум нуқсонларини эмас, балки ижтимоий ҳаётда ҳукм **сураётган** бидъат ва зулмни) **ҳажв** қилиб ёзган мухаммаси, «Тор кўнгуллик беклар...», «Бир сари азм айла...» деб бошланувчи ғазаллари ва бошқа асарлари бу шоир ижоди марказида турган, ижтимоий ҳаётни ўз қалб кўзи орқали кўриб тасвирлаган мазкур реал шахснинг гражданлик онги ва туйғулари яқлами ва қудратини аниқ намоён қила олади. Муайян синфнинг, синфий мурод-мақсадлар, майлларнинг вакили — бу шахс, табиийки, ўз бетакрор таржимаи ҳолига, ўз тақдирига, фожиасига эга; унинг иқрорлари ростгўйлиги ва ошкоралиги билан, энг муҳими, инсоний жозибаси, кураш кишисининг аччиқ тажрибаси бўлиши билан қатиқ таъсир қилади:

Қирқ, юз, минг ақроболар этдилар
мандин нуфур,
Не бало бахти қарову толеи шум
Турдиман.

Аммо у ўз курашининг аҳамиятини, халқ учун қадрини, эл хизматини албатта эъзозлашини биладики, бу курашчининг туйғулари тўлақонлигини кўрсатувчи ғоят муҳим белгидир:

Риштадек минг бор рузе чашми
сўзондан ўтар,
Бовужуди эътибори чашми мардум
Турдиман.

Байтнинг насрий баёни:

«Чинакамига халқнинг кўзи ўнгида, эътиборида бўлишимга қарамай, ип сингари ҳар куни минг марталаб нина кўзидан ўтгувчи Турдиман».

Аввало, ўзбек классик шеъриятида маиший шеърий образлар — «нина» ва «ип» қабариқ бир тарзда пайдо бўлганлигига эътиборимизни қаратайлик. Албатта, фольклорда ва ёзма адабиётда игна маъжози Турдигача бўлган даврда ҳам учрайди. Профессор Ҳ. Зариф игна тўғрисидаги топишмоқ («Ҳаммага тўн тикади — ўзи яланғоч қолади») мавҳуми «Қиссаи Рабғузий» (1309—1310) асарида мавжудлигини кўрсатади:

Қамуғ игналар, бил тикар,
кийдирур,
Яна ўзи доим яланғоч қолур .

Ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида «XIV асрга қадар мавжуд бўлган» бу бадиий тафаккур куртагини Турди ўз шеърияти сурх новдасига моҳирона пайванд қилади ва даврий аҳамият касб этадиган ғоявий-бадиий кашфиёт яратади. Лекин, барибир, «нина» ва «ип» Турди салафлари ва замондошларига эриш кўриниши табиий эди. «Гул» ва «булбул», «шоҳ» ва «гадо» даврасига «нина» ва «ип» қаердан кириб келди? Ўша — «гул» ва «булбул», «шоҳ» ва «гадо» мавжуд бўлган ҳаётдан. Ҳаётга янгича муносабатдан. Тарихий тараққиётнинг янги босқичидаги ҳаётга шу босқичнинг ўз фарзанди, намояндасининг актив муносабатидан. Бу — ҳаёт корига, халқ манфаатлари хизматига ярайдиган шахс. Шунинг учун у ўзини нина кўзидан ҳар куни минг марталаб ўтгувчи ип деб билади. Нина эса ҳаёт эҳтиёжларини амалга оширувчи иш қуролидир. Иш қуролининг шеърий образ сифатида адабиётга кириши фаолият кишиси шеъриятнинг лирик қаҳрамонига айлана бораётганлигини кўрсатади. «Нина кўзидан ўтиш» — **ғоят машаққатли кураш** синовларида чиниқиш демакдир. Лирик қаҳрамон эса ҳар куни нина кўзидан минг марталаб ўта олади. Бу унинг ҳаёт тарзи кураш қонунларига бўйсундирилганлигини ифодалайди. Турди шеърияти муҳитида нина кўзидан ўтгувчи ип Субҳонқулихон зулмига қарши бетўхтов исёнлар кўтарган қабилаларнинг иштирокчилари — фуқароларнинг намоянсидир. Натижада, «нина» ва «ип» узвийликда муайян ижтимоий қатламнинг бадиий инъикоси сифатида катта аҳамият касб этади, Турди ижодига хос ғоявий-бадиий янгиликнинг ифодаларидан бирига айланади.

Турди халқ ва шоир мутаносиблигига янгича қарай бошлаган ижодкордир. У якка шахсни ёки шоирни «қатра», халқни эса «қулзум» («денгиз») деб билади:

Қатраям ножиз, аммо зоти
қулзум Турдиман.

Халқ ва шоир мутаносиблиги ҳақидаги ўз фалсафасини баён қилар экан, шоир оригинал, табиий шеърий образни кашф этади, зеро, айни мутаносибликни денгиз ва қатрадан ҳам бадиий ҳаққоний ва тўғри акс эттира олувчи бошқа шеърий образ топиш амримаҳолдир.

Лекин, шуни таъкидлаш керакки, Турди денгиз ва қатра шеърий образларининг мутаносиблигини оддийгина қолиплаш билан кифояланмайди. Унинг ҳаётини таъминловчи кучларни кўради ва тўғри таърифлайди. Денгиз қатралардан иборат. Қатра денгиз билан қудратли. Лекин, Турди — кураш, исён шоири сифатида ҳаёт ҳақиқатини янгича талқин қилади. Чунки у ўз тажрибасидан биладики, ижтимоий мурод-мақсад йўлида курашга чоғланган, ўз курашида халқ манфаатларини мужассамлаштира олгувчи шахс ёки шоир элни ўз ортидан улуғ исёнлар сари бошлайди, қатра денгизни тўлқинга келтиради.


Келтуран амвожға баҳри талотум
Турдиман, —

яъни: «Денгиз тўлқинларини пўртанага келтирган Турдиман», — дейди.

То Турдига қадар ўзбек классик шеърияти муҳитида ҳали ҳеч ким бу тарзда сўзламаган эди. Айни фикрлаш йўсинида, айни сўзлар ҳикматида исён, инқилоб шиддати мавжуд, жамият тараққиётига халқ йўналиш бериши лозимлигини, халқ билан биргаликда ўзи қанчалик ижобий таъсир ўтказиши мумкинлигини ҳис қилган, шоир халқнинг ҳамишалик сарвари бўлиши зарурлигини амалий тажриба орқали билган курашчининг эътиқоди яққол. Шахс эрки топталган, шоир маддоҳликка маҳкум этилган бир шароитда адабиёт истиқболи учун дастуриламал бўлувчи бундай ғазал билан майдонга чиқиш асл гражданлик жасоратининг намунаси бўла олади.

АБУЛҚОСИМ ЛОҲУТИЙ

ТУҒИЛГАН КУНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ



А. Лоҳутий радио орқали шеър ўқимоқда. 1941 йил.

Шу йил 30 ноябрь ва декабрь кунлари улкан совет шарқ шоири, инқилобий тожик поэзиясининг асосчиларидан бири Абулқосим Лоҳутий таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатда, жумладан республикамизда кенг нишонланади. Зеро, унинг меҳнаткаш эрон ва совет халқлари ҳаётининг реал бадиий поэтик садоси бўлган инқилобий шеърияти бугунги кунда фақат советлар Тожикистонидагина эмас, СССРдаги барча халқлар, жумладан, республикамизда ҳам маълум, машҳурдир. Шоир асарлари совет адабиётининг улкан классиклари М. Горький, В. Маяковский, Ҳамза, С. Айний, Якуб Колас, Самад Вурғун, М. Авезов, Ғ. Ғулом асарлари қатори минг-минглаб ўқувчилар қалбидан чуқур ўрин олган. Унинг асарлари ёшларни Октябрь революцияси, Советлар ватани ва Коммунистик партияга садоқат, мамлакатимиз халқларининг бир-бирларига бўлган дўстлиги, буюк меҳр ва муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Абулқосим Лоҳутий 1887 йил Эроннинг Кирмоншоҳ шаҳрида ҳунарманд оиласида таваллуд топди. Кейинчалик Эрондаги инқилобий ҳаракатларга иштироки учун таъқибга учраб, ўз ватанидан кетишга мажбур бўлди. 1922 йилда Совет Иттифоқига келиб, дастлаб Москвада яшади ва СССР халқлари нашриётида ишлади. Унинг бу ерда рус ёзувчилари, шоирлари билан мулоқотда бўлиши, Москвадаги янги инқилобий, маданий ҳаёт унинг ижтимоий-сиёсий ва эстетик қарашларига таъсир этмай қолмади. Шунинг таъсири билан 1923 йил Москвада унинг «Кремль» номли шеърлар тўплами рус тилида чоп этилди. Бу даврни эслаб, шоирнинг умр йўлдоши — таржимон ва шоира Бону хоним кейинчалик шундай деб ёзади: «1924 йилда Лоҳутий шарқ халқлари босмахонасида ишларди. Шу йиллари унинг ўз қўли билан терилган илк китоби чоп этилди. Китоб сўзбошисини Нозим Ҳикмат ёзган».

Лоҳутий 1925 йил Тожикистонга келиб, бу ердаги ёш тожик совет адабиёти матбуоти, маорифи ходимларига яқиндан ёрдам берди. 1926 йилда босилиб чиққан «Қизил адабиёт» номли инқилобий шеърлар тўплами С. Айнийнинг 20-йилларнинг бошларида тожик ва ўзбек тилларида босилган «Аҳгари инқилоб» («Инқилоб учқунлари») шеърлар тўплами билан бир қаторда ёш пролетар тожик, ўзбек совет шоирларининг ғоявий-эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнади. Шу йиллардан бошлаб, Абулқосим Лоҳутий асарлари фақат Тожикистондагина эмас, Ўзбекистонда ҳам шуҳрат қозонди. Шундан кейин унинг революцион руҳдаги «Кремль» шеърлар тўплами 1929 йил Чўлпон таржимасида, 1933 йил «Эрон қизи» шеъри Ғафур Ғулом таржимасида ўзбек тилида нашр этилди. Шоирнинг СССРда нашр этилган дастлабки инқилобий шеърлар тўпламига кирган «Кремль» номли шеъри асосан классик форс-тожик шеъриятининг «назира» приёмларидан усталик билан фойдаланиш асосида ёзилгандир. Унда Лоҳутий Кремль биноси ва унинг тепасидаги қизил байроқни Россияда ўтмишдаги зулм ва заҳматларни йўқотган меҳнаткаш халқ ҳокимиятининг инқилобий руҳи ва кайфияти тимсоли сифатида ёрқин ифодалайди. «Эрон қизи» шеърида озод, ҳур, бахтиёр Совет Ўзбекистони қизларининг мазлум эрон қизлари эрки, озодлиги учун намуна эканлиги қуйланади:

Тонг ели, тушса йўлинг, эссанг агар Эрон сари,
Барча эрон қизларига сўйла шоирдан салом.
Шу баланд тоғ орқасида гуллаган ҳар бир ери
Ўзбекистон ҳам яшарки, кенгаяр порлар мудом.
Бунда алдов, зулм йўқолган, эркли меҳнат пойдор.
Ҳар тарафга олий турмушнинг чароғи яшнаган.
Бунда қизлар порлаган юлдардан артмишдир
губор.
Қоп-қора зиндондан девордай «кафан»ни
ташлаган.

1935 йилда Тошкентда Абулқосим Лоҳутийнинг «Менинг ижодий тажрибам — ишчи авторга» рисоласи улуғ пролетар адиби Алексей Максимович Горькийнинг «Ёш ёзувчиларга» номли мақолалари билан бир даврда алоҳида китобча ҳолида босилади. Рисолада муаллиф бошловчи ишчи, ҳаваскор шоир ва ёзувчиларга қарата мурожаат қилиб, шарқ ва рус классикларининг маҳорат мактабидан ўқиш-ўрганишга даъват этиб, бу йўлдаги айрим нигилистик кайфиятларга қарши ачиниб ёзди: «Агар сизлар ўзбек ва форс тилларини билганларингизда эди — Навоий, Фузулий, Бедил, Саъдий, Фирдавсий, Ҳофиз ва бошқаларнинг ўз асарларини фавқулодда бир меҳнат қилиб ёзганлигига ишонардингизлар. Нега уларнинг асарлари формаси, оҳанги, образлари, яратилиш санъатини ўрганмаслик керак? Ахир, биз қадимги меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва бошқаларни ўрганамиз-ку. Бир вақтлар ёшлар орасида: «Пушкинни ўқишнинг фойдаси йўқ, улар ортиқча нарса», деган гаплар ҳам эшитилди. Лекин шулар орасида ҳозир Пушкиннинг «Декабристларга жавоб»и шеъри каби қувватга эга бўлган шеър ярата олган бирор киши топилдими?»

30-йилларнинг бошида бутун мамлакатимизда кенг нишонланган Лоҳутий юбилейи муносабати билан С. Айнийнинг «Талантнинг озодлиги», Чўлпоннинг «Катта тўйга тайёрланайлик», Шокир Сулаймоннинг «Шарқнинг Горькийси», А. Мажидийнинг «Лоҳутий хотираси» мақола ва шеърлари эълон қилинди. Газеталар «Тошкент пролетариати Қосим Лоҳутийни қутламоқда», «Қосим Лоҳутий Тошкентда» рубрикалари остида турли хабар, мақолалар ва лавҳаларни босиб чиқардилар. Бу хабар ва мақолаларда Абулқосим Лоҳутий инқилобий фаолияти ва бадиий ижодининг фақат тожик совет адабиёти вакиллари учунгина эмас, Ўрта Осиёдаги барча ёзувчилар, шу жумладан, ўзбек пролетар адиб ва шоирлари учун ҳам бўлган инқилобий, ижтимоий ва интернационал тарбиявий аҳамияти ва роли ҳақида ёзиб ўтилди. Жумладан, Лоҳутий асарларининг таржимони, мухлиси, унинг шеърлари таъсирини бошдан кечирган Ғафур Ғулом шоир ижодий фаолиятининг 30 йиллиги муносабати билан ёзган «Қосим Лоҳутий» мақоласида уни «Совет шарқининг энг йирик сўз санъаткори», мустамлака шарқидаги меҳнаткашларнинг куйчиси, Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги адабий ташкилотларнинг танилган етакчисидир», — деб юксак баҳо беради ва давом этиб ёзади: «Эрон ва тожик тилларида адабиёт нашр қилишни уюштириш, Тожикистон халқ маориф комиссарлиги ўринбосари, тожик Давлат нашриётининг ташкилотчиси, — мана булар жаҳон меҳнаткашларининг ватанида Лоҳутийнинг йирик партия, хўжалик соҳасидаги фаолиятининг фақат бошланғич бир давригинадир».

А. Мажидий «Лоҳутий хотираси» шеърида эрон пролетар шоирининг хизматлари, ҳаётий ва ижодий тажрибалари таъсири ҳақида тўлқинланиб:

Лоҳутийдан икки сабоқ ўргандим:
Бири — шеъру, бири хизмат замонга
Текисланди шу чоғ пастим-баландим
Томирларим тўлди оловли қонга, —

деб ёзган эди.

Шу йиллари Тожикистонда кенг нишонланган Лоҳутий ижодининг 30 йиллик юбилейига Ўзбекистондан Ғафур Ғулом, Зиё Саид, Ғайратий ва бошқалар ҳам қатнашдилар, шоир ҳақида ўзбек матбуотида чоп этилган асарлар тақдим қилинди. Лоҳутий билан Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари, айниқса ўзбек совет шоири Ғафур Ғулом билан унинг дўстлик ижодий алоқалари тобора кучайиб борди. Бу ҳақда кейинчалик Ғафур Ғуломнинг ўзи шундай деб ёзган эди: «Лоҳутий ўзининг «Кремль» номли поэмасини 1923 йилда ёзди. Мен бу поэмани ўзбек тилига икки маротаба икки хил вазнда таржима

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЮСУФ АМИРИЙ

Абдуқодир
ҲАЙИТМЕТОВ

АЛИШЕР Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ўзидан бурун ўтган йирик ўзбек шоирларидан саккизтасини санайди. Шулардан бири Юсуф Амирийдир. Амирий ҳақида яна Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг биринчи мажлисида қуйидаги каби маълумотларни ёзиб қолдиради: «Мавлоно Амирий — турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур, аммо шуҳрат тутмабдур». Бу ўринда Навоий Амирийнинг «Даҳнома»сидан:

Не емакдин, не уйқудин солиб сўз,
Емакдин тўюб, уйқудин юмуб кўз —

деган бир байтини ҳамда Камол Ҳўжандий шеърига ўхшатмасидан бир матлани келтиради.

Навоий Амирий ҳақида «Мажолисун-нафоис»нинг биринчи мажлисида хабар беришидан шу нарса англашиладики, демак, Амирий Навоий билан кўришмаган. Навоийнинг болалик йилларида у ҳаётдан кўз юмган. Амирий тўғрисида Навоий мулоҳазаларидан яна шу нарса тушуниладики, у яхши шеърлар ёзади, ўзбек шеърияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, бироқ шоир ўз даврида кутилгандек, хизматига яраша шуҳрат қозона олмайди. Навоий бунга таассуф билан қарамоқда. Навоий фикрини шу билан ҳам исботлаш мумкинки, Амирий девони бизгача ягона бир қўлёзма нусхадагина етиб келади. У Туркиядаги Дорулфунун китобхонасида сақланади. Навоий қайд этишича, Амирийнинг қабри Бадахшон томондаги Арҳанг Сарой деган жойда.

Юсуф Амирийнинг ҳаёти ҳақида ҳам бизга жуда кам маълумотлар етиб келган. Асарларидан маълум бўлишича, у Улуғбекнинг акаси, ўз давридаги адабиёт ва санъат ҳомийси Бойсунқур Мирзо даргоҳида яшайди. Амирий «Даҳнома» асарини Бойсунқурга бағишлаганлиги асло бежиз эмас. Амирийдан бизга унинг «Банг ва Чоғир мунозараси» ҳам етиб келган. Лекин Навоий шоирнинг бу асари ҳақида ҳеч нарса демайди.

Алишер Навоий Амирийни ўзидан олдин яшаган шоирлар қаторида санаб ўтган экан, унинг ижоди Навоийга, унинг асарларига таъсир кўрсатганми? Таъсир кўрсатган бўлса, буни яқинроқ қандай тасаввур этиш мумкин? Маълумки, Навоий ижоди биринчи навбатда ўзбек адабиёти базасида, унинг бой анъаналари асосида юзага келган. Шундай экан, бунда Амирий қандай роль ўйнаган?

Амирийнинг девони қўлимизда бўлмагани сабабли бу саволга тўла жавоб бериш имкониятига эга эмасмиз. Лекин унинг лирикаси соҳасида шу нарса аниққи, Навоий Амирий девони билан яхши таниш бўлган. Зеро, Навоийнинг Амирий шеърлари ҳақида «Туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур», деб ёзиши тасодифий эмас. Бунинг замирида катта маъно мужассам. Масалан, Амирийнинг:

Вафо то бўлди жононимға махсус,
Жафову жавр эрур жонимға махсус.
Хирому жилвау ноzу малоҳат
Эрур сарви хиромонимға махсус —

байтлари билан бошланган ғазали бор. Бу ғазалга жавобан Навоий шу вазн ва шу радиф билан икки ғазал ёзади. Мана ўша ғазалларнинг матлалари:

Рақиб ул навъ эрур жононға махсус,
Ки муҳлик дарди онинг жонға махсус...
Эрур ишқинг мени маҳзунға махсус,
Ки Лайли дардидур Мажнунға махсус.

Навоий замондошларидан бошқа ҳеч ким шу радиф билан, Амирий ғазалига қадар ўхшаш ғазал ёзмаган эди. Амирийнинг бошқа ғазаллари, таржеъбанд ва туюқлари ҳам Навоийнинг шу типдаги шеърларига кўп жиҳатдан ҳамоҳанг. Масалан, Амирий таржеъбандининг ҳар банди охирида қуйидаги байт такрорланиб келади:

Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Навоий ғазалларида ҳам биз лирик қаҳрамоннинг ўз толеининг пастлигидан, омадсизлигидан шикоят қилиб айтилган байтларга дуч келамиз:

Кўз оч, ашки надомат соч ўз аҳволингғаким, бордур —
Тунунг тийра, кўзунг хира, йўлунг буртоқ, отинг оқсоқ...
Кўзум намлиқ, бўюм хамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ;
Не ҳамдамлиқ, не маҳрамлиқ топиб бу меҳнати пинҳон.



Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон.
Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам оҳи умри коҳимдин,
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзан.
Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон...

Ўз фикрини қисқа, лўнда, алоҳида таъкидлаб ифодалашда кўринадики, Амирий Навоийга ёрдамга келади, устозлик қилади. Бадиий ифодадаги бу услубни Навоий янада ривожлантиради ва чуқурлаштиради.

Амирийнинг Навоий шеърий услуби шаклланишига таъсири лирикага нисбатан унинг эпик ижодида очиқроқ кўзга ташланади. Зеро, Амирий «Даҳнома»си билан Навоий достонлари, хусусан «Фарҳод ва Ширин»ни қиёсий ўрганиш мароқли. Икки асар ҳам арузнинг ҳазажи мусаддаси мақсур (ёки: маҳзуф) вазни (мафоилун-мафоилун-фаулун)да ёзилгандир. Одатда ишқий но-

(Давоми 28-бетда)

қилдим. Муҳтарам устозимиз Айний ва Лоҳутий менинг уйимни ўз уйлари деб билардилар. Уларнинг Тошкентдаги қўноқ жойлари менинг уйим бўлгувчи эди. Бизнинг учрашув пайтимиздаги суҳбатлар кўпинча мушоирага айланиб кетар эди. Биз равиягўй (бир йўналма, бир мазмунда айтилган шеърларни) ўқувчи эдик. Бизнинг суҳбатимизда Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Алишер Навоий, Пушкин ва Лермонтовлар ҳозир бўлар эдилар. Суҳбатларимиз бебаҳо, бемунозара ўтмас эди, албатта.

Лоҳутийнинг баъзи қўлёзмалари ва ўртоқлик мактублари менинг архивимда сақланади. Мен бу улкан қалб эгаси бўлган дўстимни доим эслайман».

Лоҳутий Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкентда яшаб, ўзбек халқининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, унинг шаҳар ва қишлоқлари, завод ва фабрикаларида ҳалол меҳнат қилаётган ишчи ва деҳқонлари, зиёлилари ҳаёти билан яна ҳам яқиндан танишади, республикамиз ижод аҳли — Ғафур Ғулом, С. Абдулла, Ҳабибий ва бошқалар билан яна ҳам яқиндан алоқада бўлиб туради. Ўзбекистон мавзуида, унинг атоқли ижодкорлари тўғрисида мақола ва шеърлар ҳам ёзади.

Лоҳутий «Ўзбекистон» шеърида қаҳрамонона кураш йилларида баҳодирона жанг қилган ўғлонларимизу гўзал қизларимизгача, адабиёт ва санъат вакиллари маҳоратидан тортиб, уларнинг меҳмондўстлигию қардош — биродарлик хислатларигача завқ билан таърифу тавсиф қилиб ёзади:

Ғалаба топдинг улуғ тиғ ила майдонға бориб,
Енгдинг ёвларни уриб, зарб ила чангин чиқариб.
Бу курашда ғолиб у фарзандларингни севаман.
Ўзбекистон сенинг мардоналарингни севаман...

У «Туғма талант» мақоласида дўсти, атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғуломнинг ижодий хусусиятларига баҳо бериб дейди: «Ғафур Ғулом бой маънавий ҳаёт эгалари, коммунизм қурувчилари оғзидан ўз мисраларини деярли ҳар куни эшитаркан, мен бекорга умр ўтказмайман, яна узоқ яшашим, самарали ижод қилишим керак, дейишга тўла ҳақли».

Шу билан бирга Лоҳутий шеърларининг ўзбекча таржималари, унинг кейинги юбилей тантаналарини нишонлаш, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, у ҳақда турли юбилей ва илмий-публицистик мақолалар ёзиш шоир вафотидан сўнг ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Лоҳутий ҳаёт вақти ва ундан кейинги йилларда ўзбек матбуоти ва адабиёти саҳифаларида шоирнинг «Жон Ўзбекистон», «Ишчи», «Эрон қизи», «Ленин ордени», «Ирғогарларга жавоб», «Менинг қалбим», «Ўзбекистон», «Икки ғазал» каби шеърлари босилиб чиқди. У ҳақда Ғафур Ғуломнинг «Дўстимни эслайман» мақоласи босилди. «Ўзбек Совет Энциклопедияси»да Абулқосим Лоҳутий ҳаёти ва ижоди, унинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари ҳақида ҳам етарли маълумот берилганким, бу ҳолларнинг барчаси тожик совет адабиётининг асосчиларидан бири, Совет Шарқининг улкан инқилобий шоири Абулқосим Лоҳутийнинг мамлакатимиздаги барча халқлар каби, Ўзбекистон адабиёти ва маданияти аҳли билан ҳам мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланганлигини кўрсатади.

Шерали ТЎРДИЕВ,
филология фанлари кандидати

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ДЎСТИ

МУХТОР АВЕЗОВНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

УМУМСОВЕТ адабиётининг ифтихорига айланган машҳур қозоқ совет ёзувчиси ва етук адабиётшунос олими— Мухтор Умархон ўғли Авезов ўзбек адабиётининг ҳам энг яқин дўсти, ўзбек ижодкорларининг ҳамкасб қадрдони эди. Зеро, у 20-йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё университетида таҳсил кўриб юрган пайтларидаёқ, рус классиклари асарлари билан бир қаторда Шарқ шоирларининг, шу жумладан Фирдавсий, Низомий, Навоий, Бобур, Завқий, Муқимий каби ижодкорларнинг жавоҳирларини ҳам қунт билан ўрганади, ўзбек совет адабиётининг буюк намояндалари асарларига алоҳида назар ташлайди. Бу борада адибнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий каби катта истеъдод соҳиблари асарларини қунт билан ўқиб, улардан олам-олам завқ олиб, уларнинг маҳоратига, ёзувчилик санъатига қойил қолганлигини эслаш мақсадга мувофиқдир. Чунки у ўзининг ўзбек совет прозасининг ривожланиш йўлларига бағишланган тадқиқотида: «Шонли ўзбек прозасининг илк даврида Айний ижод қиларди. Йигирманчи йилларга келиб талантли прозаик Абдулла Қодирий етишиб чиқди. 1928 йилдан бошлаб мен унинг асарларини ўзбек тилида ўқий бошладим»,— деса, Ҳамза ижодини характерлаб: «Яша, Шўро» шеърий асари учун унга ҳайкал ўрнатса арзийди», дейди.



Мухтор Авезовнинг Ўрта Осиё адабиётига, шу жумладан, ўзбек адабиётига бўлган қизиқиши умрининг сўнгги дамларигача давом этди. У ўзбек совет адабиётининг забардаст вакиллари— Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Миртемир каби ажойиб истеъдод соҳиблари билан дўст тутинади. Айниқса, Ойбек билан жуда ҳам қалин дўст, самимий сирдош эди. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом «Ойбегим — Авезовим» деб хитоб этса, қозоқ шоири Деҳқон Абилов «Мухтор— Ойбек бир олам», деб ҳурмат билан тилга оладилар.

1927 йили Ленинград университетида бирга ўқиган бу икки аллома умрларининг сўнгги дақиқаларигача бир-бирлари билан чамбарчас алоқа боғлайдилар. Ўрталарида чуқур ва самимий дўстлик туғилади. Улар ҳар хил маросимлар муносабати билан тез-тез учрашиб турадилар. Бир-бирининг ижодларини кузатиб борадилар. Масалан, Мухтор Авезов ўзининг «Баъзи миллат ёзувчиларининг романлари ҳақида» деб номланган илмий тадқиқотида рус ёзувчиси С. Бабаевскийнинг «Олтин юлдузли йигит», машҳур қирғиз қалам соҳиби Тугелбой Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари», ажойиб қозоқ прозаиги Ғабиден Мустафиннинг «Миллионер», етук татар ёзувчиси Башировнинг «Номус» каби йирик кўп миллатли совет адабиётининг бир қанча намояндаларининг насрий асарларини Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи билан таққослайди. Ойбекнинг ўзига хос овозини, санъаткорлик сирини очишга интилади ва: «...бошқа миллат билан бирга яшаб, бирга меҳнат қилган рус кишисини ифодалашда Ойбек ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романида яхши усул қўллаган», дейди.

Мухтор Авезов қардош ўзбек диёри пойтахти Тошкентда ўтказилган турли адабий анжуманларда, йирик симпозиум ва конференцияларда, ёзувчиларнинг съезд ҳамда пленумларида фаол қатнашиб, ўзбек адабиёти ҳақида, унинг буюк вакиллари ижоди тўғрисида чин юракдан фахрланиб сўзлаган эди. Бинобарин, 1958 йили Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган «Тошкент руҳи» номли конференциясида Мухтор Авезов иштирок этади ва у Ўрта Осиё, Қозоғистон ижодкорлари номидан сўзга чиқиб, қардош ўзбек, қирғиз, туркман ва тожик адабиётининг қўлга киритган ютуқ ва зафарлари ҳақида кенг тўхталади. Жумладан, Ойбек асарлари ҳақида ҳам шундай дейди: «Ҳозир унинг Навоий ҳақидаги бутун Совет Иттифоқи бўйлаб кенг тарқалган романи ватанимиздан ташқаридаги жуда кўп дўстларимиз орасида ҳам шуҳрат қозониб, севиб ўқиладиган китоб бўлиб қолди. Мен Чехословакияда, Совет — Чехословакия дўстлигига бағишланган бир йиғилқида бўлган эдим. У ерда жуда кўп китобхонлар ўзбек халқининг ўтмиши билан танишиб олиш учун «Навоий» романини махсус такрор-такрор ўқиб, муҳокама қилишар экан».

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Мухтор Авезов ўзбек адабиёти ҳақида, унинг вакиллари ижоди тўғрисида фикр юритганда, уларни бошқа миллат ёзувчиларининг асарлари билан қиёслаб, солиштирган ҳолда ўз мулоҳазаларини, истакларини, шу билан бирга ҳамкасблари қўлга киритган ютуқ ва зафарларни алоҳида қайд этади. Бу олимнинг «СССР халқлар адабиётининг ривожланиши», «Алишер Навоий», «Ўрта Осиё адабиёти», «Ўрта Осиё халқларининг совет ёзувчилари», «Бизнинг дўстимиз, қардошимиз», «Абадий яшайдиган шоир — Шота Руставели», «Кавказ халқларининг адабиёти» каби илмий мақолаларида аниқ кўзга ташланади.

Ана шундай қардош халқлар адабиётининг, шу жумладан ўзбек адабиётининг энг яқин дўсти, катта билимдони Мухтор Авезовни Ўрта Осиё қалам соҳиблари ҳам ғоят ҳурмат қилиб, унинг асарларини севиб ўқийдилар. Унинг бетакрор талантига қойил қолиб, ўзларига устоз деб биладилар. Дарҳақиқат, ажойиб инсон, етук прозаик, моҳир драматург, катта олим ва таржимон Мухтор Авезов асарлари кириб бормаган уй қардошлар диёрида, ҳатто чет элда ҳам камдан-кам. Чунки, унинг «Абай йўли» монументал эпопеяси шу кунга қадар қирққа яқин тилга таржима этилиб, умумжаҳон адабиёти хазинасидан ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шунинг учун ҳам адибнинг мазкур эпопеясини француз тилида ўқиган француз танқидчиси Бержерон: «Авезовнинг овозидек овоз билан, Авезов куйлаган буюклик билан, ажойиб муҳаббат билан куйлаган бахтли халқнинг, ажабо, не армони бор экан», — деган эди.

Мана буларнинг ҳаммаси катта истеъдод соҳибининг умумжаҳон халқлари орасидан ўз китобхонларини топиб, йиллар ўтган сари интернационал хусусият кашф этаётганлигидан далолат беради. Зеро, буюк ёзувчининг таланти, ажойиб асарлари ҳақида, фазилатлари тўғрисида Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Асқад Мухтор, Миртемир, Пиримқул Қодиров каби ўзбек ижодкорлари ўз фикрларини ҳурмат билан билдирсалар, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир каби ҳассос шоирлар у ҳақида шеърий асарлар ҳам ёзиб, унинг сиймосини ўтли мисраларда яратганлар. Масалан, 1957 йили Мухтор Авезовнинг 60 йиллиги жамоатчилик томонидан кенг нишонланган бир пайтда Олмаотада ўтган тантанага ўз

(Боши 26-бетда)

малар ва ишқий-романтик достонлар шу вазнда яратилади. Бунга Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавийнинг Хусрав ва Ширин мавзуидаги достонлари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Саид Аҳмаднинг «Таашшуқнома» асарлари вазнлари ёркин далилдир. Демак, номалар асосан ишқий мазмунда бўлиши билан бир қаторда шу мазмундаги достонларга яқин туради. Нома муаллифлари мазкур мазмундаги достонлардан, бу достонларнинг муаллифлари эса ишқий номалардан яхши хабардор, бўлиб, ўзларини бир соҳанинг қаламкашлари, дардкашлари ҳисоблаганлар. Масалан, Амирий «Даҳнома»да кўпроқ Низомий достонидаги номачилик анъаналарига амал қилади. Унинг ишқий мактублари Хоразмий «Муҳаббатнома» сидаги каби фақат ошиқнинг номидан ёзилмайди. Маълумки, Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида Хусрав ўз севгилиси — Ширинга беш марта хат ёзади ва Ширин ҳам унга беш мактуб билан жавоб беради. Амирий достонида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Бу билан у ўзбек номачилик анъанасини бойитади. Достонда ошиқ номидан битилган мактублар қанчалик ҳароратли ва гўзал бўлса, маъшуқа номидан битилган мактублар ҳам аёлнинг нозик ҳис-туйғулари билан тўла, таъсирли, назокатлидир. Навоий эса, «Даҳнома»нинг айниқса шу томонларини синчиклаб ўқийди, ўрганади ва ўз ижодида Амирий номаларининг худди шундай хусусиятларини ўрни билан ривожлантиради. Низомий достонида Ширин ўз енгилтабиат севгилиси Хусравга жавоб ёзиб, ўз инсонийлиги, гўзаллиги билан фахрланиб, уни камситмасликни илтимос қилиб шундай дейди:

Янги ой кўрса ҳам девона бўлур.
Ақиқу лаъл эрнимдин олур ранг,
Кулушумдин олур зуҳра кўруб янг...
(Қутб таржимаси).

Амирий ҳам маъшуқа номидан ошиққа мурожаат қилиб, ўз қадр-қиммати ҳақида дейди:

Мен ул ойменки, кундур фурқатимда,
Куяр ичию йўл топмас қотимда.
Мен ул гулменки, бағрим йўлда қолмас,
Вале бир ел келибон элта олмас...
Йўқ андоқ гавҳара бекадру миқдор,
Ки ҳар муфлис анга бўлгай харидор...

Ғазалларда, одатда, маъшуқа ўз ошиғини йиғлатгани йиғлатган. Амирий маъшуқаси эса, ошиқни камситувчи, хор қилувчи, уни қон йиғлатишга аҳд қилган аёллардан эмас. У Низомий достонидаги Ширин сингари ўз ошиғини қадрловчи, унга интилувчи, оила қуришга бел боғлаган реал инсон, реал шахс. У ўз туйғуларини ошиғидан яширмайди. Ҳижронда ўртанаётган севгилисини эслаб дейди:

Сочимға бормудур ёғлиғ хаёли?
Нечукдур ул паришонликда ҳоли?
Қошимнинг ёсидин тортарму ғамни?
Кўрарму гўшаларда ул аламни?
Тегарму кирпукумдин жонина ўқ?
Балони туш кўрарму кўзи ё йўқ?..

У ўз ошиғига тасалли бериб, ўз поклиги, севгилисига вафодорлиги ҳақида ишонтириб сўйлайди, унинг барча азоб-уқубатларига шерик бўлишга ҳозир эканини айтади:

Агар сен анда кўрсанг ногаҳ озор,
Мен эшитиб бўлурмен мунда афгор.
Агар сен анда тўксанг ерга жола,
Мен олурмен кўзумдин мунда лола.
Агар сен анда бўлсанг ёшқа помол,
Мен ўзумдин борурмен мунда филҳол...

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод ва Ширин муносабатларини ёритар экан, Низомий ва Амирий номачилигининг худди шу томонларига алоҳида эътибор берди ва уларнинг анъаналарини давом эттирди, чуқурлаштирди. Биз Салосил қўрғонида ҳижрон қучоғида қийналиб яшаётган Фарҳодга вафодор Ширин томонидан ёзилган мактубни кўздан кечирар эканмиз, буни, Ширинниг ўзи, ўз севгилиси айтган гапларини ўқиб, ғоят таъсирланамиз. Ширин мактубида юқорида эслатиб ўтилган аёл мактубларига ҳамоҳанг ўнлаб самимий ва гўзал сатрлар мавжуд. Яъни бунда Навоий Ширини билан Амирий тасвирлаган маъшуқа гўё опа-сингилдай. Ширин Фарҳодга мурожаат этиб дейди:

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим?
Висолим давлатидин бенасибим?
Тикон кирса кафингға кинасидин,
Чиқорсам эрди кирпик игнасидин...
Агар жонингға қасд этса узун тун,
Сочим еткурса эрди анбарин тун.
Юзунгни олмасам эрди энгимдин,
Аритсам эрди ашкингни енгимдин...
Агар ҳажрингда юз йил ғуссакашмен,
Агар васлинг умиди бўлса хушмен...

Бу каби мисоллар Амирий — Навоий ижодий муносабатларига маълум бир аниқликлар кирита олади. Навоий ижодига Амирий услубининг таъсири номачиликдагина эмас, бошқа ўринларда ҳам учраб туради. Масалан, Амирий «Даҳнома»нинг кириш қисмида Бойсунқур Мирзо саройидаги илм ва санъат аҳллари шаънига қуйидаги мадҳияларни битган эди:

Эшиги зуфунунларнинг макони;
Замири барчанинг илм ошёни.
Кечиб оллида юз турлук дақойиқ,
Маориф бирла анвои ҳақойиқ.
Бири ҳайъат риёзидин териб гул,
Бири ҳикмат шифосидин бериб мул.
Бири Иқлидус ашколин ҳал этиб.
Бири кўк жадвалинда мадҳал этиб.
Бири фиқҳ ичида асраб мақомин,
Бири мантиқ сори элтиб қаломин.
Бири жуфри ҳуруф иқлимида Қоф,
Бири тарих майдонинда авсоф.
Бири ашъор баҳрида сув сочиб,
Бири адвор рудинда сўз очиб...

Навоий ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонида Маҳинбону саройидаги Ширинни қуршаган, фан ва санъатнинг турли соҳаларини мукаммал эгаллаган олима, шоира ва санъаткорларни худди шу йўсинда таърифлайди:

Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.
Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос.
Бири мантиқ русумида рақамкаш;
Бири ҳайъат рукумиға қаламкаш.
Бирининг шеваси илми ҳақойиқ.
Балоғатда бири айтиб дақойиқ.
Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.
Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб;
Муаммода бириси от чиқориб...

Низомий достонида ҳам Маҳинбону саройидаги илм ва санъат кишилари сони 10 та, «Даҳнома»да ҳам, Навоий достонида ҳам. Бироқ Низомий уларни кенг шарҳламайди. Навоий шарҳи эса Амирийникига яқиндир.

Амирийга яқинлик Навоийнинг бошқа достонларида ҳам йўқ эмас. Масалан, Навоий Абдураҳмон Жомийнинг XV асрда Низомий ва Хусрав Деҳлавийнинг достончилик анъаналарини қайта жонлантиргани, бу соҳадаги ўзининг ҳам хизматлари ҳақида «Садди Искандарий» достонида қуйидаги байтларни ёзган эди:

Булар чун одам сори кўчмиш эрди;
Дегил маснавий оти ўчмиш эрди.
Ҳамул боғ аро гул йўқу бўйи ҳам;
Қурумиш эди ул ариғ суйи ҳам.
Биҳамдиллаҳ, ул гул топиб рангу бў,
Бир оққан ариққа яна оқти су.

Бу ўринда «Бир оққан ариққа яна оқти сув» ибораси, умуман, халқ ибораси бўлиб, Навоийдан олдин «Даҳнома»да қуйидаги шаклда қўлланган эди:

Кўрунди кўзунга эл расму хўйи;
Яна оққан ариққа келди суйи.

Маълум бўладики, Навоий ўз салафларининг, шу жумладан Юсуф Амирийнинг асарларини ғоят синчиклаб ўқиган. Улардаги бирон янгилик, бирон ранг, бирон ибора унинг назаридан четда қолмаган. Бу эса, айни вақтда улуғ шоирнинг ўз салафларига катта ҳурмат ва муҳаббатини ҳам билдиради.

Айтиб ўтилганидек, Навоий ҳеч қайси ўринда Амирийнинг «Чоғир ва Банг мунозараси» асарини зикр этмайди. Лекин шу асар мисолида ҳам Навоийни Амирийга яқинлаштирадиган муҳим бир нуқта бор. Маълумки, Амирий бу асарида гиёҳвандлик ва ичкилик ичишни ниҳоятда қоралайди. Навоий эса, худди шу ғояни «Ҳайратул-аброр» достонида кескин илгари суради. Ўзбек адабиёти тарихида бангилик ва майхўрликни ҳеч ким Амирий ва Навоийдек ўткир қораламаган. Булар ҳаммаси Юсуф Амирийни Алишер Навоийнинг буюк салафларидан ва устозларидан бири деб аташга ҳуқуқ беради.

бекистондан Ғафур Ғулом, Ойбек ва Миртемир қатнашадилар. Шунда Ойбек ўзининг «Табрик» номли ажойиб шеърини ўқийди. Шоир унда улуғ қозоқ ёзувчисини ўзбек халқи номидан муборакбод этиб:

Мухтор оғой, дўстим, сенга саломим,
Қутлуғ бўлсин зўр байраминг,
ижодинг!
Олтмиш дафъа айланибсан қуёшдан,
Қуёш каби серҳосилдир ижодинг, —
деб мадҳ этади.

Дарҳақиқат, Мухтор Авезов ўзбек китобхонларининг ҳам севимли ёзувчисига айланиб қолган эди. Унинг 1949 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Абай» романи билан 40-йиллардаёқ ўзбек китобхонлари таниш эди. Чунки, 1946 йили Мирзакалон Исмоилий мазкур асардан «Татьянанинг сахродаги шеъри» номли парчасини ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек китобхонларига ҳавола этади. Шунингдек, адибнинг «Абай йўли» номли монументал эпопеясининг тўрт китоби 50—60-йилларда Зумрад таржимасида ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланади. Аллома ижодкорнинг «Ўқимишли йигит», «Бургутли овчи», «Чаёнлик Керимқул чечан» каби серзавқ ҳикоялари, «Қараш — Қараш воқеаси» повести ҳамда ажойиб «Кўкёл» асари ҳам ўзбек китобхонлари томонидан қизғин кутиб олингандир.

Ана шундай кенг китобхонлар томонидан ардоқланган буюк адиб Мухтор Авезов 1961 йили оламдан ўтди. Бу жудолик қозоқ халқинигина эмас, қардош халқларни, ҳамма китобхонларни ҳам оғир қайғуга солди. Масалан, ўзбек совет шоири Миртемирнинг «Мухтор оға мотамида» шеъри бутун ўзбек халқининг мотамдай жаранглади:

Иигла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк,
Айрилдинг карвонинг бошида нордан.
Не нор, юксак учган тенгсиз шунқордан,
Тобути ёнида нор сингари чўк,
Айрилдинг Мухтордан...

Элининг алп ўғли, алп қозоқ ўғли,
Кўз юмди мангулик... оқ, ҳей кўз ёшим,
Оқаргин эй бевақт оқарган бошим.
Сеҳргар меҳнатнинг чўнг, уйғоқ ўғли,
Ҳам қандоқ ўғли!

Тўғри, ижодкор оламдан ўтди. Аммо, у ўзи яратган монументал асарлари билан кенг китобхонлар орасида абадий яшайди. Бинобарин, ҳозирги кунда Олмаота шаҳрида Мухтор Авезовнинг адабий-мемориал музейи мавжуд.

Унинг номи билан аталадиган мактаблар қардош ўзбек, қирғиз, туркман, тожик ва қорақалпоқ диёрларида ҳам анча. Шунингдек, Қозоғистон Фанлар академияси қошидаги Адабиёт ва санъат институти ва Қозоғистон Давлат академик драма театри ҳам адиб номи билан аталади.

Умуман айтганда, Қозоғистонда абайшунослик фанининг асосини яратган, қозоқ совет драматургиясининг асосчиси, Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти ҳамда СССР Давлат мукофоти лауреати, катта қалам соҳиби, ажойиб адабиётшунос олим ва йирик жамоат арбоби — Мухтор Умархон ўғли Авезовнинг номи йиллар ўтган сари абадийлашиб, донг тараттиб боради. У доимо барҳаёт, қалбларга олам-олам завқ бахш этадиган ўлмас аллома ижодкорлардандир.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
филология фанлари кандидати,
доцент

ЯНГИ ДАВР ЖАРЧИСИ



Буюк публицист, репортаж жанрининг моҳир устаси, шоир, ёзувчи, сиёсий арбоб Жон Рид ниҳоятда қисқа умр кечирди, бироқ даврнинг ўтли нафаси билан яшади, курашлар завқи билан тўлиб тошди, инқилобий воқеаларнинг шоҳиди ва иштирокчисига айланди. 1919 йилнинг 19 мартида Америка Қўшма Штатларида китоб ҳолида чоп этилган «Дунёни титратган ўн кун» асари тарихда батамом янги давр бошланганлиги — Россияда социалистик революция ғалаба қозонганлиги ҳақидаги буюк ҳақиқатдан бутун инсониятни огоҳ этди.

Жон Рид Америка Қўшма Штатларида таваллуд топди, Гарвард университетини тамомлади. Унга мамлакатдаги бошқа журналистларга нисбатан кўпроқ ҳақ тўлашар, истиқболда юқори лавозимларни башорат қилишарди. Бироқ у мансаб курсиларини қатъиян рад этди, бутун истеъдоди ва қобилиятини ишчилар, деҳқонлар ишига сафарбар деб билди.

Рид Нью-Йоркнинг камбағаллар ва қашшоқлар истиқомат қиладиган хилват кўчаларини деярли кезиб чиқади, адолат истаб исён кўтарган меҳнат кишилари билан бирга турманинг зах хоналарида яшайди, озодлик ва мустақиллик йўлида қўзғолон кўтарган Мексика деҳқонлари билан гулҳанлар атрофида тунайди, биринчи жаҳон уруши йилларида ҳолдан тойган Европа мамлакатларида бўлади, инсоният тарихида илк бор рўёбга чиққан ишчи-деҳқонлар давлатини ўз кўзи билан кўради, пролетариат доҳийси В. И. Ленин билан суҳбатлашади, америка ишчилари иштирокида ўтган митинглар ва йиғилишларда Россия ҳақидаги, Октябрь ҳақидаги ҳақиқатни сўзлаб беради... Ҳамиша олдинги сафда, синфий кураш энг қизғин тус олган жойларда бўлиш унинг ҳаёт тарзи эди.

Тақдир Ридни қаерга ташламасин, ҳамма ерда — АҚШ, Мексика, Испания, Франция, Болгария, Сербия, Россияда у ҳамиша оддий меҳнаткаш қалбига йўл топади, уларнинг орзу-ўйлари, эртанги кунга ишончи, шу йўлдаги курашлари завқи билан яшайди, зеро, у жаҳоннинг истиқболи миллионлаб оддий кишилар қўлида эканлигини чинакамига юракдан ҳис этган эди.

Жон Рид Россияга — Москва ва Петроградга 1915 йили келган эди. 1917 йилнинг сентябрида у яна Петроградга келади. Шаҳарда революция шабадаси эса бошлаган эди. Рид рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини бутун вужуди билан англашга интилади. У ҳамма ерда бўлишга улгуради: «бўрон маркази» — Смольнийда, Қишки саройда, Петропавловск қалъасида, Керенскийга қарши курашаётган жангчилар даврасида бўлади, Советларнинг II съездида иштирок этади, Ленинни тинглайди, делегатлар билан бирликда «Байналминал»ни куйлайди. Ҳамма нарсани кўриш ва билишни истаган журналист бетиним ишларди ҳам. У океан ортига туркум-туркум очерклар жўнатади, «Қизил Россия» деб аталган очеркларнинг руҳи революция бунёдкорларининг руҳи билан пайваста эди.

Нью-Йорк портига қадам қўйиши биланоқ Ридни миршаблар қўлга оладилар, тарихнинг ўчмас саҳифалари муҳрланган ён дафтарлари, революцияга оид фотография ва ҳужжатларни тортиб оладилар. Бироқ унинг иродаси ва шижоатини қайириш, дўқ-пўписа билан қўрқитиш ҳали ҳеч бир кимсага насиб қилмаган эди. Жарима ва қамоқлар, «Америкага қарши фаолияти учун» кўп марта суд жавобгарлигига тортилиш ҳам унинг метин иродасини бука олмаган эди. У мамлакат бўйлаб ўнлаб сафарлари чоғида АҚШнинг Совет Россиясига қарши интервенциясини қатъиян қоралайди, ишчилар йиғилишларида оташин нутқлар сўзлайди. Ниҳоят, Рид ўзининг Октябрь ҳақидаги буюк китобини — «Дунёни титратган ўн кун» асарини ёзиб тугаллайди. Китоб Москвада 1923 йили В. И. Ленинниг сўзбошиси билан нашр этилади. «...Мен бу китобни бутун дунё мамлакатлари ишчиларига чин дилдан тавсия қиламан», деб ёзган эди Владимир Ильич.

Жон Рид Америка Коммунистик ишчи партиясининг ташкилотчиларидан бири, Коминтерн Ижроия комитетининг аъзоси сифатида йирик сиёсий ишларни амалга оширди. 1919 йилда у яна Москвага келди. Янги ҳаёт куртакларини кузатиш иштиёқида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини тинимсиз кезди. Советлар диёридаги буюк ўзгаришлар ҳақида яна бир янги китоб ёзишга аҳд қилган эди у. Бироқ бу ниятлари рўёбга чиқмади. Рид тиф билан касалланиб, 1920 йилнинг 17 октябрида 33 ёшида вафот этди. Уни революция солдати сифатида Кремль деворига дафн этдилар. Америкалик коммунист, янги даврнинг буюк жарчиси Жон Рид миннатдор авлодлар қалбида ҳамиша яшайверади.

Баҳодир АМИНОВ

ТОШКЕНТЛИК ЧЕМПИОН

Тўққиз-ўн ёшли тенгқурлари орасида кўча командаларида ўйнаб, «тажриба» орттирган Миржалол ҳар оқшом отаси ишдан қайтгач: «Мени футбол мактабига олиб боринг», деб ҳоли-жонига қўймасди. Қўшоқ ака ўғлининг бу иштиёқини ўткинчи деб ўйлар, гарчанд, футбол учрашувларини мароқ билан томоша қилса-да, келажакда фарзандининг моҳир футболчи бўлиб етишишига ишонмасди. Лекин бир куни таваккал қилиб Миржалолни республика футбол маҳорати мактабига етаклаб борди. Юрий Михайлович Госпадарчук ёш Миржалолни синаб кўрди: унинг тўп билан муомаласи, финтларини кўргач, группага қабул қилди. Орадан бир йил ўтгач, ўн ёшли Миржалол мактаб терма командаси составида шаҳар ва область биринчиликларида қатнаша бошлади. 13 ёшида республика болалар терма командаси составида бошқа республикаларга бора бошлади. Онаси Рихсихон ягона ўғлининг шаҳарма-шаҳар кезишига қаршилик қиларди, лекин Қўшоқ ака уни юпатарди.

1985 йилда тенгқурлари ўртасида ажралиб турган Миржалол Қосимовни СССР терма командасига таклиф қилишди. Энди у футбол сирларини мукаммал ўзлаштириб олганди. Совет спорти довруғини оширишда ўз ҳиссасини қўшди.

1987 йил июнь ва июль ойларида ўсмирлар ўртасида Франция ва Канадада 2 та йирик мусобақа бўлиб ўтди. Бунинг биринчиси Европа чемпионати, иккинчиси биринчи расмий жаҳон чемпионатидир. Миржалол Қосимов СССР терма командаси сафида ҳар иккала мусобақада фаол иштирок этди.

Парижда бўлган қитъа биринчилигида совет футболчилари финалда Италия терма командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйиб, иккинчи мукофотли ўринни эгаллашди. Уч ҳафта давомида Канадада бўлган жаҳон биринчилигида эса бош совринни қўлга киритдилар.

— Ўзбекистон спорти тарихида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони унвонига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай ютуққа қандай қилиб эришдингиз? — деб сўраймиз чемпиондан.

— Футболни жони-дилимдан севаман, — дейди ийманиб Миржалол. — Менинг шу даражага етишимда устозим Юрий Михайлович Госпадарчукнинг хизматлари ниҳоятда кўп.

Камгап бу ўспирин жаҳон чемпионатидан Москвага қайтиб келганида марказий газета ва журналлар мухбирлари билан бўлган суҳбатда: «Менга интервью беришдан кўра футбол ўйнаш осонроқ», деган эди.

— Лекин шу йилнинг июнь ва июль ойлари ҳаётимда унутилмас бўлиб қолса керак, — сўзини давом эттирди Миржалол. — Европа ва Жаҳон биринчилигида қатнашиб, кумуш ва олтин медалларга муяссар бўлиш қувончли, албатта.

М. Қосимов Канадада ўтган ўсмирлар дастлабки расмий жаҳон биринчилиги мусобақалари ҳақида қисқача сўзлаб берди. Бу ерда 16 команда дастлаб тўрт группага бўлиниб, мусобақалашди. Футбол шинавандаларига терма командамизнинг саралаш ва финалдаги ўйинлари натижаларини эслатиб ўтамиз:

СССР — Нигерия — 1:1, СССР — Мексика — 7:0, СССР — Боливия — 4:2. Олти имкониятдан беш очко тўплаган совет спортчилари чорак финалда Франция командасини 3:2 ҳисобида, ярим финалда Кот д'Ивуар футболчиларини 5:1 ва ниҳоят финалда Нигерия командасини 4:2 (асосий ва қўшимча вақтда ҳисоб 1:1 бўлган) ҳисобида енгиб, чемпионлик унвонига муяссар бўлди.

Футболчилар Канададан Москвага қайтиб келишганда, СССР физкультура ва спорт комитетида қабулда бўлдилар. Ўйинчиларнинг ҳаммасига «СССР спорт мастери» нишонлари топширилди. Мамлакат терма командаси тренери А. Пискарев эса «Советс-



Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ТЎТИҚУШ БИЛАН БУЛБУЛ

Баҳсу тортишувсиз бўлмагай масал,
Наинки, шунақа ҳаёт аслида.
Инчунун, гуллаган баҳор фаслида
Тўтиқуш Булбулни кўриб бир маҳал —
Деди: «Э, сенмисан, мақталган куйчи?
Довруғинг тилларда достон-а, достон.
Шундайин овозни берган ул осмон
Ато этмабди-да ҳусндан пичи?
Ачиндим, ҳамкасб, ночор турқингга».
Булбул бир оғиз сўз демасдан унга
Учиб кетди гулзор томонга аста;
Ажиб навосига ҳамма ҳавасда.
Тўтиқуш минг рангда турлансин, бекор,
Бировнинг сўзларин қиларди такрор,
Қанчалик ўзига зеб берсин, бироқ,
Ўзгалар қўлида эрмак, ўйинчоқ,
(Лақаби ҳам бежиз эмас-да «аҳмоқ»).
Бундай Тўтилардан тоқат бўлди тоқ!

ҚАЛАМ БИЛАН ҚАЛАМТАРОШ

«Дўстсиз дунё бебақодир», — дедию Қалам
Дўст тутинди аз таҳи дил Қаламтарош-ла.
Қўл олишди, аҳду вафо бўлди мустаҳкам,
Мана Қалам ўз азалий юмушин бошлар.
Қитир-қитир ғимирларди қоғоз устида,
Тиним билмас, ўз ишини севарди жуда.
(Қалам билан ёзиларди катта бир достон,
Эмас бу — осон).
Бир кун ногоҳ тўхтаб қолди юришидан у,
Ҳар қанчаки уринмасин — ёзилмасди хат.
Ишлаб туриб — ишдан чиқиш — ахир, даҳшат-ку,
Ҳар томонга ўзин урар Қалам бетоқат.
Шунда бирдан Қаламтарош келди кўмакка:
«Ҳеч қиси йўқ, бир зумгина сабр қил, ўртоқ,
Бўлибсан тўмтоқ», —
Деб бошлади у Қаламни тарашламакка.
Зум ўтмасдан ўткирланди Қаламнинг учи.

Мана сизга чин дўстликнинг фойдаси, кучи!

ҲАНГОМАЛАР

Постда турган милиционерга бир киши арз қилди:

— Ердам беринг, қўлимдаги олтин соатимни анави муюлишда ўғри ечиб олди.

— Нега ёрдам сўраб бақирмадингиз?

— Оғзимни очишга қўрқдим, нима, оғзимдаги олтин тишларимни ҳам суғуриб олсинми?

* * *

— Сувга ахлат ташлаб ифлос қилишяпти. Микробли сувни ичган киши касал бўлади, — деди врач.

Ҳамсуҳбати бош чайқади:

— Унақа сувда микроб ўзи ўлиб қолса керак?

* * *

Бир киши оғайнисига ҳасрат қилди:

— Пойафзал магазинидан ботинка олган эдим, ичига қарасам, бигиздай мих қаққайиб турибди. Ҳайрон бўлиб, иккинчи пойига қарасам, унда ҳам узун мих... Ботинкани сотувчига кўрсатсам, эътиборсиз елка қисди-да:

— Берганларини сотамиз-да. Бу — пойафзал фабрикасининг «иши», ана тамғаси ҳам ёзиғлиқ турибди. Мен нима қила олардим? — деди.

— Сизга адашиб альпинистларнинг ботинкасини сотишгандир? — деди кулиб ҳамроҳи.

* * *

Студент йигит ота-онасига хат ёзди:

«Ҳурматли ва меҳрибон ота-онажонларим, анча вақтлардан буён сизлардан бирон хабар эшитганим йўқ. Менга юз сўм пул юборсангизлар соғ, саломат ва қийналмай яшаётганингизни билиб, ғоят қувонардим.

Ўғлингиз Эркатилло».

Тўпловчи: Турғунбой ҒОИПОВ

ЛАТИФА

Циркда шилқимлик қилиб, ҳамманинг жиғига тегаётган бир ширакайф йигит ўйин тушаётган филларга кўзи тушиб, чапак чалди:

— Қойил-е, муштдай одам тоғдай филларни ўйнатаяпти!

Унинг қилиғига ғаши келиб ўтирган Афанди оҳиста шивирлади:

— Унга ажабланмасангиз ҳам бўлади, йигит: чимчалоқдай ароқ сизни маймун қилиб ўйнатяпти-ку!

И. АБДУЛЛА

«ФОЙДАЛИ»

Дорихона бошлиғи ҳузурига ишдан кетиш ҳақида ариза берган Ғиёс кириб келади. Корхона бошлиғи Боситхон ташвиш ва таажжубда.

БОСИТХОН. Келинг, Ғиёсхон ака, келинг.

ҒИЕС. Мен кўп ўйладим, кўп мулоҳаза қилдим.

БОСИТХОН. Ҳа, энди сиз ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган одамсиз, шундай бўлгандан кейин...

ҒИЕС. Ўйлаб кўрсам, анча ақлли иш қилибман. Корхона учун, одамлар учун, бирга ишлайдиган биродарлар учун, қолаверса, раҳбар сифатида сиз учун ҳам. Сизни кўп вақтингиз менга кетар эди. Менинг масалам билан, ёзган юмалоқ хатларим билан шуғулланар эдингиз.

БОСИТХОН. Энди ўтган ишга салавот, Ғиёс ака, ҳамма нарсанинг мана шундай яхшилик билан тугагани яхши. Нима бўлган бўлса бўлиб ўтди. Ҳаммаси орқада қолди. Ариза бериб, тинчгина ишдан кетганингиз жуда олижаноблик бўлди, Ғиёс ака.

ҒИЕС. Албатта-да! Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, энди менинг ёзган хатларим билан эмас, бевосита ўз вазифангиз билан шуғулланасиз, тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри, тўғри...

ҒИЕС. Шундай бўлгандан кейин, корхона аста-секин қолоқликдан чиқиб, илғорлар сафига ўтади, раҳбар сифатида обрў-эътиборингиз ҳам ортади, тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри, тўғри...

ҒИЕС. Бу менинг ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссам деган сўз. Ишлаб чиқаришга ҳисса қўшган одамни нима қилишади?! Мукофотлашади! Менга кўп эмас, 200 сўм мукофот пули ёзиб берасиз. Фикрим тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри-ку, лекин, фондимизда... Майли, майли бўпти, тўғрилаб берамиз.

ҒИЕС. Бу иш ҳам бўлди, деб ҳисоблаймиз. Хабарингиз бор, мен туфайли қанча одам ишдан кетди. Ўтган йили келган комиссия корхонада кадрлар қўнимсизлиги бор, деб сизни қаттиқ огоҳлантириб кетди. Мана энди кадрлар қўнимсизлигига ҳам чек қўйилади. Бу ҳам корхонанинг, қолаверса, сизнинг ютуғингиз, тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри, тўғри...

ҒИЕС. Бу деган сўз корхонанинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ошди, деган сўз. Фикрим тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри, тўғри...

ҒИЕС. Шундай экан, корхонага ишчиларнинг отпуска пайтларида дам олиш уйлари ва санаторийларга кўплаб путёвкалар берилади. Тўғрими?

БОСИТХОН. Тўғри, тўғри...

ҒИЕС. Демак, бу ишда менинг ҳиссам кам эмас. Ҳиссам бўлгандан кейин, марказий санаторийлардан бирига профсоюз йўли билан бепул путёвка тўғрилаб берасиз. Маъқулми?

БОСИТХОН. Энди... Ғиёс

кий спорт» газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда футболчиларга баҳо берар экан, Миржалол Қосимов ҳақида алоҳида тўхталиб шундай деди:

— Миржалол Қосимов изланувчан футболчи, у барча ўйинларни моҳирлик билан бошқариб борди ва ажралиб турди.

Етук мутахассиснинг бундай баҳосини олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Лекин Миржалол бундан мағрурланмайди.

— Чемпион бўлсам ҳам ҳали футболнинг нозик қирраларини тўла ўзлаштириб ололганимча йўқ. Келажакда моҳир футболчи бўлиш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини яхши тушунаман, — деди у.

— Келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— «Пахтакор» командаси сафида ўйнаб, кўп сонли мухлисларни мамнун эта олсам, хурсанд бўламан.

— Умидларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

— Раҳмат!

Ш. УМУРЗОҚОВ

ака... Бу путёвка масаласи...

ҒИЕС. Гапим маъқулми, деб сўраяпман сиздан?!

БОСИТХОН. Маъқул, маъқул... бир иложини қиламиз.

ҒИЕС. Бу ишни ҳам ҳал бўлди, деб ҳисоблаймиз. Хабарингиз бор, корхона ходимларига ажратилган енгил машиналарни икки йилдан буён эгалари ололмай сарсон бўлиб юришибди. Ким туфайли? Албатта, мен туфайли. Мана энди бу нарсага чек қўйилди. Бу ишда ҳам ҳиссам борми?! Бор! Шундай экан, битта машинани корхона ҳисобидан бизнинг ўғилга ажратасиз. Келишдикми?

БОСИТХОН. Унисига «маъқул», бунисига «келишдик» десам... Бу, ахир...

ҒИЕС. Оғринманг, оғринманг, корхонага келтираётган фойдамни, сизга осойишта ишлаш учун имкон бераётганимни ўйланг!

БОСИТХОН. Бўлди, бўлди, менга ажратилган енгил машинани сизга бераман.

ҒИЕС. «Волга» бўлса, яхши бўларди-да.

БОСИТХОН. Нима?

ҒИЕС. «Волга», «Волга». Сиз ҳаракат қилсангиз, министрлик орқали тўғрилайсиз. Мен учун-у, қолаверса, ўзингиз учун, тинчлигингиз ва осойишталигингиз учун. Тўғрими гапим?!

БОСИТХОН (ўзини аранг тутиб). Тўғрими, нотўғрими, айтинг, яна қандай талабларингиз бор?

ҒИЕС. Нима, сиз менга аччиқ қилаяпсизми? Яхшилаб ўйлаб кўринг, ука, алғов-далғов қилиб юрган корхонамни ташлаб кетаяпман. Менинг кетишим туфайли корхонадаги муҳит тозаланаяпти, жаҳлимни чиқарсангиз, аризамни қайтариб оламан, ана унда муҳитни соғломлаштиришга ўзингиз зомин бўласиз.

(Шу пайт хонага маҳаллий комитет вакили ва 2—3 та одам кириб келади.)

1-КИШИ. Боситхон ака, йўқ деманг, нима десалар хўп денг!

2-КИШИ. Менинг путёвкамни шу кишига беринг!

3-КИШИ. Менга ёрдам керак эмас, шу кишига бера қолинглар!

4-КИШИ. Менга ажратилган квартирани ҳам беринг шу кишига! Фақат кетсин, қораси кўринмасин корхонамизда!

ҒИЕС. Энди яна битта иш қолди. Корхонага келтирган фойдам ҳақида мени мақтаб газетага битта мақола ёзасизлар!

БОСИТХОН. Нима?!

1-КИШИ. Газетага?

2-КИШИ. Мақтаб-а?

3-КИШИ. Ким ёзади?

4-КИШИ. Сизни-я?

БОСИТХОН. Майли, майли, ёзинглар, бўлмаса, бу одам устимиздан яна ёзади.

ҒИЕС. Биз ана шунақа, фойдали одаммиз.

Элбек МУСАЕВ

МЕНИНГ ЎРНИМДА ИШЛАБ КЎРИНГ-ЧИ!

А. МАТЮШКИН—ГЕРКЕ

Бир куни рафиқам магазиндан картошка олиб келсангиз, деб илтимос қилди. «Хотинжон, жоним билан», дедим-да, сабзавот магазинига бориб, қоғоз халтачалардаги картошкаларни кўздан кечира бошладим. Эсиз меҳнат, эсиз. Картошкалар ириб кетган, баъзилари эса нок қоқига ўхшаб буришиб қолган эди. Сотувчини чақириб, бунинг боисини сўраган эдим, у ўтдай ловуллаб кетди:

— Бу картошкани мен эккан эмасман, бу ерга нима олиб келишса, шуни сотаман. Узоқдан тик оёқда туриб, одамлардан таъна эшитиш осон деб ўйлайсизми? Қани, менинг ўрнимда бир кун ишлаб кўринг-чи!..

— Ишласак ишлабмиз-да, — дедим-да, сотувчининг ўрнини эгалладим. Бирор соат вақт ўтар-ўтмас дод деб, директорнинг олдига кирдим.

— Бу қанақаси, ахир? Менга қандай картошка олиб келдинглар? Уни қандай қилиб сотаман. Бирор харидор картошка билан бошимга уриб, ғурра қилса, нима дейман? — дедим.

Директор ошқовоққа гапираётгандек дона-дона қилиб деди:

— Менга ўргатишга ёшлик қиласан ҳали. Шуни миянгга михлаб олгинки, бу ерда мен директорман. Сен эса бор-йўғи сотувчисан. Сотувчи бўлганда ҳам кичик сотувчисан. Билиб қўй, бу картошкани мен олиб келган эмасман, шофёр-экспедитор келтирган. Шундай ярамас молни қабул қилиб олиш менга осон бўлди, деб ўйлайсанми? Қани, менинг ўрнимда бир кун ишлаб кўрчи!..

— Хўп бўлади, — дедим-да, директорнинг ўрнини эгалладим. Бир оздан кейин шофёрга бақирдим. — Ҳой, аравакаш, шунақа ҳам мол олиб келасанми? Ахир, бу ер чўчқа фермаси эмас, магазин-ку...

Шофёр тиржайди-да:

— Ия, сен мени сабзавот базасининг директори деб ўйлаётганга ўхшайсан. Ахир, мен нима берса, шуни олиб келаман-да. Қани, менинг ўрнимда бир кун ишлаб кўр-чи!.. — деди.

«Майли», дедим-да, шофёрлик қила бошладим. Зум ўтмай база директорининг олдига кирдим:

— Мен кичкина одамман, лекин бундай бемазагарчиликка тоқат қила олмайман. Базамизда нималар бўлаётганини кўраяпсизми? — дедим.

У гапимни эшитиб, патинжондай кўкариб кетди:

— Агар ҳар бир шофёр менга ақл ўргатаверадиган бўлса, бу ер база эмас, баҳсхонага айланиб кетади. Бир ўзим ҳамма нарсага кўз-қулоқ бўлиб туришим осон деб ўйлайсанми? Осон десанг, менинг ўрнимда ишлаб кўр!..

Унга ҳам рози бўлдим. Эндигина сабзавот сақланадиган омборни кўздан кечирмоқчи бўлиб турган эдим, котиба кириб:

— Иван Иванович, сизни қандайдир журналист сўраяпти, — деб қолди. «Шуниси етишмай турувди, энди», деб хаёлимдан ўтказаётган эдим, журналист худди шамолдай кабинетга кириб олди.

— Мен, — деди у, — топшириқ билан келдим. Сиз тўғрингизда, бутун шаҳримизни қандай қилиб сабзавот билан таъминлаётганингиз тўғрисида очерк ёзишим керак.

— Азизгинам, менинг ҳақимда очерк эмас, фельетон ёзиш керак. Агар очерк бўлса, унда фақат суд залидан ёзишингиз мумкин, — дедим.

Журналист эса бошини ликиллатиб:

— Газетамизда фельетонлар бўйича планимиз бажарилган. Очерклар бўйича анча орқада қолганмиз. Агар мен очерк ёзмай борсам, редакторимиз мени қийма машинадан ўтказади. Сиз, журналистлар енгил ҳаёт кечиради, деб ўйласангиз керак-да? Қани, менинг ўрнимда бир ишлаб кўринг-чи!.. — деди.

Ҳар ким ўз ўрнида туриб ўзига топширилган ишни дўндириб бажариши кераклигини аллақачон тушунган бўлсам ҳам, унинг ўрнига ўтдим.

Мана, ҳозир мен столга қадалиб ўтириб, шу ҳикояни ёзаяпман. Менга ишонасизми, йўқми, билмадим, лекин мен чин ҳақиқатни ёзаяпман. Агар сизга ёқмаса, унда мен сира айбдор эмасман. Ҳажвия ёзиш шунчаки қоғоз устида қалам юргизиш деб ўйлайсизми? Қани, менинг ўрнимда ўтириб, ёзиб кўринг-чи!..

М. МУРОДОВ таржимаси

ТАШИМАЧИ

Ишинг ўхшар тулкига,
Кўз тикиб эл мулкига,
Қолдирасан кулгига,
Кўп ҳаддингдан ошма-чи!..

Қўлтиқлаб вино, ароқ,
Тагчарм, кўйлак, пайпоқ...
Бир кун аҳволинг чатоқ,
Қўлга тушдинг, шошма-чи!

Қитмирликдир шиоринг,
Борми ҳеч номус-оринг,
Юз ўгирар дўст-ёринг,
Эл қаҳридан қочма-чи!

Ҳушёрлар сафи ўсар,
Улар йўлингни тўсар.
Етар бўлганинг ўсал,
Кўпик бўлиб тошма-чи!

Ез ёмғири лой бўлмас,
Ўғри асло бой бўлмас.
Сендек «эркатой» бўлмас,
Ҳажв дафтарим очма-чи!

Корхона шаънига доғ —
Туширма энди мутлоқ,
Дили покнинг — йўли пок,
Бўлма боз ташимачи!

Ғулом СОЛИЕВ
Бешариқ

Ҳақир-Фақир

«Тошбақага калтак таъсир қилмаганидек, здачи қайтармайдиган баъзи такси шофёрларига ҳам танқид кор қилмаётир».

(Йўловчининг шикояти)

«Ернинг остидан бўлса ҳам топиб кел деб, порага ишора қилган эди, уйига бир машина тошкўмир элтиб ташладим».

(Ошпазнинг тушунтириш хатидан)

ТАШВИШ

— Ўртоқжон, шу, янги йилдан жудаям ташвишим катта-да, — куюниб деди Зайнаб дугонасига.

— Ҳа, тинчликми?

— Эрим янги йилдан касбини ўзгартириб, шоир бўлмоқчи.

— Айтмоқчи, эринг аввал нима иш қиларди?

— Ошпаз бўлиб ишларди.

— Хўш, нега ташвишланасан. Қайтага, ошпаз бўлиб ишлаганидан, шоирлик қилгани яхши эмасми?

— Шундай-ку-я, лекин эрим хом-хатала, бемаза овқат пишираверіб ўрганиб қолган-да.

ЭНГ МУҲИМИ...

— Ҳай, дадаси, нега арчанинг ўйинчоқларини олиб ташлаётибсиз, ҳали янги йил киргани йўқку?

— Янги йилнинг кириш-кирмаслиги билан неча пуллик ишим бор, ҳозир ундан ҳам муҳимроғи чиқиб қолди.

— Нима гап, тинчликми?

— Бошлиғимиз янги йилни бизникида кутмоқчи эмиш. Шунга арча ўтинида тандир кабоб тайёрлашимни буюрдилар.

Нормамат ТОҒАЕВ

СОХТА НОМУС

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

Соя-салқин боғ тўридаги кафеда икки киши гаплашиб ўтирибди. Улардан бири — шу кафенинг мудири, иккинчиси унинг яқин ошнаси.

— Мана, кўрдингизми? — деди мудир. — Қарашиб тургин, десам, қизим бурнини жийирдида, кетди-ворди! Номус қилар эмиш. Ахир, ҳозир ёзги таътил пайти, қиладиган иши йўқ. Мана шу кафеда ишлаб, уни боқдим, катта қилдим, институтга кирди. Кафеда менга қарашиб туришга номус қилармиш. Бунинг нимаси номус? Йўқ, бу сохта номус!

— Гапингиз жуда тўғри, — деди суҳбатдоши. — Яқинда мана шундай сохта номус туфайли бир одам роса балога қолди. Мана, эшитинг, — деди-да, бўлган воқеани гапириб берди.

— Бир студентнинг отаси қишлоқдаги магазинда қоровуллик қиларди. Маълумки, ишнинг «оқ», «қора»си бўлмайди. Умуман, бизда ҳамма меҳнат ҳам фахрли саналади-ку. Барча баҳоли қудрат жамият фойдасига меҳнат қилади. Маяковскийдек буюк шоир: зарур бўлиб қолса, инқилоб учун сув ташувчилик ҳам қилаверараман, деган. Бунинг замири жуда чуқур. Афсуски, бунга ҳамма ҳам амал қилавермайди.

Бир куни ўша қоровулнинг қўшни қишлоқдаги қариндоши вафот этибди. Ота ўғлини чақириб, ўз ўрнига қўйиб кетибди. Энди, сохта номусни қарангки, ўғли типирчилаб, худди игнанинг устида ўтиргандек эмиш-да! Бир вақт кўчадан бир тўда қизлар ўтиб қолган экан, унинг юраги орқага тортиб кетибди. «Борди-ю, шулар ичида менинг севган қизим ҳам бўлса, нима қиламан?» деб капалаги учиб кетибди.

Хайрият, улар ичида йигитга кўнгил берган қиз йўқ экан. Лекин, барибир: «Қизлар бориб айтишади, қоровуллик қилиб ўтирганимни», деб хижолат бўлаверибди. Охири ташқарига чиқиб: «Ҳой, халойиқ, мен қовунполиздаги қўриқчи эмасман, қаерга хоҳласам кетаверараман», деб бақирибди. Кейин ўзини босиб олиб, бундай қараса, не кўз билан кўрсинки, ёнида ўша яхши кўрган қизи турган эмиш! Қиз йигитга қўл узатиб: «Эркин қуш бўлсангиз, юринг, кинога кетдик!» дермиш.

Қиз билан йигит автобусга тушиб, район марказига кинога жўнаб кетишибди.

Студентнинг отаси жанозадан қайтиб келганда икки хуфтон бўлган экан. Узоқдан қараса, магазин эшиги ланг очиқ эмиш. Халойиқ тўпланибди. Бўпти шовқин, бўпти тўполон. Отанинг ўғлидан эса дарак йўқ эмиш...

Ана, сизга сохта номус! Ахир, ота ўғлини шу тирикчилик билан боққан-ку, одам қилган-ку! Ўғил эса зарур вақтда асқотмаган!

Суҳбатдоши: «Тўғри айтасиз», деб хўрсиниб қўйди.

Мадамин ДАВРОН

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкентда «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги байрами кунлари «Шарқнинг озод аёли» скульптура монументи очилди. Ансамбль марказида ўзбек аёлининг улуғвор ҳайкали қад кўтарган. Ҳуррият офтобидан нур олган чеҳрасида болқиш. Бир қўлида китоб, иккинчи қўлини юқорига кўтариб, дугоналарини зиё, билим, бахт-саодатга даъват этаётир... Ансамбль марказига олиб борадиган кенг зинанинг икки томонидаги ҳайкаллар, бўртма тасвирлар ҳам «Ҳужум» ҳаракати тарихини бадиий жонлантиради.

(1-бетдаги «Улуғ Октябрь берган бахт» мақоласига қаранг).

Бронза ва гранитдан ишланган бу ансамблни ҳайкалтарошлар Л. Г. Рябцев, В. А. Лунев, архитекторлар Ф. М. Ашрафий, Я. А. Афанасьев ва қурувчи-инженер Н. И. Зисман ҳамкорликда яратдилар.


В. Мосин, А. Жумаев фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси 41.



КРОССВОРД

1. Жанубий Осиёдаги давлат. 2. Бир турдаги савдо ёки саноат корхоналари бирлашмаси. 3. Моҳир тиқувчи. 4. Улуғ рус кимёгар олими. 5. От-улов анжоми. 6. Грузиядаги шаҳар. 7. Тарвақайлаб ўсувчи дарахт. 8. Халқ достонларини куйловчи шоир, оқин. 9. Ер остидан чиқадиган сув манбаи. 10. Даволаш муассасаси. 11. Тишнинг қаттиқ ялтироқ қоплами. 12. Электр токи кучининг ўлчов бирлиги. 13. Олмаота яқинидаги спорт иншооти. 14. Қадимий чолғу асбоби. 15. Қаҳрамон пойтахт шаҳар. 16. Фарғона водийсидаги канал. 17. Газлама тури. 18. Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. 19. Болтиқ бўйида яшовчи миллатлардан бири. 20. Қуйма деталга шакл берадиган мослама. 21. Узум нави. 22. Ўзбек халқ рақс куйи. 23. Клавишли музика асбоби. 24. Автомобилнинг бошқариш дастаси. 25. Кимёвий элементнинг кислород билан бирикишидан ҳосил бўлган модда. 26. Бухоро областидаги кон. 27. Қимматбаҳо табиий тош. 28. Қадимий оғирлик ўлчови. 29. Қадимги юнон шифокори, илмий медицинанинг асосчиси. 30. Халқ эртаклари қаҳрамони. 31. Ҳаводан оғир учиш аппаратлари яратиш соҳасидаги рус ихтирочиси. 32. Граждалар уруши қаҳрамони. 33. Гулсиз ўсимликларнинг бошланғич уруғи. 34. Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган ўзбекистонлик спортчи. 35. Ҳарбий бўлинма. 36. Бинокорликда ишлатиладиган асбоб. 37. Спорт тури. 38. Қирғизистоннинг Ўш областидаги шаҳар. 39. Кимёвий элемент. 40. Бўёқ тайёрлашда ишлатиладиган минерал.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

11-СОНДА БОСИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. «Правда». 2. Ҳамза. 3. Майна (Ҳасанова). 4. Артём (Сергеев). 5. Лацис (Вилис). 6. «Берёзка». 7. «Октябрь». 8. Элмурод. 9. Инқилоб. 10. Одесса. 11. Довженко (Александр). 12. Россия. 13. Ватан. 14. Хўжаев (Низомиддин). 15. Стаханов (Алексей). 16. Кураш. 17. Шумилов. 18. Имонов (Омонгелди). 19. Шодия. 20. Будённий. 21. Ялангтўш. 22. «Ҳужум». 23. Зафар. 24. Морозов (Михаил). 25. Смольний. 26. Авлоний (Абдулла). 27. Корчагин. 28. Жасорат.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.10.87 й. Босишга рухсат этилди 20.11.87 й. Р-11130. Қоғоз формати 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171809. Буюртма № 2054. Б-120.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ РЎЗИ ЧОРИЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР



АБДУРАЗЗОҚ БЎТАЕРОВ ПОРТРЕТИ



РОКСАНАНИНГ БОЛАЛИГИ.

МАНЗАРА.



Дарёлар ибтидоси...

М. Пенсон фотоси

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.